

М-19

И. ГАНИЕВА

**ШАРҚ
МАМЛАКАТЛАРИ
МУСИҚА ТАРИХИ**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MADANIYAT VA SPORТ ИШЛАРИ VAZIRLIGI
RESPUBLIKA METODIKA VA AXBOROT MARKAZI

ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ МУСИҚА ТАРИХИ

(Уқув кўлланма)

Тошкент
2010

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
KUTUBXONA VA MA'RUFIYAT VAZIRLIGI
ADIBIYOT NUSXASI
MILLIY KARTIB
№ 112344

Ушбу ўқув қўлланмада Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг мусиқа тарихи маданий ҳаёти ва мусиқий анъаналари баён этилган. Қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Жаҳон халқлари мусиқа тарихи” (Шарқ мамлакатлари) фани дастури асосида тайёрланган. Ундан мусиқа йўналишидаги ОТМ (Олий таълим муассасалари) ўқитувчи ва талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф-тузувчи: **И.А. Ганиева**, санъатшунослик номзоди,
доцент.

Масъул муҳаррир: **Д.А. Муродова**, санъатшунослик номзоди,
профессор.

Тақризчилар: **С.Б. Қосимхўжаева**, санъатшунослик номзоди,
доцент.

Б.Ж. Матёқубов, санъатшунослик номзоди,
профессор в.б.

КИРИШ

Шарқ халқларининг мусиқа маданиятини ўрганиш, унга бўлган кизиқиш доимо жаҳон мусиқашунослик илми намояндаларининг диққат марказида бўлиб келган. Сўнгги ярим аср давомида мусиқашунослик илмида ушбу масалани мазмун жиҳатидан ўрганишга бўлган эҳтиёж тўла шаклланди. Шарқ халқларининг мумтоз мусиқа маданияти, мақомот дунёси атрофлича ўрганилиб, Халқаро форумларда илмий тадқиқотларга оид материалларда таҳлил этилиб, оламшумул масала сифатида эътироф этилмоқда. Қолаверса, ушбу соҳа жаҳоннинг аксарият мусиқий олий таълим муассасаларида махсус фан сифатида ўқув дастурларига киритилган. Жумладан, Республикамизнинг мусиқий таълим йўналиши тизимидаги олий таълим муассасаларида ҳам махсус фан сифатида ўз ифодасини топган.

Фан дастурида белгиланганидек, ушбу ўқув қўлланмада Яқин ва Ўрта Шарқ – Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Араб мамлакатлари халқларига тегишли бўлган тарихий ва мусиқий маълумотларини қамраб олинган. Шарқ мамлакатларининг аксарияти узоқ тарихга эга эканлиги фанда маълум. Улардан ҳар бири асрлар давомида ўз маданий анъаналарининг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ ривожланиш босқичларига эгадир. Бизгача етиб келган шаклларида эса ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқий фольклор жанрлари, бетакрор мумтоз мусиқий намуналар юзага келганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, касбий мусиқанинг мукамал ва мураккаб шаклда таркиб топганлиги мақомлар тизимининг ўзида намоён бўлиб турибди.

Бинобарин, ўзбек мусиқасининг хорижий Шарқ халқлари мусиқа ижодиёти билан муштараклиги, умумий илдизлари, буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирлар ва маърифатпарвар алломалар томонидан чуқур эътироф этилган. Бу ҳақда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида қуйидагиларни ёзади: *“Бизнинг адабиётимиз шарқ-ислом адабиётига қандай боғланган, қандай муносабатли эса, мусиқамиз ҳам шарқ-ислом мусиқаси билан шундай боғланган, шундай муносабатдадир”*.¹

¹ А. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т.; “Фан”, 1993, 3 б.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг тарихий маданий алоқалари, жозибатор Шарқ оҳангларининг таровати ва таъсир кучи ҳамда ўзбек мусиқасининг хорижий Шарқ халқлари мусиқа анъаналари билан муштараклигини назарда тутган ҳолда Президентимиз Ислоҳ Каримов куйидагиларни таъкидлайдилар: *“Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Маишхур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, газалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва аҷамдир ҳар ким ўз расми билан назма айтур эрди”, деган маълумотларни келтиради. Мустақиллик йилларида улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришига қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўлаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда”².*

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган устувор маънавий-маданий вазифаларга мувофиқ “Жаҳон халқлари мусиқа тарихи” мажмуасидаги “Шарқ халқлари мусиқа тарихи” фанининг асосий мақсади – талабаларда Яқин ва Узоқ хорижий Шарқ халқлари мусиқа анъаналари ҳақида илмий асосланган тизимли билимлар доирасини ҳосил қилиш, бўлажак санъаткорларнинг бадиий тафаккурини кўшни халқлар мусиқа меросига доир маълумотлар билан кенгайтириш ва ўзбек мусиқасининг Шарқ ва жаҳон халқлари мусиқа маданиятига кўрсатган тарихий таъсирини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган “Шарқ ва Ғарб маданиятлари” кесимида идрок этишдир.

Шарқ мамлакатларининг мусиқа санъати, маданиятини ўрганиш, албатта, бу халқларнинг оғзаки ва ёзма манбалари, мусиқий дунёсини англаш билан боғлиқдир. Мусиқа дунёси эса мусиқачилар (хонанда ва созанда), мусиқий чолгулар, мусиқий жанр ва намуналар ҳамда ижрочилик анъаналаридан иборатдир. Бу мезонларни талабалар эътиборига ҳавола этиш, жаҳон мусиқашунослик соҳасида яратилган манбалар билан таништириш энг муҳим масалалардан эканлигини

² Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.; 2008, 140 б.

айтиш жоиздир. Шу боис, мазкур ўқув қўлланмада ҳар бир мамлакатнинг географик ўрни, ҳудуди, аҳолиси, миллий анъаналари, эътиқоди, маданияти ва албатта мусиқий санъати хусусида дастурда белгиланган миқёсда алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилади.

Қайд этиш жоизки, Шарқ мамлакатлари мусиқа маданиятини англаш, идроклаш албатта талабалардан маълум даражада тайёргарликни талаб этади. Талабалар ўз миллий мусиқа меросини керакли даражада ўрганиб, муайян билимга эга бўлишлари лозим. Хорижий тилларни ҳам билишлари айтиш муддаодир. Зеро, бундай ҳол талабаларга турли тилларда ёзилган манбалар билан танишишлари учун имкон яратади. Шу боис, қўлланманинг адабиётлар рўйхатида хорижий тилларда ёзилган асарлар ва тегишли маълумотлар келтирилади. Унда жаҳон мусиқа дунёсида машҳурликка эришган намояндаларнинг энг саралари билан таништирилади. Қўлланмада, шунингдек халқларнинг касбий мусиқаси, яъни мумтоз куй ва ашулаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг маданиятини мусиқа орқали англаш ва тасаввурни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракат ўз ифодасини топган.

Ўқув қўлланмани тузишда уни мукамал шаклдаги баёни учун луғатлар, Миллий ва мусиқа энциклопедиялари, интернет маълумотларидан, ЎзДКнинг А. Назаров, М. Зокиров, З. Орипов, З. Насуллаев, С. Бегматов каби профессор-ўқитувчиларининг илмий мақола ва маърузаларидан кенг фойдаланилди. Бунинг учун барча муаллифларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

АРАБ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Араб халқлари мусиқий маданияти жуда қадимий ва бой анъаналарга эгадир. У худудий томондан Мағрибдан Машрикқача бўлган масофани ўз ичига олади³. Амалиётда ҳам унинг икки минтақавий жиҳати назарда тутилган ҳолда, Араб шарқини – Машрик, Араб ғарбини – Мағриб, деб юритиш расм бўлган.

Илмий тадқиқотларга таяниб шуни айтиш жоизки, араб халқларининг серкирра мусиқа маданияти 2000 йилдан ортиқ тарихга эга. Араб халқлари бадий ижодиёти: шеърияти ва мусиқа санъатини шу кунгача етиб келган араб манбаларидан билиш мумкин. Араб мусиқий мероси бир неча асрлар давомида оғзаки анъана асосида шаклланиб, ривожланиб келган.

Араб халқларининг турмуш тарзи ва ҳаёти билан боғлиқ фольклор мусиқий намуналари ҳам ўзига хосдир. Жанрлар ранг-баранглиги, куй ва айтимларнинг араб халқлари миллий анъаналарига мослигини айтиб ўтиш лозимдир. Шу билан бирга, халқ орасида профессионал, яъни мумтоз мусиканинг шаклланиши араб халқининг бой маънавиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ислом динигача (VII аср) бўлган “Жоҳилия даври”да шеърият ва мусиқа гўзал бир уйғунликда бўлганки, улар алоҳида кўринишда тан олинмас эди. М.Геттатнинг⁴ айтишича, “Шеърият нафақат мусиқий ритмни бошқарган, балки кўшиқ билан ифодаланган”. Шунда чолғу мусиқаси унга жўрнавоз сифатида иккинчи даражали вазифани бажарган. Жоҳилия даврининг кечки босқичида санъат юқори чўккига кўтарилиб, мусиқа шеърият соҳаси ҳамда диний маросим (сеҳр-жоду)ларда кенг қўлланилди. Ушбу даврда Тувайс, Азза ал-Майла (“Хонандалар маликаси”), машхур канизак Ширин, шоир ва мусиқачи Қассан ибн Табут, кўшиқчи Билал Рибҳ ал-Хабаша сингари намояндалар фаолият кўрсатганлар⁵.

Араб классик адабиётининг шаклланишида Ислом динининг муқаддас китоби Қуръон жуда катта аҳамият касб этади.

Араб маданиятининг ривожланиши 3 та асосий даврда шаклланади:

1. Уммавийлар (VII–VIII) сулоласи сулоласи – Сурия-Дамашк;
2. Аббосийлар (VIII–X асрлар) сулоласи Ироқ-Бағдод;
3. Мамлуклар (XII–XIII) сулоласи Миср-Қоҳира каби марказлар билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Уммавийлар даврида араб профессионал мумтоз мусиқаси (шаҳар ва саройларда) юксак

³ Конрад Н. Запад и Восток. М.; 1972, с.24.

⁴ Геттат М. Мағриб классик мусиқаси. Париж (француз тилида). 1980, 27 б.

⁵ Еолян И. Очерки арабской музыки. М.; 1977, 11 б.

даражага кўтарилди. Шу замоннинг таникли алломаларидан Юнус ал-Котибнинг (765) “Китабу-л-ағани” (“Кўшиқлар китоби”) – араб мусиқа назариясига бағишланган илк рисоласи, Ибн Сурайжнинг (726) “Етти кўшиқ” китоблари бизгача етиб келди⁶. Араб халифалигининг кейинги маданий-маърифий юксалиш даври Аббосийлар ҳукмронлигига (VIII–X асрлар) тўғри келади. Бу давр араб цивилизациясининг “Олтин даври” ҳисобланади. Мансур (754–776), Хорун ар-Рашид (786–809) ва Маъмун (813–833) халифаликлари пайтида илм-фанга эътибор кучаяди. Мусиқа илмининг гуллаб яшнашига IX аср ўрталарида Бағдодда ташкил этилган “Дор ул-Ҳикма” (Донишмандлар уйи) ҳам сабаб бўлган. Бу ерда Юнон муаллифлари, хусусан, Пифагор (Писогурус), Птоломей (Батломус), Евклид (Иклюдус), Сократ (Сукрот), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту)ларнинг турли хил асарлари таржима қилинди ва шу билан бирга кўпгина рисоалар яратилди.

Арабларининг профессионал мусикаси оғзаки тарзда ривожланган. Бу мусиқа табиатан бадихавий тусга эгадир. Ҳозирги давргача жуда кўп қадимий жанрлар, халқ кўшиқчилиги, вокал, шеърӣй, чолғу ва рақс санъати шакллари етиб келган. Қадимги арабларнинг оғзаки анъанавий жанрлари рави ва мутриблар ижодида сақланиб асрма-аср ўтиб келган⁷.

Араб халқларининг бой бадий мероси авлоддан авлодга ўтиб, “Анъанавий мусиқа” деган номни олишга муяссар бўлган. Қайд этиш жоизки, ушбу анъана доимо халқ мусиқа маданиятининг жонли жараёнини акс эттириш билан бирга доимо ҳаракатда бўлиб, янгиланиб турган.

Арабларнинг қадимги ритмлари “чўл ритмлари” (туя юриши, отнинг сакраши) ва ҳоказо таъсири остида шаклланган.


Араб профессионал мусиқий жанрларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: муайян метро-ритмик тузумларига асосланган намуналар ва эркин бадихавий шаклдаги композициялар.

Биринчи гуруҳга *самои*, *башраф*, *тахмила*, *лонга* каби шакллар ва бадихавий турдаги *такасим* деб номланувчи чолғу жанрлари киради.

Вокал (вокал-чолғу) жанрларига эса, қатъий метро-ритмга эга бўлган ва кенг тарқалган *мувашишаҳ*, *қасида* ва *дор*; эркин бадихавийлик шаклидаги вокал прелюдия-ноктюрнлар – *лаяли* ва лирик поэмалар – *мавваллар* киради. Бу жанрларнинг барчаси қадимий, лекин ҳозирги кунда ҳам улар ўз салоҳиятини йўқотмаган. Улар асосида ижрочилик мактаблари ривожланди.

⁶ Ўша манба. 22 б.

⁷ Болян И. Очерки арабской музыки. М.; 1977, с.18.



Рабаб чолгуси

Қасида. Арабларнинг вокал мусиқа жанрлари қаторига, метро-ритм асосли кўшиқлар гуруҳига, юқорида таъкидлаганимиздек, *қасида*, *мувашишаҳ*, *дор* ҳамда яқка ижро этилувчи бадиҳавий анъанавий шакллар бўлмиш *лаяли* ва *маввал* жанрларини киритиш мумкин. Улар ичида энг қадимийси қасида бўлиб, у бадавийларнинг мусиқий-шеърий ижод шакли сифатида машҳур ҳисобланади. Қасидаларнинг таниқли ижрочилари ҳақида Абулфараж Исфажоний (897–967) нинг “Катта кўшиқлар китоби” (араб мусиқаси, унга оид кўшиқлар ва шеъриятга бағишланган, унда Ўрта Осиё, Эрон халқларининг қадим мусикасидан дарак берувчи, Шарқ мусиқа атамаларининг шаклланишига хизмат қилган манба)да бой маълумотлар келтирилган. Айниқса Ибн Шаддод, Зухейра, Имру ал-Қайсларнинг номлари алоҳида таъкидланган⁸.

Ўрта асрларга келиб, қасида арабларнинг мумтоз шеърий ва мусиқий ижодининг энг олий намунасига айланди. Бошқа жанрлар сингари қасида ҳам композицион тузилиши жиҳатидан кўп тарихий ўзгаришларга дуч келган. XIX–XX асрларга келиб машҳур композитор ва кўшиқчилар Абдул Ваҳоб, Умм Кулсум, Муҳаммад Касабжилар ижодида қасида диний жанрдан бироз узоқлашиб, концерт жанрига айланди. Маълумки, қадимги бадавий қасидаси мустақил вокал шаклга эмас, балки шеърларнинг мусиқий сўзланишига асосланган. Шеърий байтлар битта қофияга таянган ва узвий монографик шаклни ҳосил қилган. Ўрта асрларга келиб, мумтоз қасиданинг пайдо бўлиши ундаги ички тузилманинг бойишига олиб келди. Ҳар бир эпизодда турли хилдаги мураккаб метро-ритмик тузилмалар, турли қофияларни кузатиш мумкин.

Қасидалар учун маҳоратли шоирлар юксак бадий мумтоз услубда

⁸ Фельштинский И. История арабской литературы V–X века. М.; 1985, с.104–106.

махсус шеърлар ёзганлар. Қасида ижросининг жўрнавозлик мезонлари турли мусикий асбоблар билан биргаликда талкин этилади. Шундай бўлса-да, асосий мезон бадиҳавийликни ташкил этади.

Қасиданинг қадимги турлари фақат урма чолгулар жўрлигида ижро этилган. Кейинчалик, ривожланиш жараёнида унга мусикий чолгулардан уд ва ребаблар қўшила бошлади. Қўшиқ бир маромдаги усулга асосланади. XIX асрда қасида ижросида фақатгина вокал ижро маҳорати эмас, балки миллий ансамблларнинг аҳамияти ҳам юқори даражага етди. Қасида араб шаҳар ва кишлоклари аҳолисининг маиший ҳаётларига чуқур ўрнашган ва унга бўлган қизиқиш доимо ривожланиб борган.

Мувашшаҳ. Мувашшаҳлар арабларнинг бутун тарихий жараёнига ўтаган мустаҳкам жанри ҳисобланади. Уларнинг келиб чиқишини тарихчилар ўрта асрларда араб маданиятининг гуллаган даври, яъни X–XI асрлар ва Абад ал-Қазоза номи билан боғлайдилар. Ушбу жанр, асосан, араб шеърияти ва араб Шарқ санъати асосида шакллана борган. Шунинг учун мувашшаҳ билан бир қаторда бошқа жанрлар – зажжал, диний қўшиқлар туркуми Андалус бадиий анъаналари асосида вужудга келган. Унинг шаклланишида дарвеш, шоир ва мусиқачи Ибн Кузманнинг ижоди алоҳида аҳамият касб этади.

Мувашшаҳ жанри мумтоз араб шеърияти ва эркин тизим асосида шаклланган. Унинг пайдо бўлиши араб мусиқасининг бойиши ва янги мураккаб усули, ёддан чиққан қадимий жанрларнинг жонланишига сабаб бўлади.

Мағрибда ҳам, Машриқда ҳам мувашшаҳ бирдек, катта эркинликка эга бўлган оҳанги, мусикий-композицион тузилиши, лирик шеърлари, юқори бадиий эстетик таъсири билан арабларнинг севимли жанри ҳисобланган. Мувашшаҳ илгари мумтоз шеър ва катъий остинатоли ритм билан боғлиқ бўлган.

Мувашшаҳнинг асосида араб классик шеъриятининг банд шаклидаги шеърлари турган бўлсада, бошқа қўшиқ, чолғу мусиқа шакллари билан фарқли равишда, мусиқа адабий матнга бутунлай боғланиб қолмаган эди. Ушбу шаклнинг ривожланишида араб мусиқасида пайдо бўлган янги мураккаб усуллар, қадимий куйлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мувашшаҳларнинг шаклланишида Андалусия профессионал қўшиқчиларининг фаолияти алоҳида ўрин тутди. Улар асосан бандга (яъни куплетли қўшиққа) асосланган ва Андалус халқ қўшиқ–рақс ритмларидан фойдаланилган. Амалиётда кузатилишича, мувашшаҳлар испан араблари шеърияти билан мустаҳкам қўшилиб кетган бўлса-да, уларнинг сўнги қаторларини халқ, одатда, Андалус шеvasида

куйланган. Кейинчалик ижрочилик амалиёти ўзига хос қонун ва услубларга таяниб, турли ҳудудларга тарқалиб кетади. Бунинг натижасида, мувашшаҳнинг “Мисрча мувашшаҳ”, “Халабча” (Сурия), “Андалусча” (Мағриб) каби кўринишлари юзага келди. Шинавандалар мазкур услубларни ҳеч бир қийинчиликларсиз ажрата олганлар.

Мувашшаҳнинг таркибий тузилиши туркум шаклидадир. У 4 қисмдан иборат бўлиб, чолғу бўлими ҳам мавжуд. Яқунловчи қисм сўзлашув услуби ва шеър ритмикасига асосланади. Ҳаттоки, бутунлай бошқа ритмда тугалланиши ҳам мумкин. Бу жараён эса мувашшаҳга оид кўплаб намуналарнинг яратилишига асос бўлган.

Муסיкий тузилишга тегишли услубларда куй етакчилик қилиб, лирик шеърларнинг муסיкий ифода воситаси Араб ғарби (Мағриб)да ушбу жанр санъатнинг юкори чўққиси бўлиши учун хизмат қилди. Унинг ички тузилиши зарбли остинато ритмида ривожланади, Ал-Маликнинг (IX аср) “Дар ал-тираз” рисоласида унинг метро-ритмик хусусиятлари баён этилган. Олим ушбу рисоласида жуда кўп шеърӣ-ритмик мувашшаҳ формулаларни келтирган. Вақт ўтган сайин бу қоида ва чегаралардан четга чиқиш кузатилади. Ҳозирги кунда бундай аънавий ритмларнинг бир нечтасигина сақланиб қолган.

Қадимдан мувашшаҳлар эркаклар хори томонидан ижро этиб келинган. Лекин, энг ёрқин намунаси албатта рақс билан бирга ижро этилган ва улар самах деб юритилган. Дастлаб, самахларни фақат эркаклар ижро этган бўлса, кейинчалик аёлларнинг ҳам қўшилиб айтишлари аънамага айланади. Самах Суриянинг Ҳалаб шаҳрида XVII асрларда диний омма рақси сифатида, сеҳр-жоду кўшиқлари қаторига кириб, ёмғир чақириш маросимида ижро этилган. Самахларнинг ўзига хос кўринишларидан бири ритмик усуллар воситасида ижро этилган пантомима услубидаги рақсдир. Унда динамика ва метро-ритмнинг тинимсиз кучайиб боришини кузатиш мумкин. Самахларда оммалашган аънавий усуллар қуйидагича:

Масмуди – 4/4.

Либо – 8/4.

Мурабба – 13/4.

Мадаур шами – 10/4.

Мадаур масри – 12/4.

Ҳинди дор – 7/8.

Маэр – 2/8.

Ўзининг кўп асрлик тарихида мувашшаҳ жанр сифатида бир қатор ўзгаришларга учраган бўлса-да, араб кўшиқ ижрочилигида ўзининг

эстетик аҳамияти ва мавқеини сақлаб, замонавий жараёнда бекиёс хазина сифатида халқнинг ардоғида бўлиб келмоқда.

Кўшиқлар

Зажжал – мувашшаҳ билан бир қаторда ривожланган кўшиқ. Зажжалнинг шеърий тузилмаси мувашшаҳга жуда яқин. Бу жанрда халқ лаҳжаси асосий аҳамиятга эга. Масалан, Сурияда бу жанр шеърий жиҳатдан кенг ривожланган бўлиб, куйлари эса оддий. Ливанда эса жуда энгил ва шўх услубда ижро этилади.

Тактуки – арабларнинг замонавий маиший кўшиқларидан бири. У XIX асрда Мисрда пайдо бўлиб, бироз оддийлаштирилган кўшиқлар турига киради. Баъзи олимлар фикрига кўра, бу жанр юқори даражада профессионал шакл ва соф услубга эга эмас⁹.

Арабларда, бундан ташқари, *мужана* ва *атаба* деб номланувчи кўшиқлар ҳам мавжуд. Бу кўшиқлар шеърий жиҳатдан ўзига хосдир. Халқ ҳажвий шеър ўйинлари, сўз ва ибораларининг образ ва ритмик жиҳатдан солиштирилиши буларнинг яна бир эътиборли томонидир.

Сурия ва Ливан мамлакатларида бу кўшиқ жанрлари халқ томонидан уюштирилган турли кечаларда, мусикий-шеърий йиғилишларда кўп ижро этилади.

Барча араб халқлари мусика ижрочилик амалиётида машхур бўлиб, кенг оммалашган мувашшаҳ ва зажжал кўшиқ жанрларининг куй ранг-баранглиги, тузилиш жиҳатидан хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам, бу ҳар икки кўшиқ шакллари бошқа янги шаклларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган.

Дор – яккахон ва чолғу оркестрлари жўрлигида ижро этилувчи кўп қисмли жанр ҳисобланади. Унинг таркибига учинчи қисм сифатида мустақил вазифани бажарувчи вокал нақорат ҳам киради. Дор миллий қаҳрамонлик, инсон кадр-қиммати, гўзаллиги ҳақидаги ва шу хилдаги улуғвор сюжетларга эга бўлган лирик жанрлар қаторига киради. У катъий метрик ўлчов ва ритмга эга. Унда айниқса, чолғу-асбобларнинг аҳамияти катта. Дор – узвий ривожланувчи яхлит мусика шаклидир.


XIX–XX асрларга келиб, машхур мусикачилар Муҳаммад ал-Масуба, Абд ал-Хамули, Муҳаммад Османлар томонидан бу жанрга бир қатор янги услублар киритилди. Унда чолғу ва вокал қисмлар бир хил бўлиб, ўзаро вазифаси тенглашди. Шунга қарамай, дор арабларнинг замонавий анъанавий кўшиқ жанрига кирмайди.

Дорнинг ҳар бир қисми мураккаб уч қисмли ва рондосимон шаклда

⁹ Музыкальная энциклопедия. Арабская музыка I т., М.; 1973, с. 187.

тузилган. Ҳар бир қисм махсус кода бўлаклари билан якунланади. Дорнинг туркумий тамойилларининг, драматургияси жуда кўп қисмли вокал-чолғу шаклларга ҳам эга.

Лаяли – лирик характердаги, кўпинча чолғу жўрлигида яккахон хонанда томонидан ижро этиладиган кўшиқ. Бу жанр Шаркий Арабистондан то Андалусиягача кенг тарқалган. Кўпинча, бу жанр “*лаяли – маввал*” деб ҳам номланади. Кўшиқни асосий ижро этиш тамойили – алоҳида сўзларнинг ривожланишидир. Бу унинг семантик таркибини ташкил этади.



Уд сози

Лаяли бадиҳавийлиги ижрочидан жуда катта маҳорат талаб қилади. Мақом ладларини мукаммал билиш, эркин ижодий импровизация қилиш, турли хил ладларда мантиқий модуляция ва оғишмаларни бажариб, сўнг асосий тоналликка қайтиш каби ижодий вазифаларни ижро этиш бу жанрга хосдир. Лаяли бадиҳаси ижрочидан табиатан таъсирчан бўлишни, лирик кайфиятни аниқ ифода этиб беришни талаб қилади. Лаялининг бирмунча оддий, енгилрок турлари бошқа вокал жанрлари сингари халқ ижодида ҳам учрайди.

Маввал – тарихий манбаларда таъкидланишича, Хорун ар-Рашид (786–906 йиллар) даврида яратилиб, жуда қайғули, драматик воқеалар оқибатида пайдо бўлган жанр. Яъни, драматик элементлар билан бойитилган лиро-эпик характердаги кўшиқдир. Унинг асосий образли-ҳиссий (эмоционал) жиҳатлари ҳозирги давргача етиб келган¹⁰. Маввал минор ладида эпик-бадиҳавий тарзда равон (шошмасдан) ижро этилади. Ҳар би шеърий қатор якунида “*ва маввала!*” сўзлари такрорланилади.

Маввал шеърлари 5–6 қатордан иборатдир. Профессионал ижрочилар томонидан камдан-кам жўрсиз ижро этилади. Замонавий ижрочилик мезонида кўшиқ кўпроқ миллий оркестр жўрлигида айтилади. Маввалнинг бир неча ижро услуби мавжуд. Унга кўра, маввал ансамбль билан кетма-кетликда ёки чолғу жўрлигида диалог, яъни, савол-жавоб тарзида талқин этилиши ҳам мумкин. Ушбу жанрнинг халқ ижодиёти билан чамбарчас боғлиқлиги, миллий оҳанг бўёқларининг кенг қўлланилгани сабабли маввал барча араб халқлари

¹⁰ История стран Западного Востока в средние века. М.; 1957, с. 106.

томонидан севиб ижро этилади ва тингланади.

Қадимдан араб тилининг ифодали янграши, талаффузининг гўзаллиги ва образлилиги эътироф этилган. Қўшиқчи шоирлар эса ўзларининг оҳанрабои билан ажралиб турган. Улар куйлаган қўшиқларни, ҳаттоки, авлиёлик даражаси билан тенглаштиришган. Халқ орасида улар жуда катта обрў-эътиборга ҳамда жамиятда юқори мавқега эга бўлганлар.

Маълумки, бадавийларга оид қўшиқчилик санъатида туя боқувчиларнинг қўшиқ намуналари жуда оммалашган ва асосий жанрлардан бўлган. Бундан ташқари, *марсия* – йиғи қўшиғи, *мадҳ* – мактов, *сар* – қасос, *хидо* – туя подачилари, *хабаб* – отчилар қўшиғи, *ҳижо* – хажвий қўшиқлар каби бошқа шакллар араблар ҳаётдан ўрин олган.



Умм Кулсум араб дунёсида ўзининг ёрқин овози, бетакрор ижоди билан жуда катта обрў-эътибор ва аҳамиятга эга бўлган кўшиқчи санъаткордир. У яккагон хонанда бўлиб комиллик даражасида фаолият олиб борган ва бутун араб халқлари томонидан эътироф этилган санъаткордир. Шу боис унинг

ижоди кўп асрлик араб мусикаси тарихида ҳам алоҳида ўринга эгадир¹¹. Унинг ижоди Мисрдаги етти мўъжизалардан бири – эҳромлар билан ҳам тенглаштириб, барҳаёт кўшиқлари билан мангу қолиши эътироф этилади. Машхур араб публицисти, шоир ва драматурги *Анис Мансур* Умм Кулсумни қадим юнон кўшиқчиси Орфей билан тенглаштирган эди. У санъат соҳасида араб дунёсида мавжуд барча фахрий унвонларга эга бўлган. 1972 йили “Халқ санъати арбоби” деган энг юқори унвонга сазовор бўлган.

Умм Кулсум Мисрнинг Санбалавия марказидаги Тамаи Захария кишлоғида XX аср бошларида (1903–1905) таваллуд топган. Отаси – Шайх Иброҳим Саид, ҳофиз Қуръон ва диний кўшиқлар ижрочиси бўлган. Умм Кулсумнинг асл исми *Фотима Иброҳим*. Оилада яна икки фарзанд бўлгани маълум: опаси Рукия ва укаси Холид. Фотима жуда ажойиб овоз соҳиби эди.

Маълумки, азалдан араб мамлакатлари анъанавий мусулмон мактабларида тил, адабиёт, тарих ва одоб дарслари билан бир қаторда Қуръон ва уни кироат билан ўқиш ҳам ўргатилиб келинган. Қуръон кироат қилишни ўзлаштиргандан сўнг мусикий чолғулардан бири – уд ёки қонунда асосий мақомлар амалий, яъни устоз-шоғирд тарзида ўргатилган¹².

Умм Кулсум 1920 йили Қоҳирада биринчи марта кўшиқ айтади ва шу шаҳарда қолишни ният қилади. Шу билан бирга, у машхур араб бастакорларидан бири, Мисрнинг янги мусиқа йўналиши асосчиси *Саид Дарвиш* (1892–1923) билан учрашишни орзу қилади. Шу даврда, араб мусиқа санъатида Умм Кулсум билан бир қаторда, *Мунира ал-Махдия*, *Наима Мисрия*, *Ҳаёт Сабрий* ва *Фотима Саари*

¹¹ Еолян И. Очерки арабской музыки. М.; 1977, с. 127.

¹² Elsner J. Die Musikkultur Agupytens. Musik und Gessel schaft. 1968, №6, S, 292–293 б.

каби кўшиқчилар машхур эдилар. Умм Кулсум илк маротаба Миср радиоси орқали 1934 йили ўз кўшиқларини ижро этади ва халқ оғзига тушади. Умм Кулсумга машхурлик келтирган фаолият турларидан яна бири кино (“Умид мадҳияси” (1937), “Динара” (1940), “Салама” фильмларида ижро этган ролларидир. 1945–50-йилларга келиб, Умм Кулсум профессионал хонандалик репертуарини яратиб, ижрочилик амалиётида чуқур из қолдиради.

1960-йилларда Умм Кулсум ташаббуси билан Мисрлик аёллар халқ фронти ташкил этилади. Шундан сўнг, у нафақат араб дунёси, балки бутун жаҳонга танила бошлайди. У ўзининг инқилобий кўшиқлари билан шуҳрат қозониб, миллий озодлик инқилоби жангчилари томонидан моддий қўллаб-қувватланган. Сўнгра, жаҳон бўйлаб бир қатор концерт гастролларида иштирок этиб, ўзининг бетакрор овози билан кенг танилади, араб мусиқасининг сеҳрли жозибасини барча халқларга намоиш этади ва бу мусиқанинг ёрқин намоянчасига айланади. Умм Кулсум барча араб халқлари томонидан миллий кўшиқчи сифатида тан олинган.

1970-йилларда унинг соғлиги кескин ёмонлашиб, 1975 йили вафот этади.

Умм Кулсум Араб дунёсида шаклланиб келаётган янги авлод кўшиқчиларига ибрат эди. Унинг ижросидаги мусиқий асарлар талқини саҳнадаги гўзал ҳаракатлар билан уйғунлашиб, нафис жозоба касб этарди. Чунки унинг овози бетакрор, ажойиб ифодали, дардли ва эҳтиросли эди. Умм Кулсум ижоди араб шеърятининг чуқур маъноси тимсолидир. Хонанда шоирларнинг кўшиқ учун ёзган матнлари устида жуда талабчанлик билан ишлар эди. Унинг репертуаридан шоирлар сардори *Аҳмад Шавқий* ва Нил шоири *Ҳофиз Иброҳим* ва бошқаларнинг бетакрор ва энг сара қасида, шеърлари ўрин олган. Мазкур кўшиқлар йўналишини уч йўналишга бўлиш мумкин: севгимухаббатни мадҳ этувчи кўшиқлар; ватанпарварлик туйғуларини акс эттирувчи намуналар; диний-фалсафий мавзудаги кўшиқлар¹³.


Умм Кулсум ўзининг серкирра ижоди, бетакрор овози билан нафақат араб дунёсида, балки жаҳонда ҳам обрў топди.

Такрорлаш учун мавзулар:

- Араб мусиқа маданияти;
- Мумтоз мусиқа намуналари;
- Араб мумтоз мусиқаси жанрлари;
- Қасида, мувашшаҳ;
- Араб кўшиқлари.

¹³ Аманмурадова С. Умм Кулсум – великая певица Арабского Востока. с. 24–32.

МАҒРИБ МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Мағриб – Африка Шимолида жойлашган Жазоир, Марокаш, Тунис, Ливия, Мавритания давлатларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, Пиреней ярим ороли ва Испаниядаги Андалусия минтақаси ҳамда Курдоба (Кордова), Севилья, Гренада шаҳарлари ҳам шу ҳудуддан жой олган. 661–680-йилларда араблар тарихида давлат тепасига Уммавийлар сулоласи келади. 750-йилларда ҳокимият Аббосийлар кўлига ўтади. Уммавийлар халифалик пойтахтлари Дамашқ ва Боғдод шаҳарларини тарк этиб, Шимолий Африка ерларига чекинадилар ва Андалусия (Араблар Испанияси, пойтахти Куртоба – Кордова) мустақил Ҳошимийлар давлатини барпо этишади.¹⁴

Араб мусикий-шеърый маданияти Испан халқ анъаналари маданиятига чуқур сингиб боради. Аммо, Испан христиан диний кенгаши қаршиликлари оқибатида XI–XII асрлар араблар Пиреней ярим оролидан Шимолий Африка ерларига кўчишга мажбур бўлишади. Улар ушбу ҳудудга ўзларининг ноёб Андалусия мусиқа анъаналарини олиб келишади. Шу боис, Жазоир, Тунис ва Ливия нубалари (тубуъ ва санаъ туркумлари), мувашшаҳ айтим–чолғу туркумлари Мағриб маданиятида ҳамон “Андалус услуги” деб юритилади.

Мағриб мусиқа маданияти ривож икки йўналишга бўлинади:

1. Барбарлар (қадимий даврни ўз ичига олган) даври;
2. Араблар даври.

Барбарлар маданиятида мусиқа, шеърят ва рақс санъати каби жанрлар уйғун ривожланган. Халқ орасида бу жанрларнинг хилма

¹⁴ История стран Западного Востока в средние века. М.; 1957, с. 152.


хил шакллари кенг тарқалган. Жумладан: *афарди* – топишмоқ айтиш; *ташерафт* – кўшиқ (якка ҳолда ижро этилган); унинг атемши ёки изли шакллари. Ҳар бир шакл ўзига хос миллий жараёни акс эттирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ташерафт шакли Мағрибда оддий кўшиқни ифода этса, *атемши* ёки *изли* шакли Марокашнинг кичик кўшиқ, яъни поэмалари ҳисобланган. Жанрлар кесимида Жазоирда ўзига хос шакллар мавжуд. Масалан *аҳалил ва тагарроб*. Бу шакллар асосан байрамона кўшиқ-рақсларни ташкил этади.

Барбарлар мусиқаси асосан етти босқичли диатоник товушқатордан тузилган. Марокаш ва Тунис мусиқасида баъзан пентатоника ҳам учраб туради. Бу минтақада чолғу ансамбли жўрлигида куйлашга эътибор катта бўлган.


Чолғу ансамблларида асосан *зурна* ва *табла* (зарбли), *қасаб* (найлар) ва *бендир* каби асбоблар иштирок этган. Айрим ҳолларда Марокаш ва Тунис аҳли *гуинбри* (2–3 торли уд) чолғусини қўллаганлар. Жазоирда эса *андоз*, яъни бир торли камонли чолғу ва *ганга* – ноғоралардан фойдаланганлар.

VII асрга келиб, Шимолий Африкага араблар келгандан сўнг, бу ерда ислом дини кенг тарқалади. Натижада, араб мусикий анъаналари, маданият ва санъати кенг оммалаша бошлайди. Халқ орасида араб мусиқий жанрларига, мусулмон динига, Қуръон ўқиш талқинларига катта эътибор қаратилади. XII–XIII асрга келиб, Мағрибда араб миллий чолғулари ҳисобланмиш *ребаб*, *уд*, *қонун*, *най*, *дарабука*, *рикка*, *табла* каби чолғулар кенг тарқалади.

Андалусия, ва умуман, Мағриб мусиқасининг асосчиси буюк санъаткор, шоир ва бастакор *Зирёб* (789–857, асл исми Абул Хасан Али бин ан-Нафий) ижодида Уммавийлар даври санъатининг услубий ва эстетик хусусиятлари ўз ифодасини топади. Зирёб дастлаб Бағдодда машҳур бастакор *Иброҳим ал-Мавсилий* қўлида тарбияланади ва хонанда уд ижрочиси сифатида шуҳрат қозонади. У 822-йилда ватанини тарк этиб, Абдурахмон бин Хишом саройи (Уммавийлар давлати Кордова)га келади. Зирёб Андалусияда етук олим, ижодкор, моҳир созанда ва



Бендир чолғуси



Гуинбри чолғуси

хонанда, серкирра билимга эга қомусий олим сифатида шуҳрат топади. Шунингдек, Зирёб Андалусия нуба шаклини ҳам такомиллаштириб, мувашшаҳ туркумининг асосчиси сифатида ҳам машҳур бўлади¹⁵.

Зирёб Машриқ араб мусиқий анъаналарини Мағрибда оммалаштиради, у араб дунёсида машҳурликка эришган ва муайян жанрлардан бўлган нуба, мувашшаҳни ушбу минтақада кенг оммалаштиради.

Андалус мактаби мусиқий анъаналари мумтоз, шарқий араб, андалус каби бир неча оқимлардан иборатдир. Унинг асосий жанри нубадир. *Қасида, мувашшаҳ, заъжжал, маввал, тақсимлар* араб мумтоз мусиқасининг ёрқин жанрларидан ҳисобланади¹⁶.

Ўрта асрларга келиб, Мағриб мусиқасида ўзига хос ривожланиш даври бошланади. Мусиқа назариясига асос солинади ва таълим тизимида араб мусиқа назариясига бўлган эътибор ортади. Мақомотнинг ўзлаштирилиш омили бўйича Мағрибда ҳам ўзига хос мақом тизими тузиб чиқилади. Бу мақом таркибидан бутун ғарбий араб давлатларини ўзига қамраб олган Мағриб ладлари ўрин олади. Булар: *Майя, Рост ал-дил, Рам ал-майя, Ғарибот ал-Ҳусайн* ва ҳоказо.

Мағриб мумтоз мусиқасининг хусусиятларидан яна бири мақомлар тизимига кирувчи мумтоз мусиқанинг метро-ритмик асослари ҳисобланади. Мағриб мусиқасининг асосини усул (ритм) шакллари ташкил этади. Жумладан: Мароқашда – *бассит, қайн, нус*; Жазоирда – *инсироф, хлос*; Тунисда – *баруэль, хафиф, мусаддарларни* келтириш мумкин.



Таар чолгуси

Мағрибда мумтоз мусиқа билан бир қаторда халқ мусиқаси билан боғлиқ анъаналар ҳам ўзига хос ривожини топади. Жанрлар ранг-баранглиги, турли шакллар ёки мусиқий ижрочилик негизида юзага келган янги намуналар халқ мусиқаси ривожининг асосини ташкил этади.

Жумладан: Жазоирда кенг оммалашган *дарбука* – табла жўрлигида ижро этиладиган кўшиқлар; мавританиялик маврлар, гриотлар томонидан ижро этиладиган миллий кўшиқ – *иглиу*. Бу кўшиқ уд ва арфа чолғу созлари жўрлигида ижро этилади. Шу билан бирга у христиан календар кўшиғи ҳам деб юритилади.

¹⁵ Музыкальная энциклопедия. Арабская музыка. I т. М.; 1973, с. 188.

¹⁶ Паласин А. де Ларреа. Зирьяб из Кордовы и арабо-андалузская музыка. Традиции музыкальных культур народов Ближнего и Среднего Востока и современность. М.; Сов.композитор, 1987.

Марокаш миллий мусиқий анъаналарида эса, диний мусиқага катта эътибор берилади.

Бундан ташқари, меҳнат кўшиқлари, маросим билан боғлиқ рақслар, тўй маросим кўшиқлари, алла куйлари каби жанрлар кенг оммалашган¹⁷.


XIII асрдан бошлаб Мағриб мусиқаси анъаналари ҳам чуқур инкироз даврини ўз бошидан кечиради. Мағриб халқлари анъанавий мусиқаси XVIII асрдан бошлаб туркий халқлар, аниқроғи Туркия мусиқаси таъсирида ривожланди. XX асрнинг биринчи ярмидан Мағриб мусиқа ижодиётида Европа маданиятининг таъсири анъанавий ансамбль ижрочилигида скрипка, виолончель, альт, кларнет, флейта каби созларнинг кенг қўлланилишида ўз ифодасини топган.

¹⁷ Музыкальная энциклопедия. Марокканская музыка III т, М.; 1976, с. 451.

ЖАЗОИР МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Жазоир – Шимолий Африкада жойлашган Мағриб давлатларидан бири. Ғарбдан Марокаш ва Саҳрои Кабир, жануби ғарбдан Мавритания, жануби шарқдан Нигерия, шарқдан Ливия ва Тунис давлатлари билан чегарадош. Пойтахти *Жазоир* шаҳри. Аҳолиси 32 млн. (2007). 1962 йилда мустақил давлат сифатида тан олинган. Қуйидаги арабча номлар билан аталиб келинган: Ал-Жазоир, Ал-Жумхурият ул-Жазоирия, Ал-Жумхуриятул-Жазоириятул-демократиятул-шабия¹⁸.

Жазоир мусиқа санъати жуда қадимий ҳисобланади ва ҳозирги давргача авлоддан – авлодга анъана тарзида ўтиб келмоқда. Бой мусиқа санъати икки йўналиш, яъни халқ ва мумтоз йўналишларида шаклланиб ривожланиб келган. Фольклор вокал мусикаси бир овозлидир. Товушқатор тизими 7 босқичга асосланган. Ўзининг бетакрор метро-ритмик хусусиятлари ва кўп образлилиги билан ажралиб туради. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб, бу санъат тури қадимги юнон йўналишида, сўнгра Рим ва ўрта аср христиан йўналишларидаги мусикани ўзида синаб кўрган. VII асрда араблар Шимолий Африкани ишғол қилгандан сўнг, уларнинг таъсири бекиёс бўлади. X аср ўрталарида Жазоир давлати ўзининг мусиқий намуналарини миллий анъаналар асосида шакллантиради. Улар орасида ўзининг мумтозлиги ва мукамаллиги билан ажралиб турадиган жанр *нубадир*¹⁹. Ушбу жанр таркибида муайян кўшиқлар, чолғу куйлари, якка, хор ва чолғу ижроси учун намуналар жамланган сюитасимон туркумни кўриш мумкин. Нубалар ладлар бўйича ажратилади. Жазоирнинг қадимдан машҳур нубаларидан – *сика, мазмум, муал, рамеллар* якка ва хор-жамоа бўлиб ижро этилиб



Эркаклар ижросидаги миллий рақс

келинган. Нубаларнинг аксарияти мукамал ва мураккаб кўринишга эга бўлиб, ижрочидан катта маҳорат ва билим талаб этади.

Жазоирнинг ўзига хос миллий чолғулари мавжуд. Уларда кўпроқ ансамбль ёки оркестр бўлиб ижро этиш расм бўлган. Миллий чолғу асбоблари – *ребаб*

¹⁸ Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2009, 78 б.

¹⁹ Музыкальная энциклопедия. Алжирская музыка I т, М.; 1973. с. 103.

(камонли), *уд* (торли чертма), *қонун* (торли тирнама), *госба* (най), *табелл* (ноғора), *дефф* (доира).

XX асрга келиб, анъанавий мумтоз ва миллий жанрларнинг бири-бирига яқинлашуви, уйғунлашуви натижасида янги кўринишдаги “Ал-Жод” (енгил мусика) жанри юзага келади. Бу жанрнинг асосчиси мохир мусикачи Мухаммад ал-Анкадир.

Жазоир нубалари – Мағриб араб халклари оғзаки анъанавий мусикасининг марказий ва “олий услуб”даги жанри бўлиб араб лаҳжасида “навба” деб аталади. Тарихий келиб чиқиши жиҳатидан нуба (ўзбекча “навбат”)²⁰, IX–X асрлар Аббосийлар шаҳар маданияти билан боғлиқ бўлиб, сарой машшоқлари ўзаро алмашинуви ҳамда ижро этилаётган айтим-чолғу туркумларини англатади²¹.



Дарбука чолгулари

Тузилиши жиҳатидан бугунги Жазоир нубалари кўп қисмли сюита кўринишидаги туркум асардир. Одатда, Жазоир нубалари катта (макро) ва кичик (микро) туркумларга бўлинади. Замонавий Мағриб нуба амалиётида мавжуд учта маҳаллий йўналиш – *Жазоир*, *Қустантания* (Константин), ва *Тлемсен* услублари туркумлаш жиҳатидан анча фарқланади. Шунга қарамасдан, умуман Жазоир миллий мусикасида мавжуд 12 нуба номларини (макротуркумни) келтириш лозим:

- | | |
|---------------------|-----------------------|
| 1. Дил. | 2. Мжанба (Мужаннаб). |
| 3. Хсин (Хусайний). | 4. Рамал. |
| 5. Рамал-майя. | 6. Ғриб (Ғариб). |
| 7. Зидан. | 8. Сика. (Сегох). |
| 9. Расд. (Рост). | 10. Мазмум. |
| 11. Расд-дил. | 12. Майя. |

²⁰ Низамов А. Нубы стран Магриба и их связи с Шашмакомом. ЎзДК кутубхонаси, Т.; 1976 (диплом иши).

²¹ Башир Хадж Али. Алжирская музыка сегодня. Музыка народов Азии и Африки. Вып. 2 М.; 1973, с. 408.

Тлемсен маҳаллий услубида 16 та нубалар мавжуд:

- | | |
|---------------------|-----------------------|
| 1. Дил. | 2. Мжанба (Мужаннаб). |
| 3. Ҳсин (Хусайний). | 4. Рамал. |
| 5. Рамал-майя. | 6. Ғриб (Ғариб). |
| 7. Зидан. | 8. Сика. (Сегоҳ). |
| 9. Расд. (Рост). | 10. Мазмум. |
| 11. Расд-дил. | 12. Майя. |
| 13. Ирак (Ирок). | 14. Чарка (Чоргоҳ). |
| 15. Маввал. | 16. Грибат ал-Ҳсин. |

Ҳар бир нуба ўз навбатида 12 қисмдан иборат кичик туркум (микротуркум)ни ташкил этади:

1. Даври.
2. Мчалаия.
3. Мастахбар (Таушия).
4. Мсаддар.
5. Бтайхи.
6. Дарж.
7. Таушия (Инсирафат).
8. Инсираф.
9. Хлас.
10. Таушия ал-камал.
11. Наклаб.
12. Барвал.

Мазкур нубаларнинг 12 қисмли кичик туркуми умумий тизим бўлиб, муайян ижрода, маҳаллий услубда ушбу таркиб ўзгариб туради. Одатда, 7-8 қисмли туркум ижро этилади.

Жазоир нубалари кичик туркумининг ўзгармас бўлган асосий қисмлари қуйидагилардир:

Мсаддар – айтим, чолғу қисми. Рондо шаклидаги икки бўлим – чолғу ва айтим йўлининг ўзаро алмашувига асосланади. Чолғу йўлининг куй жумлалари бадиха, яъни импровизацион равишда ривожланади. Узлуксиз равишда марказий авж қисмига уланиб кетади. Ражва деб аталувчи фурувард бўлими мсаддар йўлининг мантикий якунидир. Шундай қилиб, мсаддар 5 қисмдан иборат бўлиб, нақорат ва рондо кўринишига эга бўлади.

Нубаларнинг иккинчи қисми – **бтайхи** деб номланади. Бунда айтим ва чолғу йўли янги, енгил ва нафис куйларга асосланган бўлиб, биринчи қисмдаги (мсаддар) шаклланиш услублари (рондо – нақорат) сақланиб қолади. 4/4 ўлчовда бўлади.

Дарж – мсаддар ва бтайхи куйларига асосланган айтим-чолғу бўлими бўлиб, рақс характеридаги янги 3/4 ёки 3/8 ўлчамлик усуллар асосида ижро этилади.

Инсироф – чолғу-айтим қисми таушия чолғу муқаддимасидан бошланади. Рақс характеридаги ушбу қисмнинг айтим, яккахонлик ва чолғу бўлимлари мураккаб ўлчамдаги 3/8, 5/8, 10/8 ўлчовлик усулларга асосланади.

Хлас – бутун туркумга мазмуний тугаллик бағишлайди ва тез

суръатдаги, енгил характердаги халк байрамларини эслатовчи охангларга асосланиб, 6/8 ўлчамидаги ракс усулига таянади. Хлас – нуба туркумининг мавзуий, динамик ва ҳиссий-эмоционал чўққисидир. Бунда яккахон ва чолғу ансамбли ўзаро алмашилиб келса-да, етакчи хонандалар гуруҳи асосий вазифани бажаради.

Бундан ташқари, нуба туркуми ёрдамчи бўлимларга ҳам эга. Давра деб номланувчи муқаддима қисми икки қатга бўлимдан ташкил топган: *мчалия* – бадиҳа услубидаги чолғу ва *истихбор* – айтим-чолғу бўлимлари ва уларни боғлаб турувчи оралик чолғу бўлими – *таушия*дан иборат.

Жазоир нубаларининг лад-тузук асослари XX асрнинг 30-йиллари машҳур назариётчи ва санъаткори Салоҳиддин Муҳаммад ал-Маҳдий томонидан ислоҳ этилиб, бугун барча Мағриб мамлакатларида қабул қилинган умумий маком (лад) тизими сифатида эътироф қилинади.



Аёллар ижросидаги миллий ракс

ТУНИС МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Африка Шимоли – Мағриб давлатлари орасида Тунис мусиқа санъати ўзига хос ўринни эгаллаб туради. Мамлакатнинг расмий номи – Тунис Республикаси. Пойтахти – *Тунис*. Аҳолиси – 9700000 киши. Давлат тили – араб. Дини – ислом²².

Тунисга арабларнинг кириб келиши ва Уммавийлар халифалигига қўшилиши уни муслмонлар цивилизациясининг маркази билан боғлади. Бу давр “*бадавий даври*” деб аталиб, диний характердаги кўшиқлар билан боғлиқ бўлган.

Бу даврда мусиқа ва шеърият ажралмас тарзда шаклланиб, кўшик санъатида ўз ифодасини топди. Кўшиқлар меҳнат жараёни, диний маросимлар ва турли урф-одатларда ҳамиша айтилган. Араб давлатларида VII аср (647 йил)да исломнинг тарқалиши мусиқа санъати ривожланишига тўсқинлик қиларди. Мусиқачилар турли чеклашларни енгиб ўтишларига тўғри келган. Андалус мусиқа мактаби анъаналарининг Мағриб мусиқа маданиятига таъсири кучлидир. VII асрнинг охирида Переней ярим ороли жанубида Андалус анъаналари ривожланиб, Андалусиядан одамлар бутун Мағриб (Африка шимоли)га тарқала бошлади. Шоир, кўшиқчи, бастакор ва мусиқа назариётчиси Абул Ҳасан Али ибн Нафи (789–857, Зирёб тахаллуси билан кўпроқ машҳур бўлган), Андалусия мактабининг шаклланишига ўз хиссасини қўшди²³.

Тунис мусиқа санъати греклар, финикияликлар, турклар ва бошқа халқлар маданияти таъсирида шаклланган. Унинг таъсири географик жойлашув ва тарихий ривожланиш жараёни билан боғлиқ. Тунис мусиқасида ишлатиладиган товушқаторларнинг келиб чиқиши ҳам турли хил. Шундай қилиб, финикияликлардан “Хусайни”, форслардан “Сика”, араблардан “Рост” вариантлари, Европа мажор ва минорига ўхшаш “Мхайр”лар қарор топди. Булар мазкур халқлар маданиятидан келиб чиққан.

Тунис мумтоз мусиқаси Мағрибнинг бошқа давлатлари туркум композиция (нуба)лари билан биргаликда ижро этилиб, вокал ва чолғу қисмларини ўзида мужассам этган. (Уларнинг баъзилари рақслар билан ижро қилинарди). Вокал қисмларида классик араб шеърияти ишлатилиб, у яқка ижрочи ва бир овозлик хор билан куйланган. Турли Мағриб давлатларида бир лад ишлатиладиган нубаларнинг тузилиши турли хилда ривожланган ва уларнинг бутун туркуми бир неча


²² Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2009, 78 б.

²³ Музыкальная энциклопедия. Тунисская музыка V т, М.; 1981, с. 634.

бўлимдан ташкил топган. Кириш қисми яккахон ижрочи ёки чолғу ансамбли томонидан ижро этилган. У ўзида мақомнинг характерли томонларини мужассам этган.

Сўнгра, *мсаддар* – чолғу қисми ва бир нечта вокал бўлимлар – *абъят, бтайхи, баруэль, таушийя, дарж, инсирафлар* янграйди. Улар катта бўлмаган чолғу (интерлюд) дхоульлар билан ўрин алмашади. Классик Тунис муסיқасида 24 нубалар бўлиб, ҳозирда 13 нуба сақланиб қолган.

Магриб муסיқаси эркин тарзда шаклланиб ривожланган. Кўпгина намуналари Зирёб қўшиқлари сингари қабул қилинади. Амалиётда *қасидалар* билан биргаликда янги шеърӣй ва муסיқӣй шакллар ривожлана бошлади. Одатда, қасидада муסיка доимо қайтарилса, мувашшаҳда у кўпгина вариациялар билан ривожланган. Мувашшаҳ сарой шоирлари орасида машхур бўлган. Араб ва испан тили қўшилмасидан иборат бўлган яна бир намуна, яъни *зажжал* диний куйлари шоир, маддохлар томонидан куйланган, унинг яратилиши ва тарқалишига Ибн Кузман (XII аср) сабабчи бўлган. Зажжал Эрон ва ҳатто Шарқ муסיка маданиятига кириб, жуда машхур бўлиб кетган. Испанияда Марғиб муסיқасига катта қизиқиш билан қаралиб, бу ерда Марокаш, Жазоир, Тунисдан муסיқачилар таклиф қилинган. Шу даврда Магрибда уд (лютня)нинг 4 торли, ладли ва ладсиз тури; *ребаб* (ребек – камончали чолғу); *қонун* (72 торли арфа гуслисимон чертма чолғу); дамлилардан *касба* (узун най), *зорна* ёки *зукра* (сурнай-гобой); урмалардан *тар* (думалоқ бубен), *бендир*, *даф* (бубен), *дарбук барабани*, *қўшма табла барабанлари* ва ҳоказо чолғулар амалиётда қўлланилган²⁴.



Тунис чолғулари

Жазоир ва Марокашга қараганда Тунис муסיқаси кўпроқ араб Шарқининг давлатлари билан боғлиқ бўлган. Асосий шакллари: Курьон ва Мухаммад пайғамбар(с.а.в.)нинг ҳаёти билан боғлиқ

²⁴ Музыкальная энциклопедия. Тунисская музыка V т, М.; 1981, с. 635.

сураларини ижро этиш, азон айтиш. Шимолий Африкада азон куйи аниқ бир ладга таянмаган ҳолда айтилади. Санъат ва маданий алоқаларнинг ривожланиши X асрнинг бошларида биринчи мусика мактабининг очилишига сабаб бўлди. Мактабнинг очилиши устоз *Мунис ал-Бағдодий* номи билан боғлиқдир. Бир асрдан камроқ вақт ўтгач, кўшиқчи, мусикачи ва йирик олим *Абу Салт Отейя* аввал Маҳдия, сўнгра Палермода яшаб, ўзи билан кўпгина бастакорларнинг янги ёзилган асарларини бошқа юртлардан олиб келади.

Энг кўп тарқалган усул шакллари сифатида *абъет*, *бтайхи*, *барузэль*, *таушия*, *зардон*, *хафифи* ва *хатмларини* айтиш мумкин. Нубаларни айтиш анъаналари шундай бўлган: мусикачи чолғу билан ўтириб куйлаган, рақослар бир текисда тизилиб, Аллоҳ номини айтиб, аста рақсга тушган. Кўшиқ суръати (хамари усулида) тезлашганда рақсининг кўриниши ўзгарган.



Тунис аёллар миллий рақси

XV асрда диний мусикада Сидий бен Арусс томонидан “Аруссия” деб номланган йўналишлар яратилди. Бунда Арусс ўзининг ижрочилик услубини шакллантирди. “Исауия”(XIV асрда Сиддий Мухаммад Исо томонидан яратилган йўналиш)да эса маросимлар иккига бўлинади:

- 1) Кўшиқ ва рақс;
- 2) Мусика жўрлигидаги ўйинлар.

1574 йилда Тунис Усмонийлар империясининг бир қисмига айланди. Шу даврдан бошлаб турк (ҳарбий) мусикаси Тунис мусикасига кучли таъсир қила бошлади.

1591–1881 йиллар ораллигида Тунисни Муродийлар ва Хусайнийлар

сулоласининг бой-зодагонлари бошқардилар. 1881 йилга келиб, мазкур давлат Франция мустамлакасига айланди. 1956 йилга келибгина Тунис мустақилликка эришди.

Тунис тарихида мусиқачи *Хмаис Тэрнан* (1894–1964)нинг алоҳида ўрни бор. У Бизут шахрида мумтоз мусиқа ансамблини тузган эди.

“Тунис” миллий гуруҳи таниқли мусиқа жамоаларидан бири бўлиб, унинг таркибида таниқли ижрочилардан: *Али Срити* (уд), *Хусайн Корби* (қонун), *Хатоун* (зурна), *Муҳаммад Абдуллоҳ* (мээдед); кўшиқчилардан: *Шри Аджежэ*, *Хмайес*, *Женауи*, *Будин*, *Солиҳ*, *Зоҳра Файз*, *Мунир Чикаути*, *Фатҳия Куоури*, *Муния Хўжанжэ* ва бошқалар бор.

Миллий мусиқашунослик мактабларининг ривожланишида *Салоҳ ал-Маҳди*, *Содиқ ал-Баруний*, *Хамоди Бен Осмака*, *Муҳаммад ал-Ҳабиб* ва *Фотих Зундийларнинг* ҳиссалари катта. Бу борада Маданият ва хабарлар бўйича котибиятнинг иши катта аҳамиятга эгадир. Унинг вазифаси конгресслар уюштириб, унга Туниснинг энг маҳоратли мусиқачиларини таклиф қилишдан иборат бўлган. Мусиқачиларнинг кўплари нубаларнинг ёзилишида иштирок этишди ва уларнинг айримлари нашрдан чиқди. Кейинроқ, мувашшаҳ, зажжал услубида кўпгина асарлар ёзилиб, уларнинг лад ва усулига бағишланган анжуманлар бўлиб ўтди.


Мамлакат театри ҳаётига суриялик актёр *Аҳмад Абу Ҳалил ал-Каббоний* ва мисрлик актёр *Салом Хигазийларнинг* таъсири кучли бўлган. 1919 йилда Тунисга келган кўшиқчи *Муҳаммад ад-Азеддин* эса янги театр репертуарини тузади. Бу репертуар мусиқий пьесалардан иборат эди. XX асрдан Тунисга Европа мусиқа санъати аста секин кириб кела бошлайди. Араб операси ва бошқа замонавий мусиқий жанрлар юзага келади. Кўплаб гуруҳлар шаклланади.

XX аср 60-йилларининг бошида Тунисда консерватория очилади ва мазкур даргоҳда мусиқа ва рақс санъати ўргатилади. Араб мусиқаси маданиятининг кўзга кўринган мутахассиси, композитор, халқ чолғулари ижрочиси, кейинчалик миллий мусиқа комитетининг президенти *Саллоҳ ал-Маҳди* консерваторияда анъанавий мусиқа фанидан сабоқ беради. Бу ерда миллий мусиқа билан узвий равишда Европа санъати анъаналари ҳам ўргатилади.

Деярли ҳар бир мактаб ва коллежда миллий мусиқа анъаналари ўрганилади. 1962–1965 йилларда композитор ва дирижёр *Энис Фулейхон* раҳбарлигида симфоник оркестр тузилади. Ушбу жамоа хозирда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

МАРОКАШ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Марокаш – Африка шимолий-ғарбида жойлашган давлат. Марокаш подшоҳлиги авваллари ал-Мамлакат ал-Мағрибия, Мағриб Қироллиги ёки ал-Мағриб ал-Акса (маъноси – узоқ Ғарб) каби номлар билан аталиб келган. Пойтахти *Работ* шаҳри. Аҳолиси 30 млн (2007). Унинг асосий қисмини марокашлик араблар ва барбарлар ташкил қилади. Бундан ташқари, француз, испан, португал ва яҳудийлар ҳам яшайди. Расмий тили – араб тили²⁵.



Барбарларнинг тўй маросимида бендир (доира) чолғуси ижроси

Марокаш мусиқаси барбар ва араб маданиятларининг ўзаро таъсирида ривожланган. Асл барбар мусиқа санъати намуналари Марокаш қишлоқларидагина сақланиб қолган. Мусиқа шеърят ва ракс билан чамбарчас боғланган бўлиб, синкретик жанрларни юзага келтиради. Қўшиқ билан ижро этиладиган оммавий ракслар кенг тарқалган²⁶. Марокаш мусиқа санъати йўналишлари иккига бўлинган. Яъни, шимоли-шарқда яшайдиган барбарларда *ахиду* ва жануби-ғарбда яшайдиган барбарларда *ахуах* мусиқий услублари шаклланган. Ахиду куйлари ихчам диапазонли, хроматизмга бой бўлиб, беш хиссали усуллар кўп қўлланилади. Ахуах куйлари эса Европага анъаналарга яқин. Диапазон жиҳатидан унчалик кенг бўлмаган, 1 ёки 1,5 октавага эга. Асосан икки хиссали ўлчовлар кўпроқ қўлланилади.

Барбарларнинг мусиқий асбоблари: *касба* ва *унинг турлари (касба устия, касба хамасия – диатоник; касба ашария – хроматик) арханим* ва *замр* (свирель-сибизга), *бендир* (тамбурин), *тарижа* (лойдан ясалган қадимий бубен), *уч торли гуинбри* (мандолина), *ребаб* (скрипкасимон чолғу) ва бошқалардан иборат. Торли чолғу-асбоблардан *уд*, *лира*, *рубоб*, *мизмор* ва бошқалар ҳам кенг тарқалган.

Профессионал (4 кишилик) мусиқачилар ансамбли (имдязн) шоир-бахши бошчилигида турли бадиҳавий дostonларни ребаб ва урмазарбли чолғулар, ҳамда қўш (икки) най жўрлигида ижро этишади. Араб мусиқа санъати икки турли бўлиб, араб мумтоз (*алоъ ва самоъ*)

²⁵ Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари Т.; 2009, 51 б.

²⁶ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. V т, Т., 2003, 484–488 бетлар.

ва халқ (*грих*) куйларини ўз ичига олади. Алоъ ва самоъ куйлари баъзан бир-бирига яқин бўлса ҳам, матнда улар кескин фарқ қилади.

Алоъ – зодагонлар маданиятига хос мусиқа, унинг асосини классик араб шеърятти ташкил қилади. *Самоъ* – диний мазмундаги мадхия, мавлуд, касидалар бўлиб, у соф вокал, санъатдир. Марокаш мусиқасига асосан бешта усул ҳосилдир. Булар байт, қайм-у-нусс, бтайхи, коддам, дерджлардир.


Марокаш халқ мусиқа ижодиётида диний мусиқалардан – дикр (зикр) алоҳида кенг тарқалган. Ҳар бир диний жамоа ўзининг махсус зикр ижрочилик анъаналарига эгадир. VIII асрда Марокашни босиб олган араблар бу ерга ислом дини ва маданиятини олиб кирдилар. Шундан сўнг испан араблари ва марокаш миллий маданияти ўзаро уйғунлашди. Марокашда араб мусиқаси асосан чолғу жанрлари орқали ривожланди.

Чолғу жўрлигисиз ижро этиладиган, эркин бадиҳавий услубга асосланган кўшиқлар *тамовайт* ёки *ташерафтдир* (асосан тўй маросимларида ижро этилади)²⁷.

1956 йилда Марокаш мустақилликка эришгандан сўнг, унинг пойтахти Рабатда Миллий театр ва унинг илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Бу ерда таҳсил кўрган ёшлар фақат миллий (араб) театр, режиссёрлик, актёрлик ва сахна санъатларини ўрганибгина қолмай, Европа (Париж) классик ва замонавий театр асарларини қайта ишлаб, янгича талқинда араб ва француз тилларида сахналаштирадilar. Бундан ташқари, Мекнес, Танжер ва Касабланка шаҳарларида консерваториялар, миллий мусиқа ва рақс мактаблари ҳам очилган. 1960 йилдан бошлаб Марокашда мусиқий фольклор фестиваллари мунтазам ўтказилиб келинмоқда²⁸.

Такрорлаш учун мавзулар:

- Магриб Араб мусиқа маданияти; (Андалусия анъаналари)
- Магриб халқ мусиқа жанрлари;
- Магриб давлатлари мусиқий чолғулари, ўзига хослик жиҳатлари;
- Магриб мусиқа маданиятига Европа мусиқа санъатининг таъсири;
- Жазоир мусиқа маданияти;
- Жазоир нубалари;
- Тунис мусиқа маданияти;
- Марокаш мусиқа маданияти.




Рабаб чолғуси

²⁷ Музыкальная энциклопедия. Марокканская музыка. III т, М.; 1976, с. 451.

²⁸ Шу манба, 453 б.

СУДАН МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Судан Демократик Республикаси Африка минтақасида худуди бўйича энг йирик мамлакатдир. Майдони 2,5 миллион км², аҳолиси 38 млн. кишидан иборат. 600 дан ортиқ қабилалардан ташкил топган. Маъмурий жиҳатидан 26 штатга бўлинади. Уларда аҳоли 110 дан ортиқ тилларда сўзлашади. Судан Африканинг энг ёш давлати ҳисобланади. Пойтахти *Хартум* шаҳридир. Мамлакат 1956 йилда ўз мустақиллигига эришди²⁹. Қадимий маданий ўчоқларидан бири бўлиб, мамлакатнинг шимолий қисмидаги Нил водийсида пайдо бўлиб, айнан шу ерда мил. авв. 3 минг йиллик (Нубия тамаддуни)да Куш, яъни қадимги Судан давлати вужудга келган³⁰.




Қадимги Миср цивилизацияси Куш подшолиги тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Куш подшолигининг маркази *Нанатэ* ва *Мероз* шаҳарлари бўлган. Куш аҳолиси турли хил тилларда суҳбатлашган. Булардан: қадимий миср, куш ҳамда нубий ва мероз тилларини айтиш мумкин. IV–VI асрлар Судан тарихида Куш маданияти қулаши ва аста-секин христиан динининг тарқалиши билан белгиланган. Христиан дини Куш анъаналарига мос келмаганлиги сабабли, Судан қабилалари орасида ислом дини аста-секин тарқалди.

²⁹ Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари Т.; 2009, 73 б.

³⁰ Минковская Э.Е. Египетская религия в Куше. Религии древнего Египта. М., 1976, с. 35.

Шимолій Судан халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалари Африка қитъасидаги мусулмон давлатлари билан боғлиқдир. Энг қадимий ва йирик қабилалардан бири *аш-Шайғия* ҳисобланади³¹.

Аш-Шайғия қабила мероси Судан мусиқа маданиятида алоҳида ўрин тутати. Аш-Шайғия мусиқа маданияти оғзаки тарзда авлоддан авлодга ўтиб келган. Бу мусиқада чолғу куйлари алоҳида жанр сифатида сақланмаган. У асосан вокал ва вокал-чолғу жанрларда қарор топган. Бу мусиқа санъатини фольклор ва профессионал ижрода кўриш мумкин. Судан мусиқа санъати бир қатор халқларнинг мусиқий анъаналарини ўз ичига олади. Уларнинг чолғу асбоблари ҳам хилма-хил: лирасимон торли *танбур* ва унинг турлари *киссар* (Нубийларда) *бене-бене* (Ғарбий Суданда), *бангия* (Шаркий Суданда), *том* (Жанубий Суданда), торли камонли *ум-кики*, *тор* (тўртбурчак доира), турли барабанлар – *долюка* (лой барабан), *таба* ва *динка*, *шилдук* ва бошқа барабан турлари мавжуд.



Киссар

Пуфлаб чалинадиган мусиқий асбоблар қаторида *зумбара* (металл най), *пенак* (қовоқ пўсти), *гарин* (шоҳ), *қамиш най*лари мавжуд.

Ғарбий Суданда кўшиқлар одатда рақс билан бирга ижро этилади. Улар муайян номлар билан аталади. Масалан, *хасис*, *жаррари*, *мардум* ва бошқа рақс кўшиқлари. Бу кўшиқлар асосан кўчманчи халқ, чорвадорлар турмуши ва меҳнати билан боғлиқдир. Халқ орасида кенг оммалашган мусиқий анъаналардан *қироат*, *азон*, *мадҳия*, *зикрлар* ҳам мавжуд.

Суданда миллий фольклор жанрларини ижро этадиган ансамбллар фаолияти кенг оммалашган. Улар оддий кўринишда бўлса-да, ўз халқи ва миллий анъаналари асосида фаолият олиб борадилар. Мамлакатда бир қатор миллий фольклор ансамбллари, мусиқа ва театр институтлари ташкил топган. Мусиқа арбобларидан композитор ва хонандалар *Муҳаммад ал-Амин*, *Муҳаммад ал-Кошиф*, *В.Варди*, *А.Шуракбил*, композитор ва дирижёр *А.Маржонни* каби намояндалар ижоди алоҳида аҳамиятга эга.


Судан мусиқа маданияти, мусиқа санъатининг ўзига хос жиҳати, халқ ҳаёти ва маданияти билан уйғунлашган томонлари аш-Шайғия қабиласининг мусиқий маданиятида ўз ифодасини топган.

³¹ Ритмика песен суданского племени аш-Шагия. Проблема музыкальных культур народов Востока. Т.; 1985.

Аш-Шайгия қабиласининг фольклор намуналари ижро этишига хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) Маълум бир вақтда ижро этиладиган кўшиқлар;
- 2) Ҳар доим яъни турли вақтларда ижро этиладиган кўшиқлар.

Аш-Шайгия мусиқа фольклори синкретик жанрлар (хор ва яккахон)ни ўз ичига олган бўлиб, унда афсунгарлик маросимларига тегишли бўлган ҳаракатлар ўз аксини топади.



Судан аёллар миллий рақси

маъносини билдиради), асосан бугдой янчишда ижро этилади.

Аш-Шайгия қабиласининг қадимги ер эгалари азалдан табиийликдан кўра, илоҳиётга кўпроқ ишонишган. Шу нарса уларнинг кўшиқларида кўриниб туради. Аш-Шайгия қабиласининг меҳнат кўшиқлари кўнгили очиш ёки иш жараёнида кайфиятни кўтариш учун эмас, балки Худодан ҳосилнинг унумли бўлишини илтижо қилиш учун ижро этилади. Аш-Шайгия қабиласининг меҳнат кўшиқларига яна аёллар кўшиқлари ҳам қиради. Масалан, уй юмушларида, таом тайёрлашда, сигир соғишда, сут маҳсулотларини тайёрлашда жўр бўлиб қуйланади.

Бундан ташқари, бошқа меҳнат кўшиқлари ҳам мавжуд: булардан, “*Агани ал-банашин*”, “*Агани ар руа*”, “*Агани ал-маракбийя*”, “*Сайд ас саман*”. Бу кўшиқлар мусикий қолғуларсиз ижро этилади.

Аш-Шайгия қабиласининг тўй маросимлари кўплаб миллий удум ва анъаналарни ўз ичига қамраб олган. Улар асосан театрлаштирилган кўринишга эга бўлиб, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Аш-Шайгия қабиласида тўй маросими 2 қисмга бўлинади:

- 1) Тўйга тайёргарлик кўриш;
- 2) Тўй ўтказиш қисми.

1-гуруҳга – меҳнат, болалар, алла ва тўй маросим кўшиқлари;

2-гуруҳга – фақат тинглаш учун мўлжалланган кўшиқлар қиради. Бундай кўшиқлар лирик кўшиқлар деб юритилади.

Агани-ал-амал – меҳнат кўшиғи. Бу кўшиқ ер чопиш, суғориш, ҳосил йиғим-терими билан боғлиқ.

Ал-музари – дехқон кўшиқлари. Улар ер чопилаётганда ижро этилади.

Даг-ал-айт кўшиқлари (Судан шеvasида бугдой янчиш

Тўй маросими муайян ном билан аталади ва уни “*Йаум ал хафл алам*” деб юритилиш анъанага айланган. Аш-Шайгия қабиласида рақсона усуллар кенг тарқалган. *Ар-артоди*, *ар-табуди*, *ад-далеб* деб номланган рақслар алоҳида ажралиб туради. Улар орасида *ад-далеб* кенг қўлланиладиган усуллардан ҳисобланади. “*Ал хафиф*”, “*балалак*” рақслари, “*ал карим-тарик*” – келин уйида ижро этиладиган рақс ва ашулаларда шу усулни учратиш мумкин³².

“*Агани ал-атфал*” – (болалар ўйин кўшиғи) театрлаштирилган, мусобақалар билан боғлиқ бўлган кўшиқ. Кўп кўшиқлар тарбиявий аҳамиятга эга.

“*Агани ал-мадҳ*” – алла кўшиғи.

“*Фат-фат*” – бу ашулани болалар ал-фат-уфат ўйинини ўйнаётганда ижро этишади. Ўйинни 10–15 ёшгача бўлган болалар ва қизлар айлана шаклда ўтириб ўйнашади.

“*Агани ал-манахат*” – мотам кўшиғи.

“*Агани ад-диния*” – диний кўшиқ, Аллоҳ ва Пайғамбарлар номлари зикр этиб ижро этилади.

“*Зикр*” – суфийлар тариқатининг энг муҳим аломатларидан бири бўлиб, зикр тушувчилар жазава рақсида Куръон сураларини оммавий ижро этишади. Улар мусулмонларнинг учта байрамида: Мавлуд ан-Набий (Пайғамбарнинг туғилиши), ал-карама (қурбонлик маросими), зикр лайлиа (пайшанба кунлари тун ярмида) айтилади. Зикр пайтида асосан урма-зарбли чолғулардан фойдаланилади: ат-тар, ар-риг, ан-нуғора, ан-нуба. Торли ва пуфлама чолғулар эса умуман ишлатилмайди. Судан зикрларининг энг фаркли томонларидан бири шундаки, унда (мусулмон анъаналари билан бир қаторда) қадим Африка диний маросимларининг кучли таъсири кўзга ташланади.

“*Агани аз-зар*” – беморни тузатиш маросимида ижро этилади.

Аш-шагиянинг лирик кўшиқлари асосан тинглаш учун мўлжалланган. Суданда мумтоз мусиқа сифатида юритиладиган мусиқий намуналар ҳам ўзига хос бўлиб, профессионал мусиқа деб юритилади³³. Одатда, аш-Шайгия халқ профессионал мусикаси 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) Вокал;
- 2) Вокал-чолғу.

аш-Шайгия вокал жанрларининг ўзига хос асослари:

– чолғу асбоби жўрлигисиз куйлаш; (жуда камдан-кам ҳолларда нақоратлар *ат-танбур* асбобида ижро этилади);

³² Салахиддин Хасанин. Песенная культура аш-Шагия. Автореферат. Т.; 1987.

³³ Салахиддин Хасанин. Песенная культура аш-Шагия. Автореферат. Т.; 1987.

– речитатив – сўзлашув талкинига яқин, асосан бадихавий таркибга асосланилади;

– нақоратли ижро услуби – вариантли шакл, кўпроқ жамоавий ижрода кенг қўлланилади.




Аргул ижрочиси

Судан вокал чолғу асарларида бошқа Шарк мамлакатларига хос мусиқий анъаналарнинг таъсири жуда муҳим аҳамият касб этади. Айтимларнинг қандай бошланиши аниқ кўрсатилмаган. Улар вокал ёки чолғу асар билан келиши мумкин. Муқаддимада кўпроқ зарбли асбобларда умумий усулни бериб, бошлаш кенг оммалашган. Судан мусикаси бошқа араб халқлари мусикасидан фарқ қилади. Чунки бу халқ мусикасида икки анъана, яъни Африка халқларига мос миллий анъаналар ва эътиқод билан боғлиқ диний маросим айтим анъаналари мужассам бўлган.

Такрорлаш учун мавзулар:

1. Судан мамлақати қайси қитъада жойлашган ва қандай маданиятларни қамраб олган;
2. Мусиқий анъаналарида қандай жанрлар мавжуд ва уларни миллий асосларидаги жиҳатлар;
3. Судан миллий чолғулари;
4. Аш-Шайгия мусиқий анъаналари;
5. Судан жанрларининг ижрочилик услубларига хос жиҳатлар.

МАШРИҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Араб Машрик мамлакатлари Арабистон ярим оролидаги 20дан ортик араб давлатларини ўз ичига олади: Баҳрайн киролиги, Бирлашган Араб амирлиги, Иордания Хошимийлар киролиги, Ироқ, Ливан, Миср, Сурия ва Яман Араб Республикалари; Қатар, Кувайт, Фаластин давлатлари; Саудия Арабистони Киролиги ва унга яқин минтакаларда жойлашган, тили, маданияти, хусусан мусиқа маданияти билан ўзаро яқин бўлган мамлакатлар ҳам шу жумладандир. Мазкур мамлакатлар мусикасида Ўрта Осиё ва Эрон халқлари мусикасининг таъсири сезиларлидир. Абул-Фараж ал-Исфahонийнинг (897–967) “Кўшиқлар китоби” аталмиш маҳобатли асарида исломдан олдинги араб мусикасига қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари мусикасининг таъсири хақида далилланган маълумотлар мавжуд³⁴.

Шу муносабат билан араб хофизи ва шоири Абду-р-Рахмон Атраднинг Валид ибн Язидга (вафоти 748 йил) айтган қуйидаги гаплари эътиборлидир: “Бутун мусиқа бизга Ажамдан келган, биз араблар эса унга араб шеърларини қўйганмиз холос.”

Ҳозирги кун Араб Машрик мамлакатлари мусикасида ўзаро муштараклик анчагинадир. Масалан, чолгулар, уларнинг соzlаниши,

³⁴Орипов З. Шарк мусиқий манбашунослиги (X–XI асрлар). Т.; 2008, 18 б.

аталиши, ритм, оҳанг, анъанавий мусиқага муносабат, мусиқий шакл ва бошқалар. Таъкидлаш лозимки, Исламнинг шиа мазҳаби ва суннанинг Ханбалия оқими ҳукмронлик қилган мамлакатларда мусиқанинг ривожини суст бўлган. Миср, Сурия, Ливан каби давлатларда эса мусиқа маданияти илдамлаб кетган. Лекин, ўзга Машриқ мамлакатларида ҳам мусиқага эътибор кучаймоқда. Жумладан, Кувайтда 1972 йилдан Мусиқа ўқув юрти (битирувчилар ўрта мусиқий маълумот ҳақида диплом олади) ва Мусиқа санъати институти (битирувчилар мусиқада бакалавр дипломини олади) ташкил этилди.




МИСР МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Миср Араб Республикаси – Африканинг шимолий-шарқий ва қисман Осиё қисми (Синай ярим ороли) да жойлашган давлат. Пойтахти *Қоҳира* шаҳри. Майдони 1001 млн кв.км. Аҳолиси 75 млн кишидан ортиқ, европоид ирқига мансуб. Маъмурий жиҳатдан 27 муҳофаза (вилоят) га бўлинади. Араблар, нубийлар, барбарлар Мисрнинг туб аҳолиси бўлиб, қадимий мисрликларнинг авлодларидир. Шунингдек, греклар, арманлар, италянлар, инглизлар ва французлар ҳам истикомат қиладилар. Расмий тили – араб тили. Деярли бутун аҳоли шу тилда сўзлашади³⁵.

Энг йирик шаҳарлари: Қоҳира, Искандария, Порт-Саид, Исмоилия, Танта, Сувайш, Ал-Мансурия, Даманхур, Ал-маҳаллат-ул-Кубро. Қўшни давлатлар Фаластин, Иордания, Қизил денгиз орқали Саудия Арабистони, Судан, Ливия, Қизил денгиз, Ўрта Ер денгизлари билан ўралган.

Миср давлати Африка китъасида жойлашган бўлса-да, унинг маданияти, мусиқа санъати кўпроқ Араб давлатлари санъати билан узвий боғланган.

Бутун араб мамлакатлари орасида фақат Ўрта Ер денгизи давлатларининг кўхна тарихи изчил ўрганиб чиқилган. Энг қадимги маълумотлар кўхна Миср давлатининг тузилиши ҳақидадир. Шу заминда топилган археологик ашёлар: хайкалтарошлик намуналари, деворий суръатлар, қолаверса, уй-рўзгор, сопол буюмлар, мусикий чолгулар ва уларга оид бир қатор тасвирлар бу ерда жуда қадимдан цивилизациянинг қарор топганлиги, мусиқа маданиятининг юксак даражада тараққий этганлигидан далолат беради³⁶.



Қадимги Миср аёл создалари

³⁵ Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари. Т.; 2009, 53 б.

³⁶ Музыкальная энциклопедия. Египетская музыка II т, М.; 1974, с. 365.

Кўхна Миср мусикаси икки кўринишда бўлган: бири зодагонлар санъати, иккинчиси эса оддий халқ мусикий санъати. Гарчи кўхна Мисрда ноталар ҳали қоғозга туширилмаган бўлсада, шунга қарамай, оддий халқ ўртасида мусиқа кенг тарқалганини ишонч билан айтиш мумкин. Сўзимизга далил сифатида қулларнинг бизгача етиб келган куй ва кўшиқларини айтиб ўтиш жоиздир. Бу куй-кўшиқларда қулларнинг оғир ва машаққатли меҳнати, поймол этилган эрки ва озодликка интилиши каби оҳанглар ўз аксини топган. Албатта, бир қарашда содда ва оддий кўринган кўшиқлар замирида аччиқ киноя ва алам бор. Мусиқа билан йўғрилган лирик шеърият кўхна Мисрнинг халқ миллий санъатига хос нарсадир. Бунда ишқ-муҳаббат, халқ донишмандлиги, ҳуснкор табиатнинг гўзал манзаралари каби мавзулар ўз аксини топган.

Сарой ва диний мусиқа санъати. Халқ мусиқа санъати билан баробар сарой ҳамда диний мусиқа ҳам ривожланиб борди. Тантанавор ва нуфузли сарой ҳамда диний мусиқада сарой ва ибодатхоналарнинг сервикор ва маҳобатли кўриниши, унда ҳукмрон бўлган руҳ, ўзига хос кибор, улуғвор меъморчилик санъати ҳам гўё ўз аксини топгандек эди.

Ҳозирги давргача етиб келган мусиқа маданиятининг энг қадимий ёдгорликлари милoddан аввалги 3 минг йилликка мансубдир. Булар турли мусиқа асбоблари – *шиқилдоқ, тартарак*, ҳамда чиганоклардан ясалган хуштақлардир. Мақбаралар деворларига ишланган расмлар маиший турмушда мусиқа кенг тарқалганидан гувоҳлик беради. Оммавий байрамлар, диний маросимлар, меҳнат жараёнлари ҳам мусикасиз ўтмаган. Мисрда бир овозли мусиқа ривож топган. Янги подшолик даврида кўп овозли мусиканинг содда шакллари ҳам пайдо бўлган.

Рақслар, сахна томошалари, бадий адабиёт мусиқа асбоблари билан узвий боғлиқ бўлган. *Арфа, най, ёғоч* ва *жез карнай, орган*, урма мусиқа асбоблари кенг тарқалган. Қадимги Мисрда профессионал мусиқа ижрочилари – шоирлар мўътабар зот саналиб, фиръавнларга қариндош деб ҳисобланган. Ҳатто, Рим даврида ҳам Миср мусикаси ўзига хослигини сақлаб қолган. Рим ҳукмронлиги барҳам топгач, турк, араб ва бошқа халқлар мусиқа маданияти тараққиёти янги bosқичга кўтарилди.

Сарой рақслари вазмин ва тантанавор руҳда ижро этилар эди, ижтимоий ўзгаришлар таъсирида рақсларда алланечук енгиллик ва жўшқинлик пайдо бўла бошлади. Бир пайтлар маълум қонун-қоидаларга бўйсуниб, сиқувда, тор доирада бўлган мусиқа маданиятида

энди эркинлик пайдо бўлиб, хис-туйғулар жўш ура бошлади. Табиатан киборларга вазминлик хос, оддий халқ эса ўз хис-туйғуларини яширмай, очик-ойдин ошкор этади. Худди шу нарса мусиқада ҳам ўз аксини топа бошлади. Ва айнан шу даврга келиб, *уд*, *кўшнай*, *флейта*, кларнет, *най*, *аргул зарбли* чолғулар пайдо бўлди.

Кулдорлик тузумини кўллаб-куватлаган кўхна Миср динининг ижтимоий тенгсизлик ва зулм, шунингдек, фиръавнларнинг мутлак ҳокимлигини тарғиб қилиши монументал санъатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Фиръавнлар шарафига бунёд этилган эҳромларни монументал санъатнинг энг ёрқин намунаси деб айтиш мумкин³⁷.

Халқ мусиқаси. Оддий халқ ҳамда зодагонлар мусиқа маданияти бир-бири билан уйғун ривожланган деган фикрда оз бўлса-да ҳақиқат мавжуд. Зеро, оддий халқ маданиятида синфий кураш ғояси етакчилик қиларди. Ижтимоий ҳаётдаги кескин бурилишлар кўхна Миср мусиқий ҳаёти ва маданиятида ҳам ўз аксини топди. Авваллари фақат ҳукмрон синфларга хизмат қилган хонанда ва мусиқий асбоблар эндиликда оддий халқнинг мулкига айланди. Ҳатто бир файласуф бу ҳақда шундай деган эди: “Кеча лира нималиги билмаган оми (саводсиз) одам бугун Мерт маъбудасини шарафлаб, кўшиқ куйламоқда”.

Халқ мусикасининг асосий хусусиятлари профессионал мусиқа анъаналарига ҳам хос. Анъанавий мусиқа турли хил вокал ва чолғу шаклларга бўлиниб, улар ёрдамида мураккаб, бой безакли бадиҳалар ва тугалланган пёсалар қурилади. Чолғу шакллардан: *такасим*, *дулаб*, *баишаф*, *техмила* ва бошқалар жуда кенг тарқалган. Мувашшах, дор, байяти, себо ва касидалар ҳам шулар жумласидандир.

Бир пайтлар оммавий мусиқий асбоб сифатида фақат лирадан фойдаланилган. Арфанинг гўзал куйини фақат зодагонлар эшитиши мумкин эди. Шунингдек, сарой ва ибодатхоналарда малакали созандаю хонандалар хизмат қилганлар³⁸.

Кўхна Шарқнинг барча цивилизациялари каби Қадимги Мисрда ҳам шеърият, мусиқа ва рақс бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Кўхна



Мисрлик созанда ребаб чолғуси билан

³⁷ Мирхайдарова З.М. Жаҳон халқлари мусиқа санъатининг ривожланиш жараёни. Т.; 2009, 42 б.

³⁸ Музыкальная энциклопедия. Египетская музыка. II т, М.; 1974, с. 368.

Миср драмаларининг келиб чиқиши Ўрта давр ҳукмронлиги пайтига бориб тақалади. Улар куёш маъбуди Осирис шарафига ўтказилган маросимлар асносида пайдо бўлиб, ушбу маросим илдиэларини ибтидоий жамоа тузумидан қидириш керак³⁹.

Ўша даврнинг ўзига хос жихатларидан бири шу бўлдики, авваллари халқ мулки деб ҳисобланган мистериялар энди фақат ҳукмрон синфи учун хизмат қила бошлади. Шу боис мусиқа ривожланишида ҳам маълум ўзгаришлар юз бергани табиий бир ҳолдир. Ўрта давр ҳукмронлик пайтида саройларга кириб келган айрим чолғу асбоблари бу ерлардан бадарға қилинди. Охир-оқибат илгари урф бўлган вазмин ва тантановор мусиқа яна ўз мавқеини тиклади. Бунинг натижасида мусиқани иккига: яъни “яхши” ва “бемаза” мусиқага ажратиш ҳолати вужудга келди. Қизиғи шундаки, “бемаза” мусиқа деганда айнан энг яхши, мазмундор кўшиқлар назарда тутилгандир.

Янги давр ақидаларига кўра, мусиқа ва рақсдан сабоқ олиш энг тубан иллатларга тенг деб ҳисобланиб, қораланади.

Вақт ўтган сайин янги давр мусиқаси халқона куй-кўшиқларга хос бўлган самимийлик, жўшқинлик, табиийлик ва таъсирчанликдан йироқлашиб, фақат зодагонлар манфаати учун хизмат қиладиган ҳиссиз ва нурсиз бир зотга айлангандек эди гўё... Шу тариқа мусиқа гарчи мавжуд бўлсада, лекин шакли бору мазмуни йўқ, сўзи бору моҳияти йўқ, юрак бору ҳис-туйғуси йўқ жонсиз нарса бўлиб қолди.

Поёнсиз ҳарбий юришлар туфайли ҳарбий мусиқа равнақ топди. Фақат мусиқанинг шу жанригина янги давр ҳукмронлиги пайтида ривожланиш ва кенг оммага ёйилиш имконига эга бўлди. Узлуксиз ҳарбий юришлар ҳамда савдо-сотикнинг йўлга кўйилиши натижасида Узок ва Яқин давлатлар – Сурия, Финикия, Яқин Шарқ давлатлари ва ҳатто Ҳиндистон билан ўрнатилган алоқалар бежиз кетмай, **Вавилон**, **Сурия**, **Юнон** маданиятларининг равнақ топишига ижобий таъсир кўрсатди.

XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида Мисрда Европа мусиқасининг таъсири кучайиб, миллий санъатнинг аста-секин тикланиши бошланди.

Миср композиторларидан Абу Бакр Ҳайрат, Юсуф Гриас, Абл ал-Ваҳҳаб, Фарид ал-Атраш, Аҳмед Саад ад-дин ва бошқаларнинг ижодини алоҳида таъкидлашни истардик.

Мисрда қадимги драматик диний жанрлардан таркиб топган мақамлар машхур. Араб мақамлари бошқа Шарқ халқлари орасида ҳам

³⁹ Еолян И. Традиционная музыка арабского Востока. М.; 1990.

кенг ёйилган. Мустамлакачилик асорати Миср маданияти тараққиётига гов бўлди.

Саид Дарвиш (1892–1923) янги Миср мусикасининг қалдирғочидир. Унинг ёрқин ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлари кўпгина араб мамлакатларига ёйилган. “Ал-Барух”, “Шахризода” каби мусикали сахна асарлари Миср замонавий мусикасига асос солди. XIX аср охири XX аср бошларида Миср мусикасида концертлар катта ўрин олди. 1920–1925 йилларда араб оперетта жанри юзага келди. Композитор Саид Дарвиш бу жанрнинг энг атоқли намояндаларидан эди. 1914 йилда Қохирада асос солинган мусика клуби кейинчалик Шарқ мусикаси мактабига (1929 йилдан Араб мусика институтига) айлантирилди. 1927 йилда эса Миср мусика жамияти ташкил этилди. Айтиш жоизки, 1925 йил инқилобидан сўнг Миср мусикаий ҳаёти жонланди. Бир қатор ўрта ва олий ўқув юртларида мусикачилар тайёрлана бошланди. 1962 йилда Қохирада оперетта театри очилди. Ҳозирги замон Миср мусикасида янги ғоявий-бадий замин кучайган, маҳаллий мавзуларга эътибор кўпайган.

Миср санъаткорлари *Умм Кулсум, Муҳаммад Абдул Ваҳоб, Шамс, Нажот Сагира, Шодия, Файз, Аҳдам* сингари яккагонлар бутун дунё санъат шинавандалари орасида эъзоз ва обрў қозонганлар.

Такрорлаш учун мавзулар:

1. Қадимий Миср маданияти;
2. Сарой мусикаси ва диний мусика анъаналари;
3. Миср мусикасининг жанрлари ва услублари;
4. Миср мусикаий чолгулари;
5. Миср маданияти ва замонавий мусика санъати.

ИРОҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Ироқ – Яқин Шарқ мамлакатлари орасида узок ўтмишга эга бўлган ва қадимий маданияти билан дунёга танилган мамлакатлардан биридир. Унга қўшни бўлган давлатлар – Туркия, Сурия, Иордания, Эрон, Кувайт, Саудия Арабистони. Ироқ мамлакатада асосан *араб, курд, айсарий, туркман* каби миллатлар яшайдилар. Араб ва курд тиллари давлат тиллари ҳисобланади. Аҳолиси 24 млн. (2007). Дини – ислом. Пойтахти – *Бағдод* шаҳридир⁴⁰. Йирик шаҳарлари – Басра, Мосул, Каркук.

Бағдод тарихдан халифалар пойтахти, араб маданияти ва фани маркази ҳисобланган. Шу боис ўзига хос адабиёт, мусиқа ва бошқа санъатлар миллий анъаналар заминида ривож топган. Айниқса, мусиқа санъати турли шакллар ва ижро услубларида шаклланиб ривожланган. Илк мусиқий жараён араб шеъриятида ўзини намоён этган. Жумладан, араб шеъриятида қадимий *маросим, меҳнат, алла, овчилик, карвон* кўшиқлари тасвирланади.

Хижра – Ироқ халқининг илк кўшиқ жанрларидан

Факр – мақтов кўшиғи,

Сар – қасос кўшиғи,

Рисо – йиғи кўшиғи.

Араб мумтоз адабиётининг шаклланишида муқаддас китобимиз Қуръони Карим муҳим роль ўйнайди. *Ал-Ахтас, Ал-Жарир, Ал-Фараздах* шеъриятида Қуръон таъсири сезилади.

XI асрда *Бади ал-Замон ал-Ҳамадоний* “мақом жанри”ни яратди ва бу араб насрида етук жанр сифатида шаклланади. Ҳамадоний мақомлари 50 та туркумдан иборатдир.



Тўй маросимидаги миллий ижрочилар

Ироқ мумтоз мусиқасининг энг гуллаб яшнаган даври IX–XI асрларга тўғри келади. Бу даврга келиб мусиқий назарий илм ва амалиёт ривожланди. Муайян тизимли ва таркибли товушлар муносабатидаги товушқаторларга таяниш расм бўла бошлади. Хусусан, мумтоз мусиқа намуналари 7 поғонали ладга асосланиб, асосий товушлар орасида оралик интерваллар ишлатила бошланади.

Машҳур мусиқачилар – Иброҳим ал Мавсилиий, Исҳоқ ал-Мавсилиий, Мансур Залзалларнинг ижодлари алоҳида эъти-

⁴⁰ Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари. Т.; 2009, 34 б.

борга молик. Шу даврнинг энг кўзга кўринган мусикашунос ва тадқиқотчиларидан бири Абул Фараж Исфохоний халифа Хорун ар-Рашид талабига кўра Иброҳим ал-Мавсилиий ашулаларидан 100 тасини танлаб, кўчириб ёзиш ҳақида буюртма олган. Улуғ олим 50 йил давомида “Китабу-л-ағани” (Кўшиқлар китоби) деб аталган буюк асарини яратади. Бу асарда араб мусикаси ва ҳар бир ашуланинг ижросиси, шеър муаллифи ва унинг бастакори тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилади. Бу китоб кейинчалик “Қатта кўшиқлар китоби” деб атала бошлади. Бу асарда Ажам халқлари мусика маданиятига оид турли маълумотлар ҳам мавжуд.

Бу даврда юнон олимларининг асарлари араб тилига таржима қилинди ва мусикага оид назарий илмларни янада ривожланишига турки бўлди (“Китобу-л-ағани”, “Китоб ан-нағм”).

Машхур мусикашунос олимлар, мусика назарияси тадқиқотчилари – *Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавийларнинг* ижодида мусиканинг турли жиҳатлари илмий тадқиқ этилади. Форобий ўз китобида мусиканинг келиб чиқиши, унинг эстетик аҳамияти, чолғу-созлар тизими, товушқатор назарияси масалаларига эътибор берган.

VIII–X асрлар араб цивилизациясининг “Олтин асри” ҳисобланади. Бу давр асосан Аббосийлар ҳукмронлиги билан боғлиқ. Араб халифалигининг маркази Бағдод эди. XVI асрда араб давлати Усманийлар (Туркия) давлатига қарам бўлиб қолди. Бу даврда ҳарбий мусика асосий ўрин тутди.

ИРОҚ МАҚАМЛАРИ

Баъзи манбаларга кўра, мазкур мақамлар 300 – 400 йил олдин пайдо бўлган. Ал-Мавсилиий рисоаларида ҳам мақамлар тўғрисида фикрлар юритилган. Шунга қарамасдан, Ироқ мақамлари яратилишининг аниқ саналари маълум эмас. Уларнинг ижроси лад асосидаги бадиҳавий талкинга асосланган. Баъзан бу импровизация хинд рагаларига ўхшайди.

Ироқ мақамлари икки йўналишда ривожланади: биринчиси фазовий, яъни тонал омил; иккинчиси вақт меъёри асосидаги метро-ритмик омил. Барча мақомот тизимига ҳос мусикий намуналар каби Ироқ мақамлари ҳам бу икки омил-лад ва ритмга асосланади.

Мақамларда такт, ўлчовлар бўлмайди. Энг юқоридаги парда – авж нуқтаси ҳисобланади ва асар тугалланади. Тон баландлиги битта товуш атрофида бўлади. Баъзан бир неча таянч товушлари бўлиши

мумкин. Ироқ мақамларининг ўзига хос жиҳати, мақамнинг ўзбек мақомларидаги даромад каби бўлишида, уларнинг давомийлиги эркинлигидадир. Қолаверса, бу мезон асарнинг яхлит ҳолда шаклланиши ва бу албатта ижрочининг маҳоратидан келиб чиқади. Ироқ мақамларининг доимий ижро этиладиган таркибий қисмлари: *тахрир*, *авсал*, *карат*, *миёнат*, *таслим*.

Тахрир – ёки *ибтидаъ* (бошланиш) дейилади ва бошланғич (ўзбек мақомларидаги даромад каби) бўлимидир. Тахрир мақамнинг асосий мағзи ва тонини белгилайди. Тахрирда ижрочининг юксак маҳорати, ижрочилик техникаси кўрсатилади. Тахрирни 2 қисмга бўлиш мумкин: *наджавоб* – юқори регистрда, *карат* – паст регистрда ижро этилади. Куйи декламацион ривожланади.

Авсал – иккинчи қисм бўлиб, бунда ижрочининг бадихавий маҳорати кўрсатилади.

Карат – тахрирнинг таркибли қисмидир. Паст регистрда ижро этилиб, аста-секинлик билан юқорига – миёнатга кўтарилади.

Миёнат – мақамнинг юқори чўққиси, авжи (кулминацияси) ҳисобланиб, юқори регистрда ижро этилади. Энг юқори миёнат “*жавоб ал хавоб*”.

Таслим – Ироқ мақамларининг якунловчи қисмларидир. Бу ерда ижрочи модуляциялардан сўнг яна асосий тоналликка қайтиб келади.

Барча шарқ халқларида бўлгани каби Ироқ мақамларининг номи ҳам асосан ладнинг номи билан юритилади. Ҳар бир мақам йирик туркумий шакл бўлиб, *рондо*, *сюита*, *вариация* унсурларини ўз ичига олади.

Ироқ мақамлари одатда кўп сонли ҳисобланади. Амалиётда уларнинг куйидаги намуналари кўпроқ ишлатилади: *Рост*, *Сигох*, *Чоргоҳ*, *Наво*, *Бузрук*, *Баёти Шираз*, *Исфаҳон*, *Ироқ* ва бошқалар⁴¹.

Ироқ мамлакати кўп миллатли эканлиги юқорида қайд этилди. Ироқда истиқомат қилувчи халқларнинг бир нечтаси ўзига хос маданият ва шунга мос мусикий меросга эга. Булар кўпроқ ўз тилида, яъни араб бўлмаган тилларда ижро этилади. Бундай намуналар кўпсонлиги билан ажралиб туради ва куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. *Курд тилида* ижро этиладиган Ироқ мақамлари. Курдлар томонидан яратилган ва Ироқнинг шимолий қисмида яшовчи халқ

⁴¹ Еолян И. Традиционная музыка арабского Востока. М.; 1990, с. 81–83.

томонидан ижро этилади. Энг машхур курд мақамларидан бири Хиран мақамидир;

2. *Турк тилида* ижро этиладиган Ироқ мақамлари ва улар иккига бўлинади:

а) Турк тилида ижро этиладиган намуналар: тафдис, башири, бажилани;

б) *Турк-туркман* тилида ижро этиладиган мақамлар. Улар орасида “*қурият*” мақами жуда машхурдир.

3. *Форс тилида* ижро этиладиган мақамлар. Жумладан Арибуна-ахам мақами.

Такрорлаш учун мавзулар:

1. Ироқ маданияти ва Аббосийлар даври.
2. Бағдод мумтоз мусика мактабининг асосчилари.
3. Ироқ мақамларининг гуруҳларга бўлинишини тавсифлаб беринг.
4. Асосий Ироқ мақамлари ва уларнинг қисмлари.

СУРИЯ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Сурия – Жануби-ғарбий Осиё худудидаги мамлакат. Туркия, Ироқ, Иордания, Исроил ва Ливан давлатлари билан чегарадош. Ғарб томонида Ўрта ер денгизи жойлашган, иклими – субтропик. Асосий дарёси *Евфрат*. Ғарбий томонининг чет худудларида Хермон тоғ тизмаси жойлашган. Геологик жиҳатдан мамлакат худуди Ливан ва бошқа жанубий мамлакатлар бир бутунлигини ташкил этади. Аҳолиси асосан сурияликлар бўлиб (араб халқлари таркибига киришади), араб тилининг сурия шеvasида сўзлашишади. Шунингдек Сурияда *курдлар, арманлар, ашишурийлар, туркманлар* ва бошқалардан ташкил топган жами 16 млн. ортиқ (2007) одам яшайди.

Сурия 9 та муҳофаза (вилоят)га бўлинади. Пойтахти – *Дамашқ* шаҳри, VII–VIII асрларда Уммавийлар халифалигининг пойтахти бўлган. Йирик шаҳарлари – Халаб, Хумс, Ҳама, Лозикия. Аҳолисининг 85% мусулмонлар, 15% христианлар⁴².

XVI асрдан (1516-1918 йиллар) бошлаб Сурия Туркия ҳукмронлиги остида бўлган. Ҳозирги пайтда Сурия Араб Республикаси парламенти Республика Президенти томонидан бошқарилади.


Сурия маданиятида ушбу худудда ҳукмронлик қилган турли хил цивилизацияларнинг таъсирини кўриш мумкин. Масалан, (мил.ав. XVI-XII асрларда) Қадимги Мисрлик(хеллар)лар, (мил.ав. VIII асрларда) Оссуриялик(Ашшур)лар, (мил.ав. VII аср охирида) Янги Бобил подшолиги, сўнгра Аҳамонийлар сулоласи, ундан сўнг 333-йилда Александр Македонский ва Салавкийлар. Бундан ташқари мил. ав. 64-йилда Рим, IV асрлар охирида эса Византия империялари мазкур худудни мустамлака сифатида бошқариб, унинг тараққиётига таъсир кўрсатишган⁴³.

Сурия мусиқаси гарчи кўп асрлик анъаналарни ўз ичига олиб, миллий хусусиятларни мужассам этган бўлса-да, узок йиллар давомида араб мусиқасининг бир қатлами сифатида ривожланиб келди. Ҳатто қадимги илк жамиятлар шаклланаётган даврда ҳам Сурия худудида маданий ҳаёт қарор топиб улгурган эди. Бунга мазкур худудлардан топилган кўп сонли археологик топилмалар ҳам гувоҳлик бериши мумкин. 1970 йил ўрталарида Сурия яқинидаги Ўрта ер денгизи қирғоқларида топилган қадимги мусиқа нотациянинг (замонавий мутахассислар томонидан ўрганилган) намунаси бунинг яққол далилидир. Америкалик мусиқашунос Р.Крокернинг таъкидлашича, бу

⁴² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. VIII т, 2004. 148–151 б.

⁴³ Музыкальная энциклопедия. Сирийская музыка. V т, М.; 1981, с. 30–35.

нота ёзувлари 3400 йил муқаддам вужудга келган Қадимги Угарита мадҳияси бўлиши мумкин.



Эркаклар рақси

VII асрда Сосонийларнинг Сурияни босиб олишга уринишлари араблар ҳукмронлиги билан якун топди ва Сурия аҳолисини оммавий исломлаштириш, араблаштириш бошланди. Шундан сўнг, Сурия мусиқа маданияти ҳам умумараб маданиятининг бир қатлами сифатида ривожлана борди ва айтиш мумкинки, Сурия узоқ йиллар мобайнида ўрта аср араб тамаддунининг маданий марказларидан бири бўлиб келди.

Уммавийлар халифалиги (661–750) даврига келиб араб мамлакатлари пойтахти Дамашққа кўчирилиб, халифалик саройи шоирлар, мусаввир-у, мусиқачилар ўчоғига айланди. Сарой маданияти ўзининг беназир ва нафислиги, арабларга хос эстетик қарашлари билан ажралиб турарди. Бу Уммавийлар даври мумтоз анъаналарнинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гарчи юксак маҳоратга эга бўлган кўп киррали – яъни ижрочи, бастакор, назариётчи мусиқачилар бўлса-да, улар якка тартибда фаолият юритишга мажбур эдилар. Зеро, Ислом дини оммавий базм-томошалар, мусиқий кечалар ўтказилишини тақиқлаб қўйган эди. Фақатгина VII–VIII асрларга келиб илк араб назариётчиси, лад тизимлари такомиллашишида фаол хизмат кўрсатган *Ибн Мусаджих* ва унинг шогирди *Муслим ибн Мухризлар* мусиқага бағишланган рисоалар яратдилар. Бундан ташқари *Юнус ал-Котиб* “Қўшиқлар ҳақида китоб” (“Китаб фи аль-ғина”), “Қуйлар ҳақида китоб” (“Китаб аль-нағм”) рисоаларини яратдилар. *Ибн Сурайж*, *Маббад*, *Жамил Аззи ал-Майли*, *Ширин* ва бошқа мусиқачилар бирлашиб, созанда ва ижрочиларнинг ҳақ-ҳуқуқ, мавқеъларини бир қадар оширишди.

Пойтахтнинг Бағдодга кўчиши (762 йил) муносабати билан Дамашқнинг аҳамияти сусайиб, IX асрларга келганда, мусиқа илми бир қадар ривож топади. (юнон файласуфлари, назариётчиларининг мусиқий-назарий асарлари таржималари юзага кела бошлади.

Макомларнинг асосий ладлари ташкил топди.

Сурияда Фотимийлар (969-970), Масихпарастлар (XI-XII асрлар.), Салжукийлар (1074-1117), Айюбийлар (1186-1260), Мамлук сулоласи (XII аср иккинчи ярмидан XIII асргача) ҳукмронлигидан сўнг Усманийлар султонлиги (1516-1918) бошқаруви юзага келди. Шундан сўнг, кўпгина араб давлатлари маданияти сингари Сурия мусикасига ҳам турк мусикаси кучли таъсир кўрсатди.

Анъанавий Сурия мусикаси *Рост, Хиждоз, Ирак, Сеғоҳ* ва бошқа макомлардан иборат бўлиб, улар ўзига хос лад тизимларини акс эттиради. Ва бу ерда чолғу жўрлигидаги кўшиқлар кенг тарқалган. Бундан ташқари, Сурия мусикасида Исломгача бўлган мусиқа кирралари сақланиб қолганки, улар диалог, якка ва оммавий тарзда ижро этилган. Қасидасимон жанрли асарлар шеърият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бадавийларнинг қадимий анъаналарини мужассам этган.

Шимолий Сурия анъанавий мусикасига эса, турк мусикаси кўпроқ ўз таъсирини ўтказганини кўриш мумкин. Шоир (кўшиқчи-шоир)лар томонидан ёш келин-куёвлар шарафига айтиладиган махсус кўшиқлар мавжуд бўлиб, узун-узун жумлаларни бир нафасда (холдан тойгунча) ижро этилган.

Жанубий Сурияда жанговар кўшиқлар меҳнат кўшиқлари билан уйғунлашган бўлса, Шимоли-шарқда (бир торли-камончали) *ребаб* (баъзи ҳолларда най) жўрлигида айтилувчи, бадиҳа услубидаги кўшиқларни учратиш мумкин.

Сурия Шимолида зажжалнинг қадимий кўриниши бўлган бир товуш доирасидаги (Византия ижрочилигига хос) кўшиқлар мавжуд. Зажжал кўшиқлари ҳикоя характерида бўлиб, бирор бир тарихий воқеъликни ўз ичига олиши ёки панд-насиҳат тарзида бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, речитатив-сўзлашув кўшиқларидан *“ля-ля шарги (шруги)”* ҳам (асосан Суриянинг марказий қисмларида) кенг тарқалган. Улар унча катта бўлмаган диапазон(тахминан кварта)ни ўз ичига олиб, юқори регистрларда ижро этилади. Сўнгги каторлар хор билан айтилади. Ҳар бир янги жумла шоирнинг эркин бадиҳасига асосланган, оҳангдор безакли ашула билан бошланади.

Анъанавий кўшиқларда бўғинлар ва куй муносабатлари мустақкам алоқада бўлиб, монодик қатламда унисон ёки октава доирасида такрорни кузатиш мумкин. Бунда яккаxon ва хорнинг галма-галдали ижроси муҳим аҳамият касб этади.

Кўшиқ ижрочилигининг бир неча турлари бўлиб, улардан бири *“такил”* (оғир) деб номланиб, ўзига хос бадиҳа унсурларига эга (безак воситалар, мелизмлар) эга кўринишда бўлади. Яна *“ҳафиф”*

(енгил) ёки “*сари*” (тез) – жамоавий кўшиқлар бўлиб, рақслар билан узвий боғлиқлиги сабабли мунтазам метрика сакланади.

Сурияда анъанавий рақс жанрларидан (кувнок суръатдаги ёш йигит-кизлар ракси) дабка кенг тарқалган. Унинг турлари: *шайхоний дабка*, *аланда дабка*, *нада* ва бошқалар.

Кўшиқлар жўрлигидаги ушбу рақслар қасида шаклига эга бўлиб, шоир куйлагандан сўнг охириги қаторларга хор қарсақлар билан жўр бўлади. Чолғу жўрнавоз сифатида *дарбукка* (сопол ёки металдан ясалган бир мембранали миллий) чолғуси ишлатилади. Баъзан бу чолғуга най ва унинг турларидан бўлмиш *шабоб*, *мизмар мезвег*, *арғул* (габойсимон чолғу)лар ва *дафф* (бубен) жўр бўлиши мумкин.

Қизлар томонидан секинроқ темпда ижро этилувчи само рақсларида ребаб ижро жўрнавозлик қилади. Чекка қишлоқларда эса (қиличлар ракси) *альсиюф*, *бедуин* ракси – *хадун* ва *алья далсуна* (факат урмазарбли чолғулар жўрлигида), *зарзауи* ва бошқа рақслар учрайди.

Сурия мусиқа санъатида диний мусиқалар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ҳатто эрамизнинг I асрларида илк насроний (христиан) жамоалари ва уларнинг литургия (христиан ибодатлари)ларида мусиқа асосий роль ўйнаган ва у Византия маданиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Христиан жамоаларида ўзига хос черков мусиқалари ижро этилган. Бундан ташқари, Сурияда диний-саҳнавий кўринишга эга бўлган ибодат маросимлари мавжудки, унда яккахон Исо Масихнинг, хор эса фаришталарнинг ролини ўйнашади. Бутун ибодат Парвардигори оламни шарафловчи мадҳия – *маанил*лар садолари остида ўтади. Муқаддас Инжилдан парчалар ўқилади.

Мазкур литургик – ибодат маросимлари билан боғлиқ мусиқалар ҳанузгача мустаҳкам эътиқодли Сурия ибодатхоналарида сакланиб қолган.

VII асрнинг 30–40-йилларида Сурияда ислом динининг (суннийлик ва шиа-имомийлик мазҳаби вакилларининг) кенг тарқалиши бир қатор ёрқин ўзига хос жанрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шулардан бири азон яъни муаззиннинг номозга чақирғи, Қуръон сураларини ўқиш ва кейинчалик диний мадҳиялар – муввашаҳга асосланади⁴⁴.

Ўрта асрларга келиб, диний оятлар ва тасаввуфга асосланган оммавий зикр маросимлари тантанавор суръатда кенг ёйилади. Ушбу даврда *зикр* анъаналарини кенг оммалашиши ҳам халқ ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Зикр бу жамоавий йиғин бўлиб, унда зокирлар иштирок этадилар. Сурия зикрларининг яна бир ўзига хос томони,

⁴⁴ Вавилов В.И. Симантовский. Сирийская музыка. М.; 1975, с. 40–45.

ижрода чолғу созлар жўр бўлади. Яъни, зикр *тор*, *ноғора*, *хамелна* ва *най* каби мусиқий чолғулар билан ижро этилади. Зокир(зикр ижро этувчи)ларнинг ижроси мусика ва муайян ҳаракат рамзлари билан боғлиқ бўлади.

Машхур рақслар:

Самах – нисбатан секин суръатга эга бўлиб, аёлларнинг мўътадил ижросига мосланган;

Альсилоф – халқ томонидан маълум ҳаракатлар, яъни қилиқ билан ижро этиладиган рақс тури, фақат чекка ҳудудларда ривожланган;

Бедуинча рақслар: *Хадунн*, *аля далсуня* ва бошқалар (фақатгина зарбли чолғулар жўровозлигида ижро этилади).

Сурияда араб мамлакатларига хос бўлган мусиқий асбоблар кенг тарқалган:

Уд, *нашаткар* (сим торли уд), *қонун* (72 торли лирасимон чолғу), *мизхар* (ноғора), *қус* (катта ноғора) ва бошқалар.

XIX асрнинг ўрталарида дунёвий мусика ривожланиб, чолғу жанрлари тарқала бошлайди. Булар: *тақсим*, *башраф*, *маввал* ва вокал дунёвий жанрларидан мувашшаҳдир.


1870-йилларда Ҳалаб шаҳрида илк композиторлик мактабининг шаклланиши *Мустафо ал-Бошлиқ* номи билан боғлиқ. Французларнинг Сурияни босиб олиши натижасида, бу мамлакатга Европа маданияти анъаналари кириб келди. 1962 йилда Шарқ мусикаси ривожини йўлида Дамашқ консерваторияси ташкил этилади. 1963 йили Ҳалаб консерваториясига асос солинади. Мамлакатнинг мусиқий ҳаётига умумбашарий воқеълик сифатида қараш омиллари ривожланади.

Кейинроқ, машхур мусиқий жанрлардан кўшиқ – Сурия мусикаси анъаналарининг кирраларидан бири бўлса, замонавий араб эстрадасида муҳим жанрлардан ҳисобланади. Машхур кўшиқчиларга – *Аҳмад Сабуний*, *Мутия Масри*, *Сабах Фаҳрий*, *Шакир Брехан* ижрочиларга – *Ҳасан Баҳжад*. *Муҳаммад Атаба*, *Радир Шамиль* ва бошқалар қиради.

Такрорлаш учун мавзулар:

1. Сурия маданияти тарихи;
2. Мусиқий маданият ва уларнинг халқ ҳаётига таъсири;
3. Мусиқий жанрлар ва уларнинг анъаналар билан боғлиқлиги.

ЭРОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Эрон Ислом Республикаси (Жумхурие Исломийе Эрон) – жанубий-ғарбий Осиёдаги давлат. Аҳолиси 70 млн.га яқин. Пойтахти – *Техрон* шаҳри. Эронда 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. 75% га яқинини эрон тиллари гуруҳига кирувчи халқлар: форс, гилон, мазандарон, курд, балужи, афғон ва бошқалар ташкил этади. Туркий халқлардан озарбайжон, туркман, шунингдек, араб, арман, грузин, оссурий ва бошқалар яшайди. Расмий тил – форс тили. Дини – ислом динининг шиа мазҳаби. Йирик шаҳарлари: Техрон, Исфохон, Машҳад, Табриз.


Эрон қадимий шарқ давлатларидан биридир. Унинг шаклланиш даврлари милоддан олдинги уч мингинчи йиллар бошига бориб тақалади. Милоддан олдинги VI асрда эса буюк салтанат–Ахамонийлар давлати пайдо бўлган. Шуни қайд қилиш жоизки, Кушонлар (I–IV асрлар) даври ҳам, ўзининг юқори маданий санъати билан тарихда катта из қолдирган. Сосонийлар (III–VII асрлар) даврида ҳам, Сомонийлар (IX–X асрлар) ҳукмронлик қилган пайтларда ҳам, Салжуқийлар (XIII асрнинг ўрталари) даврида ва қолган XII–XVIII асрларда ҳам Эрон халқининг ўзига хос санъати, маънавияти ва ижтимоий ҳаёти ўз мавқеи даражасида ривожланди⁴⁵. Ҳар бир давр тарихда ўзига хос из қолдирди. Эрон халқининг миллий анъаналари замирида шаклланган санъат намуналари айрим ҳолларда ўзга халқларнинг маънавиятларига маълум даражада таъсир кўрсата

⁴⁵ Музыкальная энциклопедия. Иранская музыка. II т. М.; 1974, с.561–569.

олганлиги тарихий манбаларда зикр этилади. Демак, уларнинг ўзига хос маданий санъати шаклланиб камолотга етган қадриятлари мавжуд бўлган. Шулар орасида Сосонийлар даври мусиқа маданияти алоҳида эътибор билан тарих зарварақларига битилган.

Сосонийлар мусиқа маданияти ва умуман, Эрон мусиқаси тарихи хусусида таниқли мусиқашунос олим *М.Баркешли* ўзининг “Эрон дастгоҳлари” китобида батафсил фикр юритган. Ушбу китобда бу ўлканинг классик мусиқаси (мақомлари) бўлмиш 7 та дастгоҳларнинг нота ёзувлари улар ҳақидаги тарихий ва илмий-назарий изоҳлар билан берилган. Бу изоҳлар форс ва француз тилларида баён қилинган. Аини пайтда китоб М.Ашрафий музейида сақланмоқда. Мусо Маъруфий ва моҳир созанда ва мусиқашунос олим Дариуш Сафвуталар “Устодони мусиқий Эрон ва альҳони мусиқии Эрон”, (форс тилида Техронда нашр этилган) Эрон мусиқаси тарихини кенг баён этадилар. Эрон мусиқа санъати шу даврга келиб гуллаб яшнаган. Мусиқа намуналари билан бирга турли адабий, фалсафий, тарихий ва илмий рисолалар юзага келган. Мусиқа шунчалик кенг ривож топдики, у бошқа халқлар мусиқа маданиятига, ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди.

Тарихий манбаларда баён этишларича, бу даврнинг алоҳида шахслари тарихий асарлар яратишга, ўз ижролари, мусиқий оҳангларига янгилик киритишга муяссар бўлиб, авлодлар томонидан доимо эсга олиб келинади. Шулардан бири *Дарвеш Али Чангий*нинг мусиқий рисоласида келтирилган *Баҳромдир*. У оғзаки ижодиётда, дoston ва ривоятларда *Баҳром Гўр* (420–475 йиллар) номи билан машҳур бўлган. Рисолада ёзишларича, у мислсиз истеъдод соҳиби бўлган. Шу даврда 6 та янги усуллар яратилган эди.



Соз чолгуси


Шулардан икkitаси Баҳром Гўр томонидан ижод қилинган, “Ду-як” усули эса моҳир чанг ижрочиси *Озодворга* мансубдир.

Сосонийлар даври мусиқа санъати, Эрон мусиқа маданиятига катта ўзгаришлар олиб келди. Ижрочилар ҳам, ижод ҳам ўзига хос мураккаб “касбий” деб аталувчи йўналишга хос бурилиш ясади. Яъни, касбий мусиқа анъаналари ижод жараёнига киритилди. Натижада, моҳир ва билимли санъаткорлар, ўз касбининг усталари моҳир созандалар ажралиб чиқди. Улар яратган мусиқий намуналар ҳам тарихда муҳрланиб, ҳозиргача сақланиб қолган. Шу даврнинг

моҳир мусиқачиларидан биз *Ромтин*, *Бамшод*, *Ноқисса*, *Озодвор*, *Саркаш* ва *Борбад* кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Улар орасида бўлган ижрочилик рақобати ёки ижодий мусобақа негизида жуда кўп мусиқий намуналар яратилган. Мусиқанинг қадимий “*лахн*”, “*парда*”, “*достон*”, “*роҳ*”, “*хусравоний*” каби номлар билан аталадиган мусиқий шакллари мавжуд бўлган. Бу асарлар ана шундай созандаларнинг ижодларида шаклланган. Ҳаттоки, илк бор мумтоз мусиқанинг намуналари ҳам шу даврга келиб шакллана бошланган.

Ушбу даврнинг мусиқа санъати намуналари забардаст созанда ва бастакор Борбаднинг ижоди мисолида кенг ёритилган. Унинг ижодий намуналари номлари бизнинг давримизгача сақланиб келинган. Бу ҳусусда мусиқашунос олим О. Матёқубов “Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш” китобида шундай ёзади: “Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг араб истилосидан олдинги касбий мусиқасида машҳур бўлганлардан бири “Хусравоний”лар (шоҳона, яъни энг мукамал мусиқа тури) туркумидир. Бу туркумга “*Ганжи арус*” (“Келинчак хазинаси”), “*Ганжи Фаридун*” (“Фаридун хазинаси”),

“*Кини Сиёвуш*” (“Сиёвуш қасоси”) ва бошқа йўллар кирган. Ҳар бир “Хусравоний” икки қисм ва ўз навбатида кичик бўлимлардан тузилганлиги, ҳамда бу куйлар овоз ва чолғуларда ижро этилганлиги қайд қилинади”⁴⁶.



Сосонийлар даври аёл созандаси


Қадимий мусиқанинг машҳур турларидан яна бири лахнлар туркумидир. Бу куйларнинг номлари ва тартиби манбаларда турлича келтирилади. Фирдавсий “Шоҳнома”да *Борбад* номи билан боғлиқ 30 та лахннинг номини келтиради. Шунини таъкидлаш жоизки, Борбад Марвий нафақат эрон мусиқаси асосчиси, балки ўзбек-тожик мумтоз мусиқасининг бобокалони ҳамдир.

Тарихий манбаларда мусиқий чолғулар ҳусусида ҳам алоҳида маълумотлар келтирилган. Уларга кўра Эронда қадимдан найсимон – *саффара*, кўшнага ўхшаш – *дунай*, танбурсифат – *пандора*, урма

⁴⁶Матёқубов О. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш. Т.; 1983, 6–7 б.

чолғулар — *табла* ва *дурранг* каби созлар мавжуд бўлиб, *уд* эса асосий ва мукамал чолғулардан бирига айланган.

Кейинчалик эса эронийларнинг *руд*, *рубоб*, *тор*, *барбат*, *танбур*, *чанг*, *нузха*, *муғна*, *шоҳруд*, *қонун*, *най*, *мизмор*, ва *сурнай* каби чолғулари амалиётда машҳур бўлганлиги борасидаги фикрлар манбаларда зикр этилади. Буларнинг ҳаммаси Сосонийлар давридаги мусиқа маданиятининг маълум даражада ривож топгани ва бу жараён ўз оқимида ва шу ўлкаларга хос тарзда давом этганлигини кўрсатади.



Эрон тори

Буюк аждодаларимиз, айнан IX–X асрларда яшаб ижод этган *Абу Наср Форобий*, *Абу Али Ибн Сино*, *Абулқосим Фирдавсий*, *Абул Фараж Исфажоний* каби бир қатор мутаффакир олимларимизнинг мусиқа соҳасида қолдирган беназир ва улкан мероси кўп халқлар қатори Эронда ҳам миллий маънавий қадриятлар сифатида эъзозланади.

Эрон дастгоҳлари. Эронда ҳам барча халқлар қатори, халқ мусиқаси икки улкан йўналишга эга. Яъни, халқ ҳаёти тизимига оид ва урф-одатларига асосланган, асрлар оша қадриятларга айланган фольклор мусиқаси ва мақомот тизимига кирувчи касбий мусиқа намунаси — дастгоҳлардир. Дастгоҳларгача касбий мусиқа ва мусиқа ижодиёти ҳам ўз мезонида шаклланиб ривожланган.

Араб истилосидан кейин IX–X асрларда Эрон маданияти замирида мавжуд бўлган шакл ва жанрлар янада ривож топа бошлади. Шу даврга келиб касбий мусиқа ижодиётининг намуналари сифатида *Роҳ*, *Нава*, *Парда*, *Тарона*, *Хусравоний* куйлари, *Рост*, *Раҳовий*, *Зирафқанд*, *Зангула*, *Наврўз*, *Парвона*, *Зобул*, *Наҳиб*, *Карашма*, *Тироз*, *Аишур*, *Назма* каби жанр ва шакллар юзага келиб, амалиётда кенг қўлланилган. Шу боис бўлса керак, буларнинг барчаси кейинчалик мақомот таркибидан жой олган.

Классик жанрларни шакллари ва асарларни ривожиди Эроннинг моҳир созандалари ва оҳангсозлари (Эронда, бастакорлар яъни, халқ йўлида асар яратувчиларга нисбатан *оҳангсоз* ибораси ишлатилади)

хизматлари катта. XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида *Мирзо Абдулло, Дарвишхон, Абдуллохон, Маҳмуд Карамий, Фаромирзо Пойдур, Абу ал Ҳасан Сабо, Мусо Маъруфий* каби санъат намояндалари моҳир устозлар сифатида танилганлар. Ҳозирги даврда эса *Ҳусайн Малик, Абул Ҳасан Сабоҳ, Тоҳир Зода, Шаҳноз* каби ижрочилар дастгоҳ ижрочилиқ санъатининг етук намояндалари ва давомчилари сифатида машҳурдирлар.

Дастгоҳ Шарқнинг кўп халқларида тарқалган мақомотнинг ўзига хос шакли, озарбайжон муғомлари, араб мақомлари, ўзбек-тожик мақомлари ва шу каби бошқа халқлар оғзаки анъанадаги касбий мусиқаларига хос бўлган йирик туркумий асардир. Зотан, Эрон дастгоҳлари бир қатор ўзига хос хусусиятлари, билан бошқа халқлар касбий мусиқасидан алоҳида ажралиб туради.

“Дастгоҳ” сўзини кўп маъноларда ишлатишади. Шулар қаторида мусиқий ибораларда ҳам қўлланилади. Жумладан: мусиқий асар, товушқатор тизимида дастгоҳ ибораси икки сўздан тузилган: даст – “қўл”, гоҳ – “вақт” ва “жой” сўзларининг бирикмасидан тузилган. Эрон дастгоҳларининг таркибий қисмлари юқорида келтирганимиздек – 7 та асосий ва 5 та ёндош қисмлардан ташкил топган. Булардан асосийлари: *Шур, Сегоҳ, Чаҳоргоҳ, Мохур, Ҳумоюн, Наво, Рост – Панжгоҳ* дастгоҳлари ва куйидаги 5 та – *Назмаи Абу Ато, Назмаи Дашти, Назмаи Афишори, Назмаи Баёти Курд, Назмаи Баёти Исфажон* каби ёндош қисмлардан иборат.

Эрон дастгоҳларининг ҳам худди мақомлар каби ўз хусусиятлари мавжуд. Булар: Шур (ҳаяжонли), Ҳумоюн (кўтаринки – шоҳона), Сегоҳ (учинчи тон), Чаҳоргоҳ (тўртинчи тон), Рост – Панжгоҳ (ҳақиқат, бешинчи тон), Наво (куйчан) ва Мохур (қайғули).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Эрон дастгоҳлари бадиҳага асосланган туркумий асарлар мажмуидир. Шу боис бўлса керак турли мусиқашунос олимларнинг нота ёзувларида уларнинг таркибий қисмлари турли сонларда келади.

Булар сонининг ўзгаришини яна бир жараён билан, яъни турли даврларда нотага олинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки Эрон дастгоҳлари доимо ривожланиш жараёни билан боғлиқдир.

Дастгоҳ туркумий асарларининг ҳар бири 40 дан 60 тагача гўшалардан ташкил топади. Гўша дастгоҳ туркумининг асар бирлигидир. Улар дастгоҳлар таркибида ҳар бири ўз ички хусусиятларига асосланади ва шунга кўра номланган бўлсада, улар амалиётда гўша ибораси билан қўшиб айтилади. Масалан: *Гўшаи Бастаногор, Гўшаи Чаҳоргоҳ, Гўшаи шодарвони марғарид* ва х. к.

“Гўша” сўзининг луғавий маъноси – бурчак, тармоқ, аспект;

композиция туркумидаги энг кичик таркибий элементдир. Уларнинг хажми ҳам турлилиги билан ажралиб туради. Чунки шундай гўшалар борки 3, 3.5 дақиқа ижро этилади ва нисбатан катта бўлган гўшалар 25 ёки 30 дақиқа ижро этилиши мумкин⁴⁷.

Дастгоҳларнинг сўз билан боғлиқ қисмлари одатга кўра классик шоирларнинг шеър ва ғазаллари билан айтилиб келинади. *Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Ҳофиз, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Ҳилолий* каби Шарқ мутаффакир шоирларининг ижоди шулар жумласидандир. Дастгоҳлар хонанда ва созандалар томонидан ижро этилади. Уларнинг таркиби одатда куйидагичадир: тор, камонча, сантур, най ва дафф. Улар орасида тор етакчи чолғу бўлиб, ижрочиликда кенг қўлланилувчи бадиҳа услуби ана шу чолғуда амалга оширилади. Замоनावий дастгоҳ ижрочилигида скрипка ва бошқа оврупа чолғуларини ҳам қўллаш амалиётга киритилган.

Шур – эронликларнинг сеvimли дастгоҳидир. Халқ кўшиқ ва рақсларининг жуда катта қисми ана шу лад асосида. У юмшоқ, майин, лирик бўёғи билан ажралиб туради. В. Виноградов унга шундай таъриф беради: “Уни эшитиб, Эронликлар ва Эрон гўзалликларини тушуниш мумкин. Узойир Гаджибеков *Шурни* усталик билан ўзининг “Гўрўғли” операсида қўллаган.

Махур – қадимий дастгоҳлардан биридир. Биринчи бўлиб бу ладга изохни *Сафиуддин*, кейинроқ *Жомий* беради. У озар, тожик, ўзбек, турк, араб ва хинд халқларида учрайди. Ҳиндистонда бу лад бошқача номда ва озгина ўзгаришга учраган, Шарқда анчадан буён қўлланилади. Эрон мусиқашуноси Баркешли унга шундай таъриф беради: “У шижоатдан келиб чиқиб, тантановор, улугворик руҳи билан сугорилган”. *Махур* дастгоҳи 35 гўшадан иборат. Даромад, *мокадаме, чохор – мезроб*, карамма унда ҳам учрайди. Қолган гўшалар эса ўзига хос. Дастгоҳдаги *дилкаш, шикаста, суфинома* каби бир нечта гўшаларда янгидан-янги лад қирралари очилиб боради. Ўзгарувчанлик жуда ранг-баранг. Масалан, *сўфинома* – до, ре, ми; *корон* – фа диез, соль, ля, си бемоль, до товушқаторидан бошланиб, аста-секин поғоналар ўзгариб боради ва натижада соф *махур* – до мажорда яқунланади.

Ҳумоюн – бир пайтлар шўъбанинг ҳосиласи сифатида юзага келган ва асрлар давомида ўзгариб мукаммаллашган. “Унинг янграши меланхолик, куйи майин”, деб таъриф беради Баркешли. Шулардан *Ҳумоюн* учинчи поғонасининг пасаймаганлиги билан фарқ қилади. Қолган товушлари бир-бирига мос келади. *Ҳумоюн озарбайжон муғомларида* ҳам учрайди.

⁴⁷Виноградов В.С. Классические традиции иранской музыки. М., 1982, с.105–115.

Сегоҳ – ушбу лад асосида Шарқ халқлари фольклоридан кўплаб мисоллар топиш мумкин. Сегоҳда 20 га яқин гўшалар мавжуд, улар орасида асосийси 2 та бўлиб, модуляцияловчи “хесор” ва “мухолиф” гўшаларидир. 1–16 гўшагача асосий тонларни куйланиши бўлса, 17-гўшадан бошлаб сезиларли оғишма ва модуляциялар берилади. Лекин охирида куй дастлабки босқичга қайтади.

Чаҳоргоҳ ёки *Чоргоҳ* – қадимги ва шарқда таниқли дастгоҳлардан. Жомий уни дастгоҳнинг шўъба қисми ҳисоблайди. М. Баркешли “хурсандчилик, кувноқлик, бахт, динамизм”га бой мусиқа деб эътироф этади.

Наво – Эрон мусиқа меросида камроқ ижро этилсада, муҳим ўрин эгаллайди. М. Баркешли шундай таърифлайди: “Ушбу тизим сокин, секин, чуқур ғоя, фалсафий дoston”. Бошқа манбаларда “Наво тинчлик олиб келади” деган эътирофни ўқишимиз мумкин.

Сафиуддин Урмавий келтирган Наво товушқатори дастгоҳ товушқаторига мос келади. Шашмақомга ҳам мос келади. Наво 15 га яқин ранг-баранг гўшалардан таркиб топган. Модуляцияланган гушелар *арак*, *нахофт*, *гавит*, *нейшабурак*, *хўжасте* ва *мажусли*. Наво бошқа дастгоҳларга қиёсланганда кичикроқ хажмда, эшитилиши ва образ тузилишига кўра камер асардир. Унга куйчан ҳаракатлар, кўшиқ кайфиятидаги оҳанг айланмалари хос бўлиб, кўп такрорланмаслик кузатилади. До – соль пастга ҳаракат қилувчи каденция жуда кўп гўшаларни яқунлайди. Сўнги *настари* деб, номланувчи гўшада қисқа ритмик – оҳангли фигура (1 такт) 50 мартага яқин ўзгартириб такрорланади.

Рост – *Панжгоҳ* – жуда қадимий тизим бўлиб, пайдо бўлиши Сосонийлар даврига бориб тақалади. Эрон Рост – Панжгоҳ дастгоҳи 30 га яқин гўшалардан ташкил топган бўлиб, *забол*, *караче*, *арак*, *рак*, *панжгоҳ* гўшаларида модуляция кузатилади. Унда бир поғона 3 хил кўринишда келади ва унга ўзига хос бадийлик ва ранг-баранглик бахш этиб тингловчига ўзгача таъсир этади.

Эрон мусиқасида метроритм жуда ранг-баранг. Оддий 2 ва 3 ҳиссали ўлчовлар, тез-тез кучли ҳиссаларнинг алмашинуви, масалан 5/8, 7/8, 8/16, 11/16, 12/16 ва бошқаларга хос. 7/8 ўлчовидаги ритм кенг қўлланилади ва у *чаҳор баг* деб номланади.

Ритм (зарб) Шарқ халқларида қадимдан ўрганилади. Араб, Эрон ва Ўрта Осиё олимларига тегишли рисоаларда улар атрофлича ёритилган.

Форобий ўзининг асарларида 7 та асосий усулни тилга олади.

Сафиуддин арабларда 6 та усул кўринишини, форсларда 15 та усул борлиги ҳақида хабар беради. Абдулқодир Марғий усуллар 17 тага боришини айтса, яна бошқа муаллифлар 20 га яқин деб изох беришади.

Шарқ халқлари олимлари ритмни аруз кунун-қондалари билан боғлаган ҳолда ўрганадилар. Аруз араб шеърлятида юзага келиб, кейин эрон ва бошқа халқларга тарқалган. Аруз қисқа ва узун талаффуздаги унли товушларга асослангандир. Шаҳар, сарой маданиятида аруз жанри муҳим ўрин олган. Арузни биз мақам, дастгоҳ, муғом, мақомларнинг вокал қисмларида учратишимиз мумкин.

XIX-асрнинг 2-ярмидан бошлаб Эрон мусикасида Оврўпо мусикаси таъсири сезила бошланди. Техронда Шоҳ коллежи қошида Оврўпо услубидаги мусика мактаби очилди. XX асрнинг 20-йилларида Техрон университети профессори, бастакор Али Наки Вазирий миллий мусика таълимини йўлга қўйди, мусика назариясига оид асар яратиб, мусика мактабини очди. 30-йилларнинг бошларида Техрондаги Олий мусика мактаби (40-йилларда консерваторияга айлантирилди) ўз ишини бошлади, филармония жамияти (1940), *Х.Санжарий* раҳбарлигида симфоник оркестр (1946) ташкил топди. *А.Вазирий, А.Сабо, А.Рашидий* каби композиторлар машҳур бўлган. Ҳозирги кунда Эронда, асосан, фольклор гуруҳлари, миллий чолғу ансамбллари мавжуд. Шу билан бирга, XX аср охириларидан миллий ва Европа оҳангларини уйғунлаштирган эстрада ва оркестр ижросига ҳам катта эътибор берилмоқда. 1968 йилдан Шерозда миллий санъат фестиваллари ўтказилиб турилади. Мусика санъатининг ривожланишига *Мирзо Абдулло, Дарвешхон, Маҳмуд Карамий, Фаро Мирзо Пойдур, Абу ал-Ҳасан Сабо*лар катта ҳисса қўшганлар. Ҳозирда *Ҳусайин Малик, Тоҳир Зода, Шаҳноз, Шожарайн* каби санъаткорлар машҳур.

Эрон мусикаси жаҳон мусикашунос олимлари томонидан ўрганилган. *Азиз Шаббоний, Дариуш Сафвут, Маҳдий Баркашли, Мусо Маъруфий, Э.Зонис, К.Закс, Х.Фарҳат, Р.Холиқий, А.Беляев, В.Виноградов* каби мусикашунос олимлар асарлари кўпчиликка таниш. *Л.Эрнжакян, А.Малькеева, Т.С.Визго, Р.Ю.Юнусов, К.А.Иностранцев* каби мусикашунос олимлар мақомот ва мусикий чолғулар хусусидаги илмий ишларида Эрон мусикасига ҳам эътибор берганлар.

Эрон мусикашуносларининг куйндаги рисолаларида Эрон мусикасининг турли хусусиятлари ўз ифодасини топган: *Р.Холиқий* “Саргузашти мусикий Эрон”, *М.Баркешли* “Радифи мусикий Эрон”, *Х.Фарҳат* “Эрон дастгоҳлари” ва бошқалар.

Борбаднинг ижодий фаолияти

Эрамизнинг илк асрларида яшаб ижод этган ва ўз ижодлари билан тарих ривожига, халқларнинг маданияти, маънавияти, сиёсий ва ижтимоий ҳаётига ўз таъсирларини кўрсата олган намоёндалар тарих зарварақларига битилганлар. Уларнинг бизга қолдирган мерослари ва айниқса ҳаёт тизимининг ривожига қўшган ҳиссалари умумбашарий тараққиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатганлигини инобатга олиш лозим. Ўтмишда, тарихда яшаб ижод этиб, мусиқа санъатида ёрқин из қолдирган ва касбий мусиқанинг шаклланиш жараёнида ўзини намоён этган забардаст созанда ва бастакор Борбаддир. Умуман Борбад ҳақида жуда ҳам кўп афсонавий ва тарихий маълумотлар мавжуддир.

Борбад Марказий Осиё халқлари ва айниқса Эронликлар ўтмиш мусиқа маданиятининг машхур намоёндасидир. III–VII асрларда Ўрта Осиёда Сосонийлар давлати ҳукмронлик қилган. Манбаларда ёзилишича, бу даврда 65 та ҳукмдор подшолик қилган. Улардан учтасининг фаолияти ва даври тарих саҳифаларида сақланиб қолган. Шулардан энг йириги Хусрав Парвиз II бўлган ва унинг ҳукмронлик қилган вақти (591–628) тарихда “Сосонийларнинг олтин асри” деб юритилади. Борбад худди ана шу Хусрав Парвиз II замонасида, унинг саройида мусиқачиларнинг сардори сифатида хизмат қилган. Шу билан бирга Борбад нафақат мусиқачиларнинг раҳбари, балки моҳир созанда, бастакор ва мусиқашунос сифатида танилган ва ижод қилган. Тарихда уни баъзан Борбад Марвий деб аташади. Ушбу таҳаллус унинг туғилган билан боғлиқ. Борбад, айрим манбаларда Марв(ҳозирги Туркменистон худудидаги қадимий шаҳарлардан бири) да туғилган деган маълумотлар бор.

Борбад (араб манбаларида Фахлабад Марвий, тахминан 581–628/38 Марв) атоқли созанда, хонанда, шоир ва бастакордир.


Дастлаб, ижро ва ижод сирларини ўз отасидан ўрганган, Марвга кўчиб, бу ердаги машхур устозларга шогирд тушган. Кейинчалик (618–628 йиллар) Сосонийлар давлати шоҳи Хусрав Парвиз II саройида хизмат қилган.

Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги қарийб 400 йил (226–654) давом этган. Бу даврда илм-фан, санъат соҳасига жуда катта эътибор берилган. Адабиёт ва мусиқа санъати Хусрав I даврида ривожланди. Хусрав II даврида эса маданий ҳаёт янада гуллаб яшнади⁴⁸.

Сосонийлар даврида адабиёт, тиббиёт, астрономия ва мусиқага

⁴⁸ Барбад: Эпоха и традиции культуры. Душанбе, 1989, с. 10–17.

этибор кучаяди. Бошка халкларнинг санъати (масалан, қадимги Эллада маданияти) таъсирида маданият ривожланди. Тарихий адабиётларда бу давр санъати юқори даражада эканлиги ҳақида маълумотлар бор.



Танбур ва дутор чолгуларининг турли намуналари

Сосонийлар сулоласининг асосчиси *Ардамир Бобокон* сарой муסיқачилари ва кўшиқчиларига кўп маблағ ажратган. Байрамларда, сайилларда юзлаб профессионал ва ҳаваскор муסיқачилар қатнашган.

Абу Мансур Саолибийнинг айтишича, Сосонийлар ҳукмдори Баҳром Гўр Ҳиндистондан 400 та қизиқчи, раққоса ва моҳир муסיқачиларни ўз саройига келтирган.

Қадимги араб тилида ёзилган ёзма ёдгорликларда Борбаднинг ҳаёти, ижоди ва муסיқа меъроси ҳақида илк маълумотлар берилган.

Муҳаммад Нишопурийнинг “Рисолаи дар илми муסיкий”, Абдулқодир Мароғийнинг “Макосид ал-алхон” (“Муסיқа мақсади”) сингари рисолаларда Борбад яратган машҳур етти қисмли “*Хусравоний*” туркуми, шунингдек, “*Достон*” дея номланган куй ва кўшиқлар таърифланади, ижодий жараёни таҳлил этилади.

Ал-Жоҳиз, Абул Фараж Исфажоний, Абу Мансур Саолибий каби муаллифларнинг илмий-бадий асарлари Борбад ижодига мансуб 360 та кўшиқ, 30 та чолғу куйлари ҳамда 7 та “*Хусравоний*” – Шарқда кенг тарқалган фазовий тафаккур инъикоси, яъни йилнинг 360, ойнинг 30 ва ҳафтанинг 7 кунлари билан боғлиқ бўлганлигини таъкидлайди.

Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Низомий Ганжавийнинг “*Хусрав ва Ширин*”, Амир Хусрав Дехлавийнинг “*Ширин ва Хусрав*”, шунингдек, кейинги даврларга оид қатор бадий асарларда Борбаднинг оташнафас ҳофиз, моҳир созанда, бадихағўй бастакор эканлиги ифодаланган.

Маълумотларга кўра, Борбад Марв шаҳрида туғилган. Хусрав Парвиз II саройида яшаб, сарой мусикачиларининг сардори этиб сайланган.

Ал-Жоҳиз ва Фирдавсийларнинг айтишича, Хусрав II ўлимидан сўнг Борбад мусика билан шуғулланмайди. У бармоқларини кесиб, ҳамма мусика асбобларини эса оловга ташлайди.

Ризокулихон Ҳидоят ўзининг “Маъмаъ-ал-фусаҳа” асарида айтишича Борбад мусика назариясининг ягона билимдони бўлган, унинг асарлари машҳурдир.

У яратган куй-кўшиқлардан 148 таси ўз номларига эга. Уларнинг номланиши ҳалигача Шарқ мамлакатларида ўзгармаган.

Низомий “Хусрав ва Ширин” достонида “ Борбаднинг 30 та куйи” бўлимида Борбаднинг маҳорати таърифланади, сўнг 30 байтда кўшиқларининг номлари саналган. Булар куйидагича:

- | | |
|------------------------|------------------------|
| 1. Ганжи бодовард. | 16. Сарви сиҳи. |
| 2. Ганжи гов. | 17. Нўшинбода. |
| 3. Ганжи сўхта. | 18. Ромиши чон. |
| 4. Шодурвони марварид. | 19. Нози Наврўз. |
| 5. Тахти тақдиси. | 20. Мушқуя. |
| 6. Ноқосу (Занг). | 21. Мехргони. |
| 7. Авранги. | 22. Марвои нек. |
| 8. Хўккам Ковус. | 23. Шабдиз. |
| 9. Моҳ бар кухон. | 24. Шаби Фаррух. |
| 10. Мушқдона. | 25. Фаррух рўз. |
| 11. Оромиш Хуршед. | 26. Гунчаи кабки даро. |
| 12. Нимрўз. | 27. Нахчиргон. |
| 13. Сабздар сабз. | 28. Кини Сиёвуш. |
| 14. Қулфи руми. | 29. Кини Эрач. |
| 15. Сарвистон. | 30. Боғи Ширин. |

Достонда Борбад билан Накисо орасидаги ижодий рақобат кўрсатилган. Накисо Ширин номидан 27 байтли, Борбад эса 26 байтли кўшиқ ижро этади. Достоннинг охирида Борбад Хусрав II ўлимидан сўнг бармоқларини кесиши ҳақида парчалар бор.

Амир Хусрав Дехлавий эса “Ширин ва Хусрав” достонида Борбадни икки асосий кўринишда тилга олади:

I-кўриниш. Хусрав овда Ширинни кўриб севиб қолади. Қувончидан Хусрав тантанали кеча ўтказади. Бу ерда Борбад ва унинг санъати юқори даражада тасвирланади. “Ганжи бодовард” куйланади. Борбаднинг кўшиғи Хусравни маст қилиб қўяди, у дунёдаги ҳамма нарсаларни унга бахшида этишини айтади. Хусрав Барбаднинг хар

битта мусиқа товушини марваридга киёслайди ва Барбадга кўп совғалар беради. Борбад кимматбаҳо совғалар билан уйга қайтиб, “Шодиравони марварид” кўшиғини ёзади ва буни Хусравга кўрсатади. Бу кўшиқ Хусравга кучли таъсир қилиб, севги хис-туйғуларига берилиб кетади.

2-кўриниш. Хусрав саройида тантанали базм ўтказилади. Бу базмда Борбад ва Накисо қатнашади. Сўнг Низомий достонида бўлганидек, Борбад ва Накисо севишганлар номидан дуэт куйлайдилар. Парчаларда айрилиқ ва учрашув, ёшлиқ ва қарилик, севги, дўстлик тўғрисида фалсафий қарашлар тасвирланган.

Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида ҳам Борбад ҳақида фикр юритилган. Унинг ёзишича, Борбаднинг машҳур бўлганлиги (сарой мусиқачилари бошлиғи) Саркашгача етиб боради. Саркаш рақобатдан кўрқиб, уни саройга киритмасликларини буюради.

Борбад саройга кирмоқчи бўлганида уни соқчилар қўймайди. У Хусравшоҳнинг “Наврўз” байрамини боғда ўтказишини эшитиб қолади ва Мардўй номли боғбон орқали у яшил кийимларда боққа кириб, барглар орасида яширинади. Қуёш ботгандан сўнг Борбад ўзининг мусиқа асбобида “Додофарид” кўшиғини куйлайди. Ҳамма бу куйдан ҳайрон қолади, подшоҳ мусиқачини топишни буюради, лекин ҳеч ким тополмайди. Шоҳ иккинчи қадахни кўтарганда Борбад “Пайкаргурд” кўшиғини куйлайди. Подшоҳ уни излашни буюради, яна ҳеч ким тополмайди. Шоҳ учинчи қадахни энди ичмоқчи бўлган вақтида Борбад “Сабз андар сабз” кўшиғини куйлайди ва дарахтдан тушади. Шунда Хусрав уни мусиқачилар бошлиғи этиб тайинлайди.

“Шохнома”да Борбаднинг Хусрав учун ачиниб йиғлагани ҳам тасвирланган. Шоҳнинг ўғли отасидан тахтни тортиб олганлигини эшитиб Борбад йиғлаб юборади.

Манбааларда Борбад айникса туркумли, хусусан маросимлар билан боғлиқ бўлган асарларга меҳр қўйганлиги таъкидланади. Ҳар бир ўтказилган халқ сайилларида, шоҳнинг тантанавор кунларида янги асарлар яратиб, шоҳга ҳадя этган. “Хусравоний” ёки “Шохона” пардаларни такомиллаштиради. Ҳар бир яратилган асари сарой муҳити, шоҳнинг руҳияти билан боғлиқдир.

Манбаларда кўшиқларнинг баъзи бир номлари сақланган: “*Яздан офрид*”, “*Ганжи бод овар*”, “*Боғи Шаҳриёр*”, “*Нимрўз*”, “*Сабз дар сабз*”, “*Кини Эрадж*”, “*Кини Сиявуш*”, “*Ҳафт ганж*”, “*Роҳи Шабдиз*”, “*Боғи Ширин*”.

Шунингдек, у “Наврўз” байрамига атаб маросим кўшиқлари ёзган. “*Востариюшан*”, “*Вангих*”, “*Сози Наврўз*” каби кўшиқларда Наврўзни кутиб олиш, аҳолининг меҳнати куйланади.

Абу Мансур Саолибий (961–1038)нинг таъкидлашича, бу қўшиқлар “деҳқон қўшиқлари” деб юритилган. Булар: “*Боди Наврӯз*”, “*Нози Наврӯз*”, “*Сози Наврӯз*”, “*Наврӯзи Хурдак*”лардир.

Борбад бир неча асарларини халқ қахрамони Сиёвушга бағишлайди: “Боғи Сиёвуш”, “Кини Сиёвуш”, “Сиёвушон” ва бошқалар.

Борбад бастакор сифатида наинки бадиий адабиётда, балки махсус касбий илм – илми муסיкийда ҳам танилиб, тан олинганлигига ҳеч ҳам шубҳа йўқдир⁴⁹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Борбад Ўрта Шарқда мумтоз муסיқа санъатининг илк профессионал намояндаси даражасига кўтарилган ва айнан шу соҳа асосчиси сифатида тарихдан ўрин олган.

Тақрорлаш учун мавзулар:

- Эрон маданияти;
- Мумтоз муסיқа – дастгоҳлар;
- Сосонийлар даври муסיқа маданияти;
- Борбад ижодиёти;
- Эрон муסיкий чолғулари ва чолғу қуйлари;
- Машҳур созанда ва хонандалар;
- Эрон муסיқасининг ўзбек муסיкий намуналари билан туташ жиҳатлари;
- Муסיкий иборалар, муסיкий чолғулардаги ўхшашлик ва фарқли томонлари.

⁴⁹ Ғофурбеков Т. Сайланма. Т.; 2009, 21 б.

АФҒОНИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Афғонистон узок тарихга эга бўлган Ўрта Шарқ мамлакатларидан биридир. Маънавий бой ўтмиши билан машхур бўлган Афғонистон халқлари азалдан Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари билан яқин маданий алоқада бўлиб келган. Асрлар давомидаги халқларнинг ўзаро муносабатлари уларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Пойтахти – *Кобул*. Аҳолиси 29 млн.дан ортиқ. Афғонистонда пуштун, тожик, хазора, ўзбек, аймоқ, туркман ва бошқа халқлар истиқомат қилади. Дини – ислом. Давлат тили дорий ва пушту. Асосий шаҳарлари Ҳирот, Қандахор, Мозори Шариф, Жалолобод, Кундуз ва Ғазна.

Афғонистон давлатининг ҳудуди асосан чўл ва тоғлардан иборат. Унинг 5/1 қисми яланглик ва халқ истиқомат қилувчи ҳудудлардир. Қолган қисмида Ҳиндикуш, Помир, Ҳазоражот, Сулаймон ва Тирбанди Туркистон тоғлари жойлашган. Ундан оқиб ўтадиган Амударё ва Ҳилманқ дарё бўйлари Афғонистон халқлари асосий истиқомат қилувчи жойларини ташкил этади. Мураккаб тоғ тизмалари ушбу халқни Шимолий ва Жанубий қисмларга ажратади. Афғонистон қадимдан Шарқ халқларини Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиё ва Эронни Ҳиндистон билан, Яқин Шарқ мамлакатларини Хитой давлатлари билан боғловчи чорраҳа бўлган.

Афғонистон ўз тарихи давомида бир қатор давлатлар ҳудудида бўлган. Жумладан, Сомонийлар (X), Кобулшоҳлар (XI), Мўғуллар

(XIII–XIV), Темурийлар (XIV–XVI), Нодиршоҳ қарамоғида (XVIII, бу даврда алоҳида афғон феодал давлати шаклланган). 1747 йили эса, Дурронийлар сулоласи ҳукмронлик қилган пайтда Кобул шаҳри марказ, яъни пойтахт сифатида қабул қилинган. Шу даврдан ҳозирга қадар Кобул шаҳри Афғонистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказидир. Мамлакатнинг Ғазна, Ҳирот ва Мозори-Шариф шаҳарлари тарихдан илм-фан маркази сифатида машҳур бўлган.


Илм-фан маркази бўлган Ҳирот, Кобул, Ғазна шаҳарлари ўтмиш алломалари учун ижод маскани бўлди. Жумладан, X–XI асрда Ғазнада машҳур қомусий олим Абу Райҳон Беруний яшаб ижод этди, Абулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома”сини шу ерда якунига етказди. Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳукмдорлиги пайтида 400 дан ортиқ шоир ва олимлар яшаб ижод этганлар. Унсурий, Фаррухий ва Манучеҳр каби қалам соҳиблари шулар жумласидандир. Айниқса, буюк темурийлар ҳукмронлик қилган (XIV–XVI асрлар) пайтда Афғонистон янада гуллаб яшнади. Ҳирот маданий ҳаётининг сарбони сифатида буюк мутафаккир шоир, давлат арбоби Алишер Навоий тан олинди. Шу боис бўлса керак, Ҳиротнинг бу даври “Алишер Навоий даври” деб юритилади.

Ушбу даврда форс-тожик шеърятининг етук намояндаси, Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий ҳам яшаб ижод этган ва ўзининг бир қатор асарлари билан биргаликда “Рисолаи мусиқий”ни яратган эди. Ҳирот шеърятининг намояндалари Лутфий, Ҳилолий, Биноий, Мирза Фарруҳ каби шоирлар ўзларининг беназир асарлари билан машҳур бўлдилар. Бизгача Биноийнинг “Рисолаи мусиқий” кўлэмаси етиб келган.

Навоий замонасида нафақат мусиқа, балки меъморчилик, тасвирий санъат, миниатюра санъатлари ҳам ривож топди. Бир қатор мусиқа ижрочилари етишиб чиқдилар. Булар бастакор Шоҳ Қулихон, бастакор ва ижрочи Қулмуҳаммад Удий, моҳир найчи Шайх Нойи, хофизлар Юсуф ва Устоз Шодий, раққос Саид Ҳиротий ва бошқалардир. Тасвирий санъатда эса Камолиддин Бехзод донг таратди.

Афғонистон (пуштун, ўзбек, тожик, туркман ва бошқа) халқларининг мусиқа санъати ўзига хос миллий кадриятлар билан суғорилган аъёналарга бой. Бой санъатни намоён этувчи миллий аъёналари билан бирга, асрлар давомида ижрочиликда чархланган ранг-баранг мусиқий чолғулар ҳам мавжуд. Улар, афғон халқининг руҳияти, маънавияти, аъёна ва миллий хусусиятлари доирасида бунёдга келган. Жумладан: *танбур* (данбур), *танбураи Катагон*, *танбураи Бадахшон*, *танбураи Туркистон*, *соз*, *най* (ней), *ҷўпон най*, *саранда*,

зирбағали, занг, дафф, тавлак (табла), дўл, рубоб (афғон), гижжак каби халқ чолгулари кенг тарқалган.



Афғон рубоби

Афғонистон миллий мусиқа мероси жанрларга бой ва истикомат шароити сабабли ранг-баранг кўринишларда шаклланган. Барча халқлар қаторида Афғонистон халқлари ҳам ўзига хос мусиқаси, яъни фольклор намуналари ва мумтозлик хусусиятларини ўзида мужассам этган касбий мусиқасига эгадир. Афғон мусиқасининг куй-оҳанг мажмуи, тузилиш таркиби ва ижро йўналишлари ўзгача бўлиб, атрофдаги халқлар мусиқасидан тубдан фарқ қилади. Айниқса, тузук (лад) таркиби, сўз асоси ва уларни матн ва куй ижро талқини масалаларида бу ҳолат яққол сезиларлидир.

Афғонистон миллий мусиқа меросини назарий тадқиқ этган мусиқашунос олимлар уларни иккига бўлиб зикр этганлар. Яъни, вокал мусиқаси ва чолғу мусиқаси. Ҳар икки йўналиш бир мезоннинг маҳсули бўлсада, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Гарчанд, бу юрт мусиқа ижрочилигида вокал ва чолғу мусиқаси алоҳида бўлсада, бир-бирини тўлдирувчи бўлиб келади ва бир бутунликнинг икки тармоғини ташкил этади⁵⁰.

Афғонистон миллий анъаналарида мавжуд мусиқий намуналар куйидаги шаклларга бўлинади: тоғ куйлари (тоғликлар мусиқаси), классик куйлар (касбий мусиқа), тўй маросим кўшиқлари, диний маросим кўшиқлари, ҳажвий кўшиқлар, ишқий кўшиқлар.

Афғонистон мусиқасининг фольклор намуналари ҳам ўзига хосдир. Одатга кўра, афғонларнинг ҳар икки (вокал ва чолғу) йўналишлари ҳам ўз халқ мусиқа намуналарига эга. Афғонистон фольклорига азалдан халқ орасида оммалашган ва бир қатор шаклларнинг яратилишига сабаб бўлган жанр мавжуддир. Бу жанр *“Ландай”* (пуштунларга мансуб) деб юритилиб, афғон халқининг этник жиҳатларини ҳозиргача ўзида сақлаб келмоқда. Афғонистонда *“ландай”* мусиқий поэтик жанр бўлиб, халқ (асосан аёллар) ижодидида кенг тарқалган. *“Ландай”*

⁵⁰ Устод Мадади. Афғон халқ мусиқа анъаналари. Самарқанд III симпозиуми маърузаси. 1988.

Ўзининг композицион тузилиш жиҳатидан Афғонистоннинг барча воҳаларида муайян шаклини ташкил этади. Лекин, талқин масаласи ва бадиҳа жараёни албатта воҳавий хусусиятлар негизда ижро этилади.

Рус муסיқашунос олими В.Беляев ўзининг “Афғон халқ муסיқаси” китобидан афғон лянди(ландай)ларини рус частушкалари, ўзбек-тожик лапарлари, қозоқ халқининг “айтис” жанрлари билан бир хиллигини қайд этиб ўтади. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, албатта “Ландай” жанри ўзбек лапарларига турли томонлари билан мосдир. Жумладан: аёллар ижросига хослиги; айтишув тарзида лапарга ўхшашлиги; сўз асослари бир байтти ташкил этиши, метро-ритмик жиҳатларининг эркинлиги ва ҳоказо.

Афғонистон халқлари муסיқа ижодиётида “Чорбайт” (мурабба-тўртлик) ва “Достон” жанрида ижро этиладиган кўшиқлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Достонлар дейишимизга асосий сабаб, улар ўзбек-тожик муסיқа меросида мавжуд бўлган “достон” жанрига шакли, мазмуни, моҳияти, ижро хусусиятлари, айтишув услуби билан жуда яқиндир. Афғонистон муסיқасида бу жанр бир ёки икки хонанда томонидан ижро этилади.

Жанрнинг ўзига хос томонлари, ижро этиладиган кўшиқларнинг куй асоси турлича бўлади. Бунинг асосий сабабларидан бири савол-жавобга асосланган сўз, матн турлича мазмунда бўлиши ва бевосита ижрочи талқинига боғлиқдир. Шу боис куй асоси ҳам сўз матнига маълум даражада таянади. Айниқса, бу ҳолат куй ривожига жараёнида яққол намоён бўлади. Мазкур жиҳатлар асарни туркумий тус олишига ёрдам беради.

Афғонистон муסיқа меросида бу жанрга хос бир қатор достон-кўшиқлар мавжуд. Жумладан: (пуштунлар ижодида) “Юсуфхон ва Ширбону”, “Фотиххон ва Робия”, “Мўминхон ва Шириной”; (Ҳиротда) “Сиёмўй ва Жалолий”; ўзбек аёллари томонидан ижро этиладиган “Ёзи ва Зебо”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайхо” кенг тарқалган. Одатда мазкур достонлар миллий чолғулар жўрлигида ижро этилади. Бевосита талқин эса, сўзлашув оҳангига яқин услуб, яъни декламацион характерга эгадир⁵¹. Асар туркумий кўринишда бир соат ва ундай кўп вақт давомида ижро этилиши мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ижро узлуксиз давом этади. Шу боис бўлса керак, уларнинг ижро вақтида муқим мезон қайд этилмайди. Бу жанр кўпроқ Лангархар воҳасида оммалашган.




⁵¹ Михайлов Ж. Устоз Муҳаммад Хусайин Сароҳанг пластинкасига ёзган аннотацияси.

Афғонистон халқлари мусиқасида бастакорлар ижодий амалиётига мансуб бўлган жанрлар қаторига “Чорбайт”лар ҳам киради. “Чорбайт” – шеърий “мурабба” (тўртлик) шаклида ёзилган ва тўрт қаторли матнга эга бўлган сўз асосида айтиладиган халқ мусиқаси намунасидир. Мусиқашунос олимлар чорбайтларнинг келиб чиқишига рубоийлар сабаб бўлган деган фикрни билдиришади. Зеро, чорбайт муайян поэтик сюжетга асосланган шеърий асардир. Унинг куй жиҳатлари ўзига хос метро-ритмик шаклларга асосланиб, ижро жараёнида муайян усулга таянади.

Ишқий кўшиқлар. Халқ орасидан чиққан хонанда ва созандалар томонидан яратилган ва ижодий меросга айланган ушбу турдаги кўшиқлар ўзининг оммавийлиги билан ажралиб туради. Одатга кўра севги, мухаббат, хижрон ва қалб туйғуларини мусиқий ва сўз матнлари асосида ифодаловчи бу жанр тинловчига кучли таъсир кўрсатиш хусусиятига эгадир. Шу боис ижрочилар, айниқса, тингловчилар бу жанрга мансуб мусиқий намуналарни жуда ардоқлайдилар. Унинг ижрочиларига ҳам ўзига хос муносабатда бўладилар. Зеро, ижро жараёнида ҳар бир хонанда азалий халқ маросим анъаналарини сақлашга интиладилар. Асарни талқин жараёнига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Хонандалар кўп ҳолларда ўз ижроларига ўзлари жўр бўладилар. Созандалар дастаси эса кўпи билан 5-6 чолғучидан ташкил топади. Тўртта созанда (танбур, саранга, дамли гармон ва даф ёки тавлак)дан иборат ижрочилар гуруҳ асосини ташкил этади. Ушбу жанр Афғонистоннинг барча воҳаларига хосдир.

Тоғ куйлари (тоғликлар мусиқаси). Юқорида зикр этганимиздек, Афғонистоннинг чорак қисмидан кўпроқ ҳудуди тоғликлардан иборатдир. Тоғли халқлар миллий анъаналари ва меҳнат машғулотларидан келиб чиққан ўзига хос мусиқий намуналарга эгадирлар. Бу асосан чўпонлар амалиёти негизда вужудга келган ва улар томонидан ижро этилиб келинган. Ижро пайтида шу шароитга қулай бўлган най, чўпон най ёки саранда чолғуларидан фойдаланилган.



Дехқонлар кўп ҳолларда бу кўшиқларни жўрсиз ижро этишган.

Тоғли халқларнинг кўшиқларида бевосита табиат манзаралари тараннум этилиб, куй асоси унча катта бўлмаган халқона (квинта, секста интервали оралигидаги) оҳангларга хос. Сўз матнлари оммабоп шерий байтлардан (7-9 бўғинли ва нақоратли шаклга мансуб) тузилган. Бу кўшиқлар ўзининг

халқоналиги ва оддийлиги билан бошқа жанрлардан фарқ қилиб туради.

Классик (касбий) кўшиқлар. Афғонистон классик муסיқасининг ёрқин намуналаридан бири “ғазал” дир.

“*Ғазал*” – классик жанр бўлиб, ўзига хос метро-ритмик эркинликда ижро этилиш хусусиятига эга. Ғазал лирик жанрдир, у ижрочиға талқин жараёнида ўз ижрочилик имкониятларини очиб бериш ёки асарни турли сайқаллар ва оҳанглар билан безалиши, бадихағўйлик имкониятларини яратиб беради. Анъанавий услубни ташкил этувчи бу усул ғазал ижросини тўлақонли ифода этувчи ўзига хос оҳанг ва метро-ритмик шакл ҳисобланади. Ғазалнинг ҳар бир қатори муайян оҳангга асосланган куй жумласида ижро этилади. Қизиғи шундаки, ғазалнинг ҳар икки қаторини ҳам айнан ана шу куй усули заминида, бир-бирига мутаносиб ҳолда талқин этилади⁵².

Афғонистон сарой муסיқа маданияти бевосита ҳинд муסיқаси таъсири остида ривожланган Зеро, классик (мумтоз) афғон муסיқасининг ёрқин намоёндаларидан Устод Қосим, Устод Ёқуб, Устод Ғулом Хусайний, Устод Назармуҳаммад, Устод Раҳим Бахш ва бошқалар Ҳиндистонда таълим олган профессионал муסיқачилар ҳисобланади.

Тўй-маросим кўшиқлари. Афғон халқининг тўй маросим кўшиқлари барча халқлар каби миллий анъаналар негизида шаклланган. Улар Афғонистоннинг барча воҳаларида деярли турличадир. Тўй маросимида ижро этиладиган кўшиқлар мазмунан ҳамда шаклан иккига бўлинади. Биринчиси: тўй ўтказиш анъанаси билан боғлиқ ва албатта ижро этилиши лозим бўлган асарлар; иккинчиси эса, хурсандчилик ва байрамона кайфият бахш этувчи, яъни ўйин-кулги учун ижро этиладиган шўх куй-кўшиқлардир.

Биринчи гуруҳга кирувчи асарлар муסיқий қадриятларга эга бўлган намуналар бўлиб, ўтмишда яратилиб ҳозиргача деярли ўзгармай сақланиб келинган. Муסיқий оҳанглар билан бирга сўз матнларини ҳам асл ҳолича сақлаш афғонистонликларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Афғонистон тўй маросим кўшиқларини анъанавий шакллари кўпроқ омма томонидан ижро этилади. Шу билан бирга махсус халқ хонадалари томонидан ижро этиладиган тўй кўшиқлари ҳам мавжуд. Уларни афғон халқи “Анъанавий тўй кўшиқлари” деб юритадилар. Мисол тариқасида қуйидаги асарларни келтиришимиз жоиздир. Булар: “*Оҳиста беру*” (Оҳиста чиқинг), “*Хина биёре*”, “*Биёрид*”

⁵² Насуллаев З. Сведения о музыке в произведениях А.Х. Дехлави. Т.; 2008, с.16.

(олиб чикинг), *“Туйят муборакбод”* (Тўйинг муборак). Бу кўшиқлар асосан (афгон тожикларига хос) хотин-қизлар томонидан доира (дафф) чолғуси жўрлигида ижро этилади.

Иккинчи гуруҳ тўй кўшиқлари жуда кўп ва халқ орасида кенг оммалашган. Улардан *“Гала бордим ёр”*, *“Барги гули бордим ёр”*, *“Ўйпанг”* каби жуда кўп кўшиқларни мисол қилиш мумкин. Шўх кўшиқлар одатга кўра нақорат принципида ижро этиладиган шаклга мансублиги билан ажралиб туради. Унинг ўзига хослиги шундаки, ривожланиб боровчи куй қисми ўзгарувчандир. Шу боис ижро жараёни хонандага катта қулайликлар яратади. Шароитга биноан кўп ҳолларда, хонандалар томонидан куй ривожига ўзгартиришлар киритилади. Бу эса асарларнинг таркибий тузилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Афғонистн халқлари мусикасида диний маросимлар билан боғлиқ бир қатор кўшиқлар мавжуд. Улар бевосита шу тизимнинг муайян шарт-шароитларига асослангандир. Улар орасида “наътхонлик” ва “рўзахонлик” каби турлар халқ орасида кенг оммалашган. Одатда, наътхонлик ва рўзахонлик тадбирлари махсус яратилган шароитларда ижро этилади. Бу махсус жойлар кўпчилик (ўзбек ва тожик)халқларда азалдан мавжуд бўлган. Яъни, амалиётда бизнинг воҳаларимизда мавжуд бўлган “хонақоҳ”лар диний маросимлар, самоъ кечалари ўтказиладиган маскан ҳисобланган. Хонақоҳларда ижро этиладиган мусикий намуналар одатга кўра сўфийлар томонидан айтилган. Бундан ташқари, мусулмон халқлари орасида жума кунлари, ҳайит ва бошқа диний байрамларда бундай тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, маросимларда ижро этиладиган асарларни матни диний мазмунда бўлган, пайғамбарларнинг ҳаёти ва охиратдан сўзловчи ҳадислар мазмундаги сўзлар билан айтилган. Диний кўшиқлар ҳофизлар томонидан чолғу жўрлигисиз ижро этилган.

Мавлуд ва ашуру кунларида ҳам (афғонистонлик ўзбек аёллари) ўзига хос оҳанглар билан китоб ўқишади.

Ҳажвий кўшиқлар. Миллий мусика санъатининг авлоддан-авлодга ўтишида муҳим омиллардан бири бўлган бу жанр ҳаётининг мезоннинг айрим иллатларига берилган танқидий муносабатларини ўзида акс эттирган мусикий намуналардир. Улар одатга кўра ҳажвий кўшиқлар деб юритилади. Халқ орасида ҳажвий йўналишда ижод этган санъаткорлар кўп бўлган. Улар турли ҳаракатлар, шеърини асарлар, кулгили ҳикоялар ва айниқса ҳажвий кўшиқлар, театрлашган сахналар орқали ўз мақсадларини ифода этишган. Шу нуқтаи назардан, бу мезоннинг жанрлар жиҳатидан ранг-баранглигини ҳам қайд этиш жоиздир. Шулардан омма орасида кенг тарқалган жанрлардан бири сатирик мазмундаги кўшиқлардир. Одатда ҳажвий кўшиқларни ижро

этиш учун (халқ орасидан чиккан) мусикачилар ва санъаткорлар махсус тайёргарлик кўришган. Ҳажв остига оладиган ҳар қандай “қахрамоннинг” кулгили киефасини яратгандан сўнггина ижро этишган. Ҳажвий кўшиқлар одатга кўра сахна орқали ёки оммавий майдонларда ижро этилган.

Афғонистон мусика маданияти хусусида бир қатор мусикашунос олимлар: А.Н.Болдирев, В.М.Масон, В.А.Ромодин, В.Беляевлар тадқиқотлар олиб борганлар Шу билан бирга АҚШлик М.Злобин ва инглиз олимлари Дж. Бейлиларнинг Афғонистон мусика маданиятига бағишланган китобларини алоҳида қайд этиш жоиздир. Афғон мусикасига бағишланган дастлабки китоблардан, яна Ж.Дармететернинг “Афғон халқ кўшиқлари” (Париж 1880 й.) китоби ўзига хос саналади. Мазкур асар афғон халқининг поэтик ҳаёти ҳақида ёзилган бўлиб, ўз ўрнида ғарб фольклоршуносларини қизиқтирган. Қ Шундан сўнг, бир қатор ғарб мусикашунос-фольклоршунос олимлари Якин Шарқ ва хусусан, Афғонистон маданий ҳаётига бағишланган тадқиқотлар олиб бордилар.



*Созанда аёл
Қадимий ҳайкалча (сопол)*



Афғон (пуштун) раққосаси

Афғонистон мусикий фольклори ранг-баранглиги ва ўзининг миллийлиги билан ўзга халқ анъаналаридан ажралиб туришини биз юқоридаги шарҳимизда амин бўлдик. Мусикий анъаналарнинг ўзига хослиги асосан лад жиҳатларида, усул таркибларида ва сўз матнларида намён бўлади. Афғон мусикасининг лад асослари асосан диатоник (табий) кўринишларидан ташкил топган. Жумладан: миксолидий, эолий, дарий ва фригий ладларидир. Оҳанг мажмуида эса иккинчи босқичнинг орттирилган намунаси ўта характерлидир. Шу боис ҳам анъанага кўра ладларнинг иккинчи босқичида орттирилган секундани кўпроқ қўллашади.

Афғон мусикасининг метро-ритмик асослари турличадир: бадиха йўсинида ва муайян усулга асосланганлигидадир.

Одатга кўра, афғон халқ мусиқий намуналарида 6/8; 3/4; 4/4; 2/4; 7/8; 9/8 ва ундан ҳам мураккаб ўлчовларга асосланган усуллар мавжуд. Шу билан бирга афғон куйларида кўп қўлланиладиган мезонлардан такт олди ҳолатларини қайд этиш жонздир.

1937 йили Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳрида “Афғон академияси” ташкил этилади. Академиянинг асосий вазифаларидан бири халқ ҳаёти ва турли йўналишлардаги ижодини илмий тадқиқ этиш деб белгиланган. Шу билан академия адабий ва халқ мусиқа ижодини ўрганиш учун асос яратди. Академиянинг ушбу йўлидаги ҳаракатлари бир қатор илмий изланишлар орқали амалга оширилди. Жумладан: мусиқашунос Фаррух “Чанг оҳанг-е Пушту” (Пушту оҳангидаги кўшиқлар) китобини чоп этди; Наваби Г.Хабиб “Сангирах-е Устод-е Қосим Афғони” номли китобини чоп этишга муваффақ бўлди. Китоб Кобул шаҳрида 1957 йили нашр этилиб, афғон халқ мусиқий чолғуларига бағишлангандир.

Такрорлаш учун мавзулар:

- Афғонистон ва Ўрта Осиё халқлари маданий алоқалари;
- Афғон маданияти;
- Классик куйлар (касбий мусиқа);
- Афғонистон халқ мусиқа ижодиёти (ландай, чорбайт, достон)
- Тоғ куйлари (тоғликлар мусиқаси);
- Тўй маросим кўшиқлари;
- Диний кўшиқлар (диний маросим кўшиқлари);
- Ҳажвий кўшиқлар;
- Мусиқий чолғулар;
- Машҳур созанда ва хонандалар.

ТУРК МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Туркия Республикаси Осиёнинг ғарбий қисми ва Европанинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган давлат. Аҳолиси 70 млн.дан ортиқ Пойтахти *Анқара* шаҳри. Аҳолининг 90% турклар. Курд, араб, ўзбек, адигей, чечен, осетин, грек, арман, озарбайжон, туркман, болгар, албанлар ҳам яшайди. Аҳолисининг асосий қисми ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қилади. Расмий тил – турк тили. Йирик шаҳарлари: Истамбул, Измир, Бурса, Анталия, Адана, Эдирна.

Тарихнинг энг қадимий маданиятларидан бирини барпо этган турклар турли санъат соҳаларида, шу жумладан мусиқа соҳасида ҳам самарали фаолият олиб борганлар.

Онадўлида Салжукийлар давридан бошлаб ҳозирги даврга қадар турк мусиқаси турли йўналишларда ривожланган. Турк анъанавий мусиқаси 2 қатламга – халқ ва профессионал мусиқа турларига ажратилади. Халқ мусиқасида туркумлар (бармоқ вазидаги шеърларга асосланган халқ кўшиқлари), шунингдек, турли мавзудаги лапарлар кенг ўрин олган. Уларнинг куйларига асосий поғоналардан юкори ва пастга силжишлар, мусиқий ритмларига синкопалар хосдир. Халқ кўшиқларининг шеърини асосини кўп ҳолларда уларнинг мусиқий шаклини аниқловчи анъанавий шакллардаги(семай, дастан, кошма) шеърлар ташкил қилади.

Турк халк мусикасида иккита услубий гурух: *узун хава* (“узун куй”) ва *кирик хава* (“киска куй”) мавжуд.

Кенг диапазонли ва эркин ритмга асосланган узун куйли кўшиқлар асосан севги (бозлок) ва мотам (ағит) мавзуларида бўлади. Кирик хава учун кичкина диапазон ва бир текисли ритмлар хос бўлиб, бу гурухга раксона куйларни, яъни ошиқларнинг нағмаларини киритиш мумкин. Аниқ ўлчовли ва киска хажмли оҳанг чўзилмаларига риоя қилинган кўшиқлар асосан ўйин, ракс ва айтишув (моне)ларда намоён бўлади. Шеър ичидаги ўлчовли тузилишнинг ўзгарувчанлиги квадратликни бузиб, ритмиканинг синкопалашувиغا олиб келади⁵³.

Халк мусика санъатининг катта катламни ракслар ташкил қилиб, кўп ҳолларда маросимлар, меҳнат жараёналари, диний маросимлар билан боғлиқдир. Чолғулар ва вокал-чолғулар жўрлигидаги ракслар, ҳамда жўрсиз ракслар ҳам бор. Машхур халк раксларидан “*зейбек*”, “*хайал*”, “*херон*”, “*бар*”, “*бисги*”ларни келтириш мумкин.

Турк мумтоз мусикаси тараккиёти XV асрдан Онадўлида ижод қилишган ошиқ (бастакор)лар фаолияти билан боғлиқ. Улар турк бахши (ўзон) анъаналарини давом эттириб, турли терма ва кўшиқларини соз. боғлама, кўбиз жўрлигида бедиҳа шаклида ижро этганлар.

Халк кўшиқ ва ракслари асосан *балабан*, *зуриа*, *кавал*, *камонча*, *соз* каби миллий чолғулар жўрлигида ижро этилади. Уларга одатда зарбли чолғулардан – *давул*, *дўф*, *араб. дарбука*ларни усул билан жўр бўлишлари учун кўшишлари мумкин.

Анъанавий мусиканинг лад ва шакл асосини макомлар ташкил этади. Турк мусикасида “макам” тушунчаси биринчи навбатда ладга тегишлидир. Макомларнинг асосини рельефлиги билан фаркланувчи кичик ладли тузилмалар ташкил қилади. Ладларнинг сони ниҳоятда кўпдир, уларнинг асосий ва ҳосилалари ҳам кўп бўлиб, ҳаммаси ҳам амалиётда ишлатилмайди. Лад-макомларнинг номланиши кўп ҳолларда географик тушунчаларга, яъни уларнинг яратилиш жойига (Исфохон, Шероз, Ирок, Нахавент), тимсолий тасаввурлар (Рост – тўғри, ҳаққоний, Полистан – атиргуллар боғи) га боғлиқдир.

Фасл—номли туркумий шакл ҳам кенг тарқалган. Бу шаклдаги асарнинг ҳар бир бўлими аниқ бир макам кўринишида бўлади. Ижрочига катта импровизация эркинлиги (аммо шу лад чегараларида). берилади. Фаслни одатда ривожланган, шаклига кўра мураккаб инструментал кириш – пешрев очади. Сўнгра вокал эпизодлар инструменталлари – *таксим*лар билан навбат алмашади. Мусикачи-

⁵³ Музыкальная энциклопедия. Турецкая музыка V т. М.: 1981, с. 640–644.

ижрочи танланган лад меъёрлари асосида турли хил муסיкий парча ва пассажларни импровизация қилади.

XVI асрда турк сарой аҳли бевосита Европа муסיкаси ва маданияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. XVI–XVII асрларда сарой аёнларининг таклифига кўра, таникли Европа рассомлари, архитекторлари, муסיқачилари, актёрлари ташриф буюрадилар.

Турк мумтоз муסיкаси деганда Ёкутистон ва Жанубий Туркистондан тортиб, Волга сохилларигача, Қрим бўйларидан Дунай остоналаригача жойлашган ўлкалар бўйлаб тарқалган туркий халқлар муסיкаси тушунилади.

Салкам минг йил олдин турк қабилалари Ўрта Осиёдан Онадўлига (Кичик Осиёга) ўз куй оханглари билан бирга кўчиб келишди. Бу муסיка умумий илдизи ва мохиятидан ташқари, баъзи ўзига хос жиҳатларига ҳам эгадир. Турк қабилаларининг катта қисми 500 йил аввал Онадўлидан Истамбулга кўчиб ўтди, натижада ушбу шаҳар турк миллатининг йирик маданий марказларидан бирига айланди⁵⁴.

Кейинроқ, бошқа шаҳарлардаги зиёлилар доирасида, хусусан саройларда мумтоз муסיка кенг тарқала бошлади. Мавлавий Румий, Қодирий, Саъдий ва бошқа тарикатчилар асосида турк муסיкасининг энг йирик асарлари яратилди. Бунда айниқса, Мавлавий дарвешлар муסיкаси алоҳида ўрин тутди.

Манбаларда кўрсатилишича, Яман, Руминия, Албания, Ливия, Ироқ, Сурия, Тунис, Жазоир ва бошқа мамлакатларда турк муסיкасининг таъсири ўсди. Бунга сабаб 600 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Усманийлар маданияти Болкон орқали Европага, Африканинг шимолига, ҳатто араблар яшовчи баъзи жанубий минтақаларга ҳам тарқалганидир. Уларнинг 3–4 аср ҳукмронлик қилиб келганлигидан бўлса керак мазкур халқларнинг куйлари, чолғулари, маком ва ритмларида бу таъсир ҳозир ҳам сезилиб туради. Бошқа бирорта халқнинг муסיкаси мазкур ўлкаларга бу қадар катта таъсир кўрсатмаган. Турклар Ўрта Осиёда тизимлашган муסיка билан шуғулланганлар ва вақт ўтиши билан уни ривожлантирганлар. XIII асрдан бошлаб муסיкага бағишланган илмий асарлар ёзила бошлаган. Масалан, Сафиуддин Урмавийнинг “Шарафия” ва “Китоб-ул адвор”, Кутбиддин Шерозийнинг “Дуррат-ут тож”, Абдулқодир Мароғийнинг “Мақосид-ул алхон” ва “Жавомеъул алхон”, Хизр ибн Абдуллоҳнинг “Адвор”, Дилшод Бадрийнинг “Муроднома”, Махмуд Чалабийнинг “Фатхия” ва “Зайн-ул алхон” каби илмий китоблари ёзилган. XVII

⁵⁴ Унгер Этем. Турк муסיкаси хусусиятлари. Нафосат журнали, Т.; 1993, 3–4 сон.

асрнинг иккинчи ярмида турк муסיқасининг ривожига Вихури-зода Мустафо Итри-эфендилар катта хисса қўшди. У ўзнинг мелодик жиҳатдан ифодавий лирик қўшиқларининг ўзига хос ижроси билан машхур эди. Айниқса, султонлар Маҳмуд I ва Селим III ларнинг даврида Турк муסיқасига кизиқиш янада кучайди. 1828-йили султон Маҳмуд I профессионал ҳарбий оркестр яратиш мақсадида италян композитори Дж.Доницетти (Г.Доницеттининг укаси)ни таклиф қилди.

Туркиянинг муסיқий театр ҳаёти айнан XX асрнинг 20-йилларига келиб фаоллаша бошлади. Бу даврда ҳам етакчи жанр оперетта эди. Европа композиторларининг асарлари билан бир қаторда турк муаллифларининг ҳам асарлари сахналаштирилади бошлади. 1928 йили Анкара опера театри очилди.

30-йилларига келиб, Туркияда миллий композиторлик мактаби шаклланади. Уларнинг йирик намояндалари халқ орасида "турк бешлиги" номи билан машхур бўлган-А.А.Сайгун, Дж.Р.Рей, У.Дж.Эркин, Н.К.Аксес, Х.Ф.Алнарлар эди.

Композиторлар асосан турк муסיқасига номаълум бўлган жанр ва шаклларни ўзлаштирар эдилар. Улар анъанавий турк санъатиغا мурожаат этдилар, ижодиётларида миллий ўзига хосликни Европа муסיқасининг муסיқий-ифодавий воситалари билан синтезлашга интилдилар.

1934 йили Анкара халқ уйи сахнасида Сайгуннинг "Феридун" номли биринчи турк операси сахналаштирилди.

1936 йили Анкарада давлат консерваториясининг очилиши мамлакат маданий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Консерватория Якин ва Ўрта Шарқдаги йирик муסיқий марказга айланди.

XX асрнинг 40-50 йилларда турк муסיқаси миллий композиторларнинг ижоди асосида янги симфоник асарлар билан бойиди. Театр ва концертлар фаолияти фаоллашади. Анкара ва Истамбул театрларида турк композиторларининг опералари қўйила бошланади. 1945 йили Истамбул шаҳри симфоник оркестрининг концертлари бўлиб ўтди.

50-60 йилларда турк композиторлари Шарқ учун янги бўлган жанрларни ўзлаштира бошладилар. Кўпгина опералар, симфоник, камер-чолғу асарлари яратилди.

Йилдан-йилга муסיқий-ўқув муассасаларининг сони кўпайиб борди. 1973 йили Истамбул давлат консерваторияси очилди. Кейинроқ Анкара давлат операси (1980), Истамбул давлат опера ва балет театри, симфоник оркестрлар, чолғу-вокал ансамбллар фаолият юрита бошладилар. Анкара давлат консерваторияси, Истамбул муниципал консерваторияси, Истамбул давлат консерваторияси, Измир давлат

консерваториялари ҳам ўз фаолиятларини йўлга қўйдилар.

1975 йилдан бошлаб ҳар йили Истамбулда “Истамбул санъат фестивали” номли халқаро мусиқий фестиваль бўлиб ўтади.

Турк мусиқа санъатида усул (ритм) лар 2 турга бўлинади: кичик ва катта усуллар. 2-16 ҳиссали бўлган ритмлар кичик, 16-124 ҳиссали қисмилари катта усуллардир. Турк мусиқасида умумлашган икки ҳиссалик ва уч ҳиссалик ритмлар йўқ, уларда фақат ўз номига эга бўлган ритмик формулалар бордир, яъни аксак(оксок) – чўлок, хафиф-енгил ва ҳоказо. Бу номланишлар уларнинг характерини ёки пайдо бўлиш жойини ифодалаш мумкин ёки мусиқада қабул қилинган шеърий ритмларнинг номларини кўрсатиши мумкин.

Оқсоқ ритми учта икки ҳиссали ва битта уч ҳиссали гуруҳлардан тузилган. Бу ритм ҳаракатининг бир хилда эмаслиги унинг номидан ҳам кўриниб турибди.

Сақил – оғир усул, 39 та зарбдан иборат мураккаб тузилмани ўзида мужассам этади.

Халқ мусиқаси билан бир қаторда ва унинг таъсири остида анъанавий, яъни классик мусиқа ҳам шаклланган. Анъанавий турк санъатида ошиқларнинг роли ниҳоятда каттадир. Ошиқлар санъати шеърият ва мусиқани ўз ичига олган. Ошиқлар одатда ўзлари яратган кўшиқларни соз жўрлигида ижро этадилар. Санъатлари халқнинг орзу-армонлари, дарду ҳасратлари билан боғлиқ бўлган ошиқлар халқ орасида жуда машҳур эдилар. Ошиқларнинг юксак маҳорати авлоддан авлодга оғзаки анъаналар йўли билан мерос бўлиб ўтаркан, уларда турк халқ санъатининг ўзига хос қирралари сақланиб борди. Ошиқларнинг кўшиқлари куй ва усул жиҳатдан турличадир. Кўп ҳолларда усул жиҳатдан айтимлар эркин бадиҳавийликни намоён этади, чолғу жўрлигидаги асар эса, аниқ бир метро-ритмик асосда давом этади⁵⁵.

Туркия анъанавий мусиқасининг етакчи жанри ҳисобланмиш мақом турларидаги асарларга нисбатан “фасл” атамаси ишлатилади. Мақом ўз навбатида чолғу-ашула йўли бўлиб, чолғу асбоблар жўрлигида ижро этилиб келинган. Уларни туркум сифатида ҳам ижро этиш мумкин. Одатда, мақом катта туркумий шаклни



⁵⁵ Ozkan Ismail Hakki. Turk musikisi nazariyati ve usulleri. Istanbul, 1987, 94–96 b.

ташқил этади. Атоқли турк олими Этем Ўнгернинг фикрига кўра турк мумтоз мусикасида 556 мақомларнинг номлари эслатилади. Бирок, буларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирга қадар етиб келмаганлигини, хаттоки баъзиларининг парда асослари номаълум эканлиги қайд қилинади.

Турк мумтоз мусикасидаги мақомларнинг асосий ва энг қадимги намуналари куйидагилар: *Пуселик, Чоргоҳ, Эвич, Ҳижоз, Хусайний, Исфаҳон, Курди, Мухайяр, Наво, Никриз, Рост, Сабо, Сегоҳ, Шехноз, Моҳир, Ушшоқ, Зенгулар* киради. Бу фасллар ўзларининг таркибий хусусиятларига қараб уч йирик турга бўлинади:

Оддий (асосий).

Кўчирилми (транспозиция).

Мураккаб.

Биринчи турдаги оддий мақомлар – иккинчи ва учинчи турдаги фасл (мақом)ларнинг асосий омили⁵⁶. Оддий мақомлар битта тўртлик (тетракорд) ва битта бешлик (пентакорд) ёки аксинча, битта бешлик ва битта тўртлик орқали пайдо бўлади. Туркияда мавжуд оддий фасллар таркибига жами 13 та мақом киради. Улар Чоргоҳ, Пуселик, Курди, Рост, Ушшоқ, Хусайний, Наво, Ҳижоз, Хумоюн, Зенгула, Қорачар, Сўзинаклардан ташқил топган.

Бир мақомдан бошланиб, бошқа пардага кўчирилган фасл-мақомлар кўчирилми, яъни транспозицияли мақомлар дейилади. Кўчирилми мақомлар таркибига – Чоргоҳ, Бусалик, Курди, Зергулели, Ҳижоз, Нева, Сегоҳлар киради. Юқорида таъкидланганидек, улар оддий мақомлардан ҳосил бўлади.

Мураккаб мақомлар оддий мақомларга нисбатан шакл жихатидан, мазмунан ва таркибан мураккаблашган мақомлардир. Турк мураккаб мақомларининг келиб чиқиши тарихи бир қатор манбаларда зикр этилган. Хусусан турк олими Йилмас Ўзтуна ўзининг “Турк дуняси эл китаби” асарида куйидагича таърифлайди: “Турк мусикаси тарихида Селим (1789–1808) исми билан элга машхур подшо бўлган. У даврда ижрочи мусиқачилар жуда кам бўлиб, подшо Селим ўз мусика маданиятини бойитиш мақсадида мусиқачиларга турли хил мақомларни ёзишни буюради. Ёзилган ҳар бир мақом учун эса уларга мукофот таъсис этади. Айрим манбаларга кўра, Селимнинг ўзи ҳам бастакор сифатида 15 та мақом фаслини яратган экан”.

⁵⁶ Беляев В. Турецкая музыка. О музыкальном фольклоре и древней письменности. М., 1967.

ТУРК ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИ

Турк халқ мусиқий чолғулари куйидаги гуруҳлардан иборат: торли чолғулар: *баглама, соз, тор*.

Торли камонли чолғулар: *скрипка ёки кебаб кемане, Қора денгиз кеманчаси*.

Дамли чолғулар: *зурна, най, флейта, меш, волинка*.

Зарбли чолғулар: *барабан, бубен, давул, дэф* ва *қошиқ*.

Баглама – Туркияда энг кўп тарқалган халқ чолғусидир. Ўлчовлари келиб чиқиш жойи ва воҳасига қараб турлича аталади. Шунга қараб, уларнинг хажмида ҳам муайян ўзгаришлар бор. Булар *баглама, деван-сози, бозук, чоғур, копуз, иризва, джура, тамбура* ва *ҳоказо*.



Ўлчовлари бўйича энг кичик ва товуши бўйича энг ингичка *баглама* бу *джура*дир.

Ўлчови сал каттароқ ва товуши бир октавага баландроқ *чолғу* эса *тамбура* деб аталади. Баглама оиласидаги энг кучли товуш деван созига тегишли, унинг товуши тамбурага нисбатан бир октавага баландроқдир.

Баглама олд ва орқа қисмлардан иборат. Дастанинг орқа қисмидан узокроқда жойлашган қисмида бургу қисмлари жойлашган бўлиб, улар ёрдамида чолғунинг аккордлари чалинади. Баглама мизроб (медиатор) билан чалинади. Мизроблар гилос дарахти илдизидан ёки пластмассадан ишланган. Баглама уч гуруҳ торларга эга бўлиб, бу гуруҳларнинг ҳар бирида иккита ёки учта тор жойлашган. Ҳар бир гуруҳ турли аккордларга эга. Мисол учун баглама турларидан бири куйидаги товушларга соزلанади: пастки тор ля, ўрта тор ре, юкори тор ми.

Аккордни ижро этишнинг бу кўринишидан ташқари яна Кара Дузен, Мискет Дузени, мустезат, Абдал Дузени, Раст Дузени ва хоказолар бор.

Тор – турк халқ чолғуси. У Туркиянинг Кар вилояти ҳамда Озарбайжон, Эрон, Ўзбекистон ва Грузия хуудларида кенг тарқалган.

Чолғу икки қисмдан тузилган бўлиб, тут дарахтидан ишланади. Олдинги қисми мол юрагидан ишланган парда билан қопланган.

Дастаси қаттиқ дарахтлардан ишланади. Торлари фақат ичакдан тайёрланади. Тор чолғусининг икки гуруҳ симлари бор. Биринчиси уч гуруҳ симлардан тузилган, уларнинг ҳар бирида иккитадан сим



бор, у оддий ижро учун ишлатилади. Иккинчи гуруҳ эса “кек” ва “зенк” деб номланади, акс-садо бериш, яъни садони бойитиш учун ишлатилади.



Кебаб кемане (скрипка) – турк халқ торли камонли чолғусидир. Шаклига кўра кўпгина кўринишлари мавжуд. **Кабак, камане, иклиг, рабаб** шулар жумласидандир. Кемане Хатай худудида **хегид**, Туркиянинг жануби-шарқида **рабаб**, Озарбайжонда **кеманча**, Ўрта Осиёда **ғижжак** ёки **ғжсек** деб аталади. Санаб ўтилган чолғуларнинг ҳаммаси бир турдаги чолғу бўлиб, ўзбек ғижжак чолғусига ўхшашдир.


Чолғунинг асоси сув қовоғидан, баъзида дарахтдан ясаллади. Дастаси қаттиқ дарахтдан ишланади. Чолғунинг асоси остида (ёғоч ёки металлдан ясалган) мослама ўрнатилган бўлиб, у тиззага қўйилади. Натижада чолғунинг ўнг ёки чапга бурилиши учун имконият туғилади. **Кеманча** – учларига от думининг толаси маҳкамланган ёғочдан ясалган қурилмадир.

Бу чолғу аниқ бир ладга эга эмас, шунинг учун ихтиёрий хроматик товушлар чиқаради. Товушнинг ўзига хослиги шундаки, у давомли товуш чиқаради ва унда *legato*, *staccato*, *pizzicato*ларни эркин ижро этиш мумкин.

Қора денгиз кеманчаси – турк халқ торли чолғуси. Номидан ҳам кўриниб турибдики, у Қора денгиз бўйларида кенг тарқалган. Асосий қисми тут, олхўри дарахтларидан ишланади. Кеманча атиргул ёғочидан ёки самшитдан ишланади. Кеманчанинг уч жойига от думининг толаси маҳкамланади.

Кеманча фақат учта симга эга, қадимда уларни хайвонларнинг ичакларидан ясашган, ҳозирда металл симлардан фойдаланилади. Кеманча бирон бир аниқ ладга эга эмас. Унда бирданига иккита симга босиб куй чалинади. Параллел товушлар тарқалади. Кафт билан ҳам чалиш мумкин.

Зурна турк халқ дамли чолғусидир. Қаттиқ жаранглагани учун у очик майдонларда ижро этилади. Масалан: қишлоқ тўйларида, халқ сайилларида. Усмон империяси даврда зурна яничарлар мусикий оркестрининг асосий чолғуси эди. Оралик рақслар учун ҳам қўлланган. Зурна кўп ҳолларда барабан жўрлигида ижро этилади. Зурнанинг садоси чуқур ва қаттиқ бўлганлиги учун суръатни бошқариш қийин. У одатда



оркестрда бошқа мусикий чолғулар билан биргаликда чалинади.

Зурна икки октавали товушли масофага ҳамда 8 мусикий пардага


эга, улардан бири пастда, қолган еттитаси чолғунинг юқори қисмида (худди ўзбек сурнайи каби) жойлашган. Пастки парда олдинги қисм йўналишида жойлашган ва биринчи иккита пардадан ўтади. Пардалар 6–8 см.ли айлананинг диаметри ўлчовидадир ва воронка кўринишида 30–60 см нарида тугайди. Бу қисм "катак" деб аталади. Зурна чолғунинг дамли қисмидаги ингичка мослама ёрдамида чалинади. Бу қисм "метем" деб номланади. Ижро техникасини осонлаштириш учун метемга халқа тақилади, бу қисм "авуртдук" деб номланади. Зурнани чалишнинг энг кенг тарқалган тури бурундан нафас олиб, яъни нафас кайтариб, узлуксиз пуфлашдир.

Пардалардан ташқари катак қисмида 7 тешик бўлиб, улар пардаларга нисбатан кичикдир. Уларни "шайтон" ёки "жсин" тешиклар деб аталади. Бу тешиклар товушни бошқариш учун беркитиб турилади.

Ўлчовлари 60 смдан 30 смгача ўзгарувчи зурна 3 қисмга бўлинади:

Каба зурна (кўпол зурна), Орта зурна (ўрта зурна) ва Джур зурна (жарангдор зурна). Зурна одатда олхўри, ўрик, ёнғок, салимит дарахтларидан ишланади.

Най – турк халқ дамли чолғуси. Уни халқда чўпонлар найи деб ҳам аташади. Ҳар хил жойларда "кувал" ёки "гувал" номи билан танилган. Диапазони 2,5–3 октавани ташкил этади. Ҳозирда халқ мусикий чолғулар гуруҳида ўзига хос колоритига кўра ажралиб туради. Гуруҳда яккахон чолғу сифатида ишлатилади. Ансамблда чолғу товушининг ўзига хослигини сақлайди. Найнинг ўлчовлари 30 см дан 80 смгача ўзгариши мумкин, диаметри тахминан 1,5 см. Юқори қисмида 7 куйли тонлар, пастки қисмида 1 та. Бундан ташқари пастки қисмида яна 4 та тон бор, уларни шайтон делиги ва Ҳазрати Али деб номлашади. Икки турдаги найлар бор: мундштукли ва мундштуксиз. Най олхўри дарахтидан ясалади.



Такрорлаш учун мавзулар:

1. Турк мусиқа маданияти тарихи;
2. Турк халқ мусиқаси;
3. Мумтоз мусиқа намуналари – Турк мақомлари;
4. Турк оддий ва мураккаб усуллари;
5. Миллий чолғу созлар ва уларнинг хусусиятлари;
6. Мусиқашунос олимлар яратган рисоалар.

ҲИНДИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ




Ҳиндистон – Жанубий Осиё давлатлари сирасига киради. Ҳиндистон майдони 3.3 млн.км. Аҳолиси 1,5 миллиарддан ортиқ. Ҳиндистон кўп миллатли давлат бўлиб, у ерда *ҳинд, телегу, маратҳи, бангол, тамил, гуҷарат, коннара, малайли, панжоби* ва яна 100 дан ортиқ бошқа миллатлар истикомат қилишади. Ҳиндистонда индуизм, ислом, насроний (христиан), зардуштий, буддизм ва бошқа динларга эътиқод қиладилар. Пойтахти – *Деҳли*⁵⁷. 27 та штат бор. Мамлакат Покистон, Хитой, Араб денгизи, Бангол кўрфазлари билан чегарадош. Ганга, Жамна каби йирик дарёлар оқиб ўтади.

Ҳиндистон инсоният маданияти бешикларидан биридир. Узок ўтмишларданок унинг маданияти ва санъати ривожланишнинг юкори даражаси сифатида характерланган. Ҳинд маданиятига IX аср араб олими Ал-Жоҳиз қуйидагича изох беради. “Ҳиндларга келганда улар астрономия, арифметика, тиббиёт фанлари бўйича анча илгарилаб кетишган. Ҳинд маданияти, шеърият ва нотиклик санъати ривожланган.

⁵⁷ Кодиров П. Жаҳон мамлакатлари Т.; 2009, 94 б.

Қадимги хиндларнинг фан, маданиятда тутган ўрни Бериунининг (XI аср) “Ҳиндистон” номли асарида ҳам батафсил ёритилган.

Илк классик жамият – Инд (Хараппа) цивилизация (э.р.авв. III-минг йилликгача бўлган давр)си билан боғлиқ. Кейинчалик, Ҳиндистонда Магатха, Гунталар давлати, Дехли салтанати, Бобурийлар империялари ҳукмронлик қилиб, Ҳинд маданиятига бевосита ўз таъсирларини ўтказишган. Ҳиндистон XVI аср бошларида Европа (Буюк Британия, Португалия, Голландия, Франция, Англия) мустамлакачилари томонидан босиб олинди. XIX аср ўрталарида инглизлар Ҳиндистонни бутунлай ўз мустамлакасига айлантирди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилинди. 1947 йилга келиб, у 2 та худуд – Ҳиндистон ва Покистонга бўлиниб кетади.



Чўлон узун бамбукли карнайда куй ижро этмоқда

Ҳинд халқи тарихида ҳар бир авлоднинг ўз кўшиқлари, урф-одатлари, рақслари, жамоа бўлиб куйлаш йўналишлари мавжуд бўлган. Ведалар (Ведаларнинг келиб чиқиши мил.ав. II-мингйилликдан I мингйиллик ўрталарига тўғри келади) орқали ўтмишдаги халқларнинг турмуш тарзи (табакаларга бўлиниши), диний ва фалсафий дунёқарашлари, эзгу-ниятлари, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи мадҳиялар бизгача етиб келган.

Асосий ведалар 4 та: *Ригведа*, *Атхарваведа*, *Самаведа*, *Яджурведалар*. Улар асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган,

1. *Ригведа* – (риг-мадҳ) энг қадимий веда бўлиб, 1028 та мадҳияни ўз ичига олади. Улар Тангри ва табиат мадҳига бағишланган.

2. *Самаведа* – (сама-кўшиқ) 1549 мадҳиядан иборат бўлиб, оҳанглар мажмуасидир.

3. *Яжурведа* (қурбонлик) ўз ичига 1050 мадҳияни олган, асосан қурбонлик маросимлари билан боғлиқ.

4. *Атхарваведа*. Бунда қадимий мадҳлар йиғилган бўлиб, узоқ умр, соғлиқ, ёвуз кучларга қарши курашга бағишланган мадҳиялар тўпланган.

Эрамиздан аввалги I-мингйилликларда Ҳинд халқининг дурдо-

наларидан бўлмиш “Рамайна” ва “Махабхорат” дostonлари яратилади. Бу асарларда қахрамонлар ва уларнинг қахрамонликлари акс эттирилади. Бу дostonлар тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Қадимий хинд рисолаларида мусиканинг пайдо бўлиши тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Жумладан: “*Натьяшастра*” – қадимги хинд қўлёмаларидан бири бўлиб, мусиқага доир беназир дурдонадир. Бу Бхаратанинг санскрит тилида ёзилган рисоласидир, бунда вокал ва чолғу мусикасига оид шакллар, мусиқа чолғулари ва театр оркестрининг таркиби ҳақида сўз юритилади.

“*Сангитаратнакара*” – Ҳиндистонда ўрта асрларда яратилган улкан мусикий-назарий рисола, муаллифи Шарангадева. Бу аллома ўзининг 7 жилдлик асарида ладо-ритмик қурилмалар, раганинг ритмик формулалари, тала ва миллий мусиқа чолғулари ҳақида фикр юритади.

“*Сангитдарпан*” – хинд мусиқачиси П. Дамодар томонидан яратилган рисола бўлиб, мусиқа назариясига бағишланган йирик асардир. Унда муаллиф мусикани Брахма (яратувчи) яратган деган фикрни олдинга суради.

Ҳинд халқларида оила-маросим куйлари, диний маросим қўшиқлари, мавсумий, байрам жанрлари турли номлар билан тарқалган: *повада*, *лавани бурракатха*, *набуджи*, *пандавани*, *колаттам*, *чахри*, *сува*, гарбалар шулар жумласидан. Лирик қўшиқлар – *бхатпали*, *дхола*, *панихари*; меҳнат қўшиқлари – *шари*, *каджари*, *махитья* ва *ҳоказо*.

Ҳиндистонда мусикий жанрларидан: сўфиёна калам (Кашмир мақомлари), қавалли, ғазал, дхрупад, бхажан, хайял бхаджангга, абхангга, киртана, тхумри, дадра, тарона, танкалар машхурдир.

Ҳинд мусиқа санъатида мумтоз йўналишга хос бўлган жанрлар қаторида “хайял” алоҳида ўрин тутди. Хайялнинг рага услубида яратилиб, халқ орасида оммалашган “дхрупад” таъсирида ривожланганлиги олимлар томонидан эътироф этилади. Унинг шаклланиш даври ҳам Амир Хусрав Деҳлавий замонида хослиги хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуддир. Хайял сўзи амалиётда турлича маъноларда қўлланилиб, арабчада “кайфият”, “тасаввур” маъноларини билдиради. У ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриб, ҳеч қандай қонуниятларга бўйсунмайди. Бундай хусусиятлар инobatга олинса, унга кўпроқ тасаввур маъноси Ражастан(Ҳиндистон марказида жойлашган штат)даги “*khelal*” шева шакли бўлиб, халқ ўйинини ижро этиш маъносини билдиради.

Дхрупад – хинд мумтоз мусикий жанрларидан бири, рагалар йўли асосида юзага келган жанр. Шакл жиҳатдан унчалик мураккаб бўлмасида, ривожланиш мезонларида мумтозлик хусусиятлари мавжуд.

Айтиш жоизки, рагалар хинд мусикасининг гултождир. “Рага”

атамасининг луғавий истилоҳий маънолари, бу – “бўёқ”, “ранг”, “тус”. Раганинг пайдо бўлиш даврини олимлар ўрта асрлар боши билан боғлашади. Шу сабаб мусикий ифодавийликда асосий воситаларни куй ва усул (тала) ташкил этади. Рагалар асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб келаркан, ўзида бутун ўтган даврлар асоратини сақлай билди ва Ҳиндистон, Покистон, ва Афғонистон давлатлари турмуш тарзида бизгача етиб келди. Ҳинд мусиқа тизими юксак даражада шаклланган тизимлардандир. XIII асрдан бошлаб Ҳинд мусиқасида икки асосий услуб қарор топади: шимолий “Ҳиндустан” ва жанубий “Карнатак”. Бу икки услуб анъаналари рага ва тала (рагаларнинг ритмик қурилма асослари) қонун-қоидаларига бўйсунган. Рага – бир неча раса (9 та ҳиссий ҳолат)лардан таркиб топган мусикий формула – шакл, муайян мусикий ҳаракат турларидан иборат товуш композициясидир. Ҳар бир раганинг аниқ бир усули мавжуд, бу усул табла ёки мриданга урма чолғу асбобларида ижро этилади. Ҳинд рагаларининг энг муҳим хусусиятларидан бири барча Шарқ халқлари мусиқасига хос бўлган, ярим тондан ҳам кам бўлган энг кичик интервалларнинг мавжудлигидир. Рагалар ижросида кўпинча бадиҳа услуби қўлланилади.



Ҳиндистон-Ражастан. Мангахари созандалари.

Мусиқашунос Матанга: “Бирорта ҳам классик мусиқа куйи тўрт ёки ундан кам пардадан иборат бўлиши мумкин эмас. Бундай куйлар яъни, Савара, Камбоджа, Ванга, Кирата, Вахина, Андра, Дравида қабилалар мусиқасига мансубдир”, – дейди.

Парда(тон)лар микдорига қараб рагалар 3 турга бўлинади: 1) Аодав –

беш тонлик рага, пентатоникавий ва пентатоникага хос бўлмаган бўлиши мумкин. 2) Шаодав – 6 тонлик; 3) Санпури – 7 тонлик.

Бундан ташқари Шимолий Ҳиндистонда 9 тонга асосланган товушқаторли рагалар ҳам кенг тарқалган. Энг машхур рагалар: Бахар, Бхейрав, Бхейрави, Синдхи Бхейрави, Бхимпалашри, Дарбари Канада, Дарбари, Деш, Хамсадвани, Жейжеванти Кхамаж, Мегх Малхар, Пилу, Шьям Кальяни, Симхендра, Мадхям, Тоди, Яман ва бошқалар⁵⁸.

Ҳиндистон мусиқа маданиятига бадихагўйлик хос. Вокал ва чолғу асарлари ҳам ладо-ритмик тузилиши жиҳатидан рагаларга асосланган.

Анъаналарга кўра, хинд мусикасининг *рага* (эркак) ва *рагинилар* (аёл) турлари мавжуд.



*Ҳиндистонлик машхур рага
ижрочиси (сетор) Рави Шанкар*

Ҳар бир мумтоз рага хинд бадийий миниатюраси билан боғлиқ. Назарий рагалар сони чексиз, лекин амалдаги ижроси эса чегараланган. Ҳар бир рага ўз товушқаторига эга. Ҳинд мусикасида 7 та асосий тон ишлатилади.

Улар Европа мусикасидаги 7 боскичли гамма товушларига мос келиб, қуйидагича номланади:

до	са	(схагра)
ре	ри	(расхава)
ми	га	(гандхара)
фа	ма	(мадхьяма)
соль	па	(пангама)
ля	дха	(дхавата)
си	ни	(нисвада)

Асосий тонлар яна 1/4 тонликларга, шунингдек, октава ҳам 22 та тенг бўлмаган интервалларга бўлинади. У *шрути* деб номланиб, “тинглаш”, “эшитиш” маъноларини англатади.

⁵⁸ Шанкар Р. Музыка народов Азии и Африки. Вып. 4, М., 1984, с. 319–320.

Чолғу мусикаси, куйлаш ва рақс санъати *Сангит* деб аталади. Лирик кўшиқлар *Тхумри*, лирик вокал композиция *Танпа* (Панжоб халқ мусикасида), *Бхаджан* ва *Кирман* (бангол халқ мусикасида) деб ном олган.

Ҳинд мусикий чолғулари сони жуда кўпчиликни ташкил қилади. Ҳиндистондаги “Сангит Натак” Академиясида сўнгги 50 йил ичида 400 дан ортиқ ҳинд чолғулари йиғилган.

Ҳинд мумтоз мусиқа ижрочилигида Рави Шанкар (сетор), Бисмиллоҳ Хон (шоҳнай), Амжат Али (сарод), Ҳарипрасад Чаурасия (най), Пандит Рам Нараян (саранги); Пандит Вьяс ва Маликаржун Мансур (хонанда – рага), Илмас Хусейн Хон (табла), Фулом Аҳмад (сарод ва рабаб) каби ижрочилар шухрат қозонишган.

ҲИНД ЧОЛҒУЛАРИ

Дамли чолғулар:

Ангожа. Кўриниши кўшнаини эслатади. 5 та тешикчалари бор. Фольклор ва халқ кўшиқларида жўрнавозлик қилади.




Бхунгал — бронза металдан ясалган сурнайсимон чолғу, диний маросимларда кенг ишлатилади.




Махури — учи тепага қаратилган сурнайсимон чолғу, 7 та асосий ва 5 та ёндош тешикчалари мавжуд. Товушқатор ва барча нота товушлари бор. Жўрнавозлик ва безаклар учун темир кўнғирокчалар ҳам мавжуд.



Меш – эчки терисидан ясалади. Ҳаво тўлдирилган, 5 та тешикчаси бор. Товуш ҳосил қилиш учун қиска бамбук ўрнатилган, пуфланадиган тешикчаси эса ёғочдан ясалади. Фольклор рақсларга жўр бўлиш учун ижро этилади.



Вену – найга ўта яқин, бамбукдан ясаладиган чолғу. Кенг диапазонли. Жанубий Ҳиндистон чолғулари сирасига киради. Ушбу чолғулар қаторида: *карна*, *кханглинг*, *сутали*, *тханчен*, *тирхиолар* амалиётда кенг қўлланилади.



Урма зарбли чолғулар

Н.Ф.Низомиддиновнинг айтишича, урма зарбли чолғулар такомиллашуви жараёнида шаклан 3 тоифага бўлинади: конуссимон, косали ва гардишли⁵⁹.


Бом. Кўриниши катта барабанни эслатади. Ёғочдан ясалган катта қозон, унга тери қопланган, уриб чалиш учун 2 та таёқчалари бор. Бу таёқчаларнинг учига махсус юмшоқ матодан қопланган мослама қўйилади. Оммани жалб қилиш учун тантанали маросимларда, рақс ва турли фестивалларда бу чолғудан кенг фойдаланилади.




Табла – иккита ноғорасимон, хажман турлича, махсус

⁵⁹ Низомиддинов Н. Ҳинд мумтоз мусиқаси ва миллий чолғулари Т.; 2008, 63 б.

магодан ишланган мослама устига кўйилади. Улардан каттаси ёғочдан ва кичик, узунроғи эса мисдан ясалган бўлади. Лекин уларнинг вазнлари бир хил. Ансамблларда яккахон ва етакчи соз вазифасини бажаради. Шимолий Ҳиндистонда кенг тарқалган.




Талам – кўринишидан кичик ликопча устида турганга ўхшайди ва учиди илгаклари бор бўлиб, мана шу илгаклар билан ушлаб дисклар бир-бирига урилган ҳолда товуш ҳосил қилинади. Ритмик жўрнавот тарзида ижро этилади. Жанубий Ҳиндистонга хос чолғу.




Тасе – бронза металдан ишланган асбоб бўлиб, юзасига тери қопланган. Қозончаси эса бошқа созлар каби ичи ғовак эмас, нозик таёқчалар билан уриб чалинади. Фольклор мусиқа созларидан.




Мридангам – табланинг оиладоши. Ёғочдан ишланган, икки томондан бармоқлар билан чалинади. Фольклор мусиқада кўп қўлланилади. Жанубий Ҳиндистонда кенг тарқалган.



Нагара – бронза металидан ишланган кўш барабан. 2 та бамбукдан тайёрланган таёқчалари ҳам бор. Оммавий ракс ва фестивалларда фойдаланилади.



Кхол – лойни пишириб ишланган ва юзасига тери қопланган, вазни оғир бўлгани сабаб, ерга қўйиб чалинади. Ғарбий Бенгал худудларида оммалашган чолғудир. Бундан ташқари *бортал*, *ченда*, *дамару*, *дандиа*, *дхол*, *эдака*, *гагана*, *гхатам*, *канжари*, *кхартал*, *морчанг*, *сенму*, *тхавил* каби мусиқий чолғулар учрайди.




Торли камонли чолғулар

Бин – гижжаксимон чолғу. Ундан фарқи, косаси кичик ва дастаси

узунроқдир, 2 та тори бор. Кокос дарахтидан ишланиб, балиқ терисидан парда қопланади, камони бамбукдан ва отнинг ёли, ёки думидан ясалади.

Каманча – кўриниши ғижжакни эслатади. Косаси қовунсимон, дастаси жуда қисқа, паст регистр товушларига эга. 8 та бас ва 3 та асосий ичакдан ишланган симлари мавжуд. Шимолий Ҳиндистонда халқ кўшиклари ва дostonларини ижро этишда фойдаланилади.

Пена – какос мевасидан қуришиб ясалади. Камон ҳажми нисбатан катта ва сўроқ шаклида эгилган. Чолғунинг ўзи эса кичик ғижжакни эслатади, диапазони жуда кичкина.



Раванхатха – қуритилган кокос ва бамбукдан ясалган, камони от ёли ва думидан ясалади. Торлари пўлатдан, улардан биттаси асосий ҳисобланади ва яна бир нечта кўшимча симлари мавжуд.

Саринда – камонли чолғу. 3 та тори бор, коса ва дастаси яхлит ишланган. Афғон рубобидан фарқи косаси жуда кичик ишланган, оддий камонда ижро этилади;

Сози-Кашмир – кўриниши катта ғижжакка ўхшаш, асосий торлари 3 та ичакдан ясалган бўлади. Фил суяги билан безатилган. 14 та кўшимча симлар учун қулоқчалари ҳам бор. Фақат эркаклар томонидан ижро этилади;


Синдхи-Саранги – косаси ёғоч билан қопланган ва ярим циркуляр кичик бўлмаган тешик мавжуд. Косанинг кўриниши торга ўхшаш, 4 та асосий симлари ичакдан бўлиб асосан шу симларда ижро этилади. 22 та кўшимча симлари бўлиб, улар пўлат симлардир. Ражастонда кенг тарқалган.

Торли мизробли чолғулар

Вина – сетор билан оиладош. Фарқи, ёғочдан ишланган косаси анча катта ва у бизнинг дутор бас шаклига яқин. Дастаси калтарок, асосий 4 та торлари металлдан, 3 та кўшимча симлари ичакдан. Хроматик товушқаторга эга ва дастада бу ноталар 24 та пардалар билан


белгиланган. Шимолий Ҳиндистоннинг классик мумтоз муסיқаларини ижро этишда фойдаланилади⁶⁰.

Вичитра-Вина – ковокдан ясалган мослама устига қўйиб чалинадиган чолғу. Уларнинг диаметри ва оғирлиги бир хил. 8 та бас, 11 та қўшимча торлари ҳам бор. Сетор ва Винадан кўра анча кичик, пардалари белгиланмаган, медиатр билан тиртаб чалинади. Шимолий Ҳиндистонда тарқалган.



Сарод – афғон рубобига яқин, симлари жуфтланган. 15 та қўшимча кулоқчалари ҳам бор, косаси кокос мевасидан катта қилиб ясалади. Дастаси йўғон. Шимолий Ҳиндистон штатларида кенг тарқалган.

Рабоб – афғон рубобини эслатади. 6 та асосий симлари пўлатдан ва 14 та қўшимча торлари ичакдан ясалади. Косаси ёғочда ўйилади ва тери билан қопланган. Жамбул ва Кашмирда миллий оммабоп байрамларда кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, **буракатха**, **тамбура**, **дотара**, **гузсаратан саранги**, **рамсагар** ва бошқа чолғулар ҳам учрайди.



Чертма торли чолғулар

Чертма торли чолғулар орасида энг кенг тарқалгани ва машхури сетордир.

Сетор – Жанубий Ҳиндистон классик муסיқасидаги энг машхур ва кенг тарқалган қадимги чолғулардан. 2 та хумсимон косалари бор. Улардан бири кулоқлар олдида жойлашади. 5 та асосий торлари (2 таси пўлатдан ва 3 таси мисдан), дастада 19 та товуш ўрни белгиланган пардалар ва фил суяги билан безатилган нақшлар мавжуд. Мумтоз профессионал муסיқа ижрочилигида якканавоз чолғудир.

⁶⁰ Аллендер И. Музыкальные инструменты Индии. М.; 1979.

Бундан ташқари *банам*, *гуни*, *жантар*, *ка дуитара*, *тампура* ва бошқалар кенг тарқалган.

Ҳинд мусиқа маданиятида кўп тарли тирнама чолғу мавжуд. У ҳам бўлса *сантурдир*. Ушбу чолғу кўриниш ва ижро услубидан чангни эслатади. Ёғочдан, бир-бирига ёпиштириб ясалади, 120 та пўлат симлари бор, улар 15 тадан икки катор харракчалар устига тортилади. 2 та бамбук таёқчалари билан уриб ва тирнаб чалинади. Уларнинг учи қайрилган бўлади. Фарқи, ерга қўйиб чалинади. Мумтоз мусиқа ижрочилигида кенг оммалашган⁶¹.



Такрорлаш учун мавзулар:

Ҳиндистон мусиқа маданиятининг қадимий рисоаларда акс эттирилиши.

Ҳинд Ведалари.


Ҳинд Рагалари.

Ҳинд мусиқа чолғулари.

Ҳинд фалсафаси ва дини.

⁶¹ Женеьев Дурнон. Анъанавий мусиқа ва мусиқа чолғуларини тўплаш бўйича қўлланма Юнеско. Т.; 2003. 85–87 б.

ПОКИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ



Покистон Ислом Республикаси. Пойтахти – *Исломобод*. Давлат тили – урду ва инглиз. Дини – ислом. Покистон тўртта воҳа (провинция)га эгадир: Панжоб, Синд, Субайе Сарҳад (Шимолий-Ғарбий чегара вилояти) ва Белужистон. Мамлакатнинг аҳолиси 150 млн.дан ошади. Асосан, панжобилар, синдлар, пуштунлар, белужилар, брагуилар, кашмирилар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қиладилар.

Покистон мусиқа маданияти жуда ҳам қадимийдир. Мамлакатнинг мусиқаси бетакрор бўлиб, бу ўзига хослик жиҳатлар унинг тарихий ривожланиши, географик тузилиши ва албатта, аҳолисининг этник таркибига қараб ажратилади. XII асрига келиб, Покистон халқ мусиқий анъаналари негизида тубдан ўзгаришлар юз беради. Айниқса, исломнинг мусиқага таъсири улкан бўлди. Барча давлатни бошқарган ҳуқумдорлар ҳам исломнинг раҳнамолиги ва унинг анъаналарига хайрихоҳ бўлганлиги сабабли маданий ҳаёт ўзига хос тарзда ривожланди.

Маълумки, 1947 йилнинг август ойида Ҳиндистон иккига бўлинди. Яъни, Ҳиндистон таркибидан Покистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди.

Покистонда этник таркиб мураккаб бўлишига қарамай мусиқа миллий услублар негизда ривожланди. Унинг асосида фольклор ва кенг ривожланишга муяссар бўлган касбий мумтоз мусикаси туради. Фольклор мусикаси барча халқлар каби миллатларнинг миллий анъаналари ва ҳаёти билан боғлиқ жиҳатда шаклланади ва ривож топади. Покистон касбий мусикаси ўзига хосдир. Касбий мусиканинг асосчиларидан бири сифатида Покистонда синд халқининг машҳур шоири Шоҳ Абдул Латиф Бхатаи эътироф этилади. Абдул Латиф Бхатаи XVII–XVIII асрда яшаб ижод



*Сатара (ёки нава) –
найсимон чолгу*

этган ва синд мусиқа мактабига асос солган. У бастакор сифатида ўз халқининг миллий анъаналари асосида бир қатор кўшиқлар яратади. Бу кўшиқлар ҳозирги давргача ўз салоҳиятини сақлаб келмоқда.

Покистон мумтоз мусиқа меросида кенг тарқалган бир қатор жанрлар аҳамиятли ҳисобланади. Булар – рага, қаввали, ғазал, хайал, дхрупад ва бошқалардир.

Ғазал – Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрон мусиқа маданиятларида кенг оммалашган мусиқий жанр.

Ғазал XIV–XV асрларда яшаган Шарқ мусиқашунос олими Абдулқодир Мароғийнинг ёзишича “навбат” деб аталувчи мураккаб композициянинг иккинчи қисмидир. Бу атама А.Навой, Н.Кавкабий, Н.Чиштилар асарларида мусиқий жанр сифатида белгиланган. Жумладан, Алишер Навойнинг “Ҳолати Пахлавон Муҳаммад” асарида қуйидаги маълумотларни учратамиз⁶²: “Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни савти хуб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саконоти марғқуб. Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузиб, даҳли том ва маҳорати малакалом топиб эрди ва дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар, ғазаллар тасниф килур эрди. Андоқки, эшитган ҳавас ва авом хушхол бўлмоқда беихтиёр ва ўрганмоқда бекарор эрдилар”. Бу ерда шоир “ғазал”ни “қавл” номли мусиқий жанр билан ёнма-ён тилга олиб, мухлислар томонидан севиб тингланганини баён этади.

XVII-асрга мансуб олим Муҳаммад Нурасад Чиштий ўзининг “Нағмаи Ушшоқ” (“Ушшоқ наволари”) рисоласида форс-тожик ва Ҳиндистон мусиқа анъаналарининг алоқадорликлари ҳақида ёзиб,

⁶² Навой А. Холати Пахлавон Муҳаммад. Т.; 1966, 90 б.

қатор жанрларни санаб ўтади. Унинг ёзишича рехта, қавл, қаввали, тхумри, хайял, ғазал, нақш, амал, пешрав ва бошқа мусиқа турлари Мовароуннахр, Хуросон ва Ҳиндистон ҳудудларида вужудга келган

"*Ғазал*" – шеърӣй шакл бўлиб, Шарқ халқлари адабиётининг муайян жанри ҳисобланади. Ачарийа Брихаспати ўзининг "Мусулмонлар ва Ҳиндистон ярим ороли мусулмонлар мусикаси" (З.Насуллаев таржимасидаги) асарида⁶³, Адиб Сухейлнинг бир қатор илмий тадқиқотлари ва Муҳиддин Носировнинг "Ғазал жанри" каби илмий мақолаларида ғазал жанрининг ибтидоий шаклланиши, таракқиёти ҳамда ривожланиш мезонлари ёритилган. Унга кўра ғазал мусиқий жанрининг шаклланиши XIV асрга тўғри келади. Ғазалнинг асосчиларидан бири буюк шоир ва бастакор Амир Хусрав Деҳлавий деб рисоаларда таъкидланилади. Амир Хусрав Деҳлавийни ғазал жанри билан бирга мусиқа санъатига ўзининг хизматлари, яъни сетор ва табла чолғуларини яратганлиги билан алоҳида эътироф этилади.

"Ғазал" сўзи урду тилида "лирик шеърӣй шакл" деган маънони англатади. Амалиётда унинг 3 хил тури оммалашган:

1. Мумтоз ғазал;
2. Енгил ғазал;
3. Фильм ғазал, яъни фильм учун яратилган ғазаллар.

Одатда, ғазал аёл ёки эркак хонандалар томонидан ижро этилади. Унга *сетор*, *саранги*, *свармандал*, *табла*, *бансури* каби чолғулар ансамбли жўр бўлади. Кўп ҳолларда хонанда фисгармония чолғусида ўзига ўзи жўр бўлади. Ғазаллар урду, ҳинд ва форс тилларида ижро этилади. Ғазал фалсафий-лирик мазмунга эгалиги билан аҳамиятлидир. Мусиқий намуна кенг диапазонга эга бўлиб, мураккаб куй тузилмаси, оҳанг ривожининг ўзгарувчанлиги, усул жиҳатлама анча мураккаблиги ва бадихавий элементларининг мавжудлиги билан характерланади. Яккахон хонанда томонидан ижро этилишининг асосий жиҳати шундадир.

Ғазалнинг жанр хусусияти доирасида таркибий қисмлари мавжуддир. Уларнинг ҳар бир таркибий бўлаклари алоҳида ўринга эга бўлиб, турлича номланади. Ғазалнинг бошланиш даромад қисми "*алан*" деб юритилади.

Алап асарнинг муқаддима қисми бўлиб эркин ҳолда талқин этилади, асосий товушқатор куйлангач, асарнинг асосий қисми, яъни матнига ўтилади. Бунда хонанда ҳинд рагалари каби вокал ижро услубидан фойдаланади ва бадихавий руҳда куйлаб ўз хонандалик маҳоратини

⁶³ Ачарийа Брихаспати. Мусулмонлар ва Ҳиндистон ярим ороли мусикаси. (Мутаржим З. Насуллаев) Т.; 2008, 59 б.

кўрсатади. Сўнгра, урма чолғу табла ёрдамида асарнинг асосий қисмини ижро этади.

Ғазал жанрининг шеърый матнларини XIII–XX асрларда яшаб ижод этган мумтоз шоирларнинг ғазаллари ҳамда ҳозирги кунда шу жанрда қалам тебратаётган Ҳиндистон ва Покистон ёш шоирларининг ижодий намуналари ташкил қилади. Булар ичида Амир Хусрав Дехлавий, Кабир, Сурдас Мирза Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Аҳмад Файз, Аҳмад Фараз каби машҳур шоирларнинг ғазаллари етакчи ўрин эгаллайди. Бу жанр бир неча ўн йилликлардан буён Ҳиндистон – Покистон кинофильмларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Қаввали – Покистоннинг мумтоз жанрларидан бири. Шу билан бирга қаввали Шимолий Ҳиндистон, жанубий-ғарбий Афғонистонда ҳам мавжуд. Қаввали махсус ансамбл томонидан ижро этиладиган жамоавий жанрдир. Унда асосан 2 асосий, 5–6 та жўрнавот хонандалар, ситор, саранги, танпура, фисгармония ва табла каби мусиқий чолғулар қатнашади. Шакл жиҳатидан қаввали туркум шаклидаги айтим-чолғу жанри ҳисобланади. Қаввали услуб жиҳатдан мукаммаллиги ва кўп қисмлилиги, усул асослари ва лад оҳангларининг ривожланганлиги ҳамда ижрочилик маҳоратининг юқори даражадалиги билан профессионал анъанага мойилдир.



Нусрат Фотиҳ Али Хон ижросида “Қаввали” жанри

“Қаввали” ибораси – деб ёзади М.Носиров ўз мақоласида – сўзлаш (нутқ), гапирмоқ маъноларини англатади. Мусиқада эса кенг маънодаги айтим жанри тушунчасини билдиради. Қавл сўзига асосланган қаввал атамаси декломатор (нотик), бахши ва халқ куйчиси маъноларини акс эттиради”. Қаввали сўзининг яна бир маъноси “усуллар жамламаси” демакдир⁶⁴.

Ўтмишда яратилган кўп (Адиб Сухейл, Иноят Иллаҳи Мулк

⁶⁴ Носиров М. Покистон мусиқа маданияти.

томонидан яратилган) рисоаларда *қаввали* жанрининг асосчиси Амир Хусрав Дехлавий деб таъкидланади. Албатта, қаввали Хусрав Дехлавий ижодида такомиллашгани ва бир қатор мусиқий намуналари яратилганлиги хусусида ҳам маълумотлар баён этилган.

Қаввали жамоалар томонидан ижро этиладиган туркумий жанр. У асосан рагалар йўлида яратилган бўлиб, усулларнинг ранг-баранглиги ва куйларнинг мукамал ҳамда жозибалилиги, халқоналиги билан ажралиб туради. Қаввалида кўпроқ учрайдиган усуллар ва уларнинг номлари қуйидагича: кехарва тал (8/8), дадра тал (6/8), пушту тал (7/8) ва ҳоказо

Амир Хусрав Дехлавий ҳам ўз ижодида 20 га яқин усулларни кашф этган деган фикрлар ҳам рисоаларда зикр этилган. Ҳар бир қаввали намунасининг алоҳида усуллар ва айниқса оҳангларда ижро этилиши жуда муҳимдир.

Қаввали икки хонанда томонидан ижро этилади. Ҳар бир ижрочининг куйи алоҳида бўлиб, уларнинг бир-бирини тўлдирнинг, мусобақа қилиш хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ансамбль таркибидаги 5–6 хонандалар эса уларга бир овозда (накорат айтиш, қайтаришларни фаол тарзда қарсақлар билан қайтариб туриш орқали) жўр бўладилар. Қайсидир маънода буни қаввалининг асосий хусусиятларидан бири дейиш мумкин. Лекин, жанр хусусиятида хонандаларнинг алоҳида вазифалари белгиланган. Унга кўра, биринчи рақамли асосий хонанда асарнинг пардалари, кайфияти ҳамда такрорланувчи бадихавий мусиқий мавзуларини талқин этади. Иккинчи хонанда эса асосан ҳамнафас хонанда вазифасини адо этиб, асосий хонандага кўмак бериб, бадихавий қисмларида фаол иштирок этади. Ҳар икки хонанданинг кучли овоз, ижровий маҳорат ва етарли билимларга эга бўлиши талаб этилади⁶⁵.

Қаввалининг сўз матнлари асосан шарқ шоирларининг ғазаллари, касида ва рубоийларига ташкил этид келган. Жумладан А.Х.Дехлавий, Тулси Даса, Аурангабари, Мирза Ғолиб, Муҳаммад Иқбол ва ҳоказо. Қаввалида Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад(с.а.в.)га муҳаббат, ҳамду санолар, ватанпарварлик ва диний мавзулар кенг ўрин эгаллаган.

Бобурийлар империяси ҳукмронлиги даврида қаввали жанри машҳур жанрлар қаторидан ўрин олди. Бобур ва Бобурийлар сулоласи вакиллари (Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон) ҳам ушбу жанрнинг ихлосмандлари бўлганлар. Шу даврнинг кўзга кўринган қаввали

⁶⁵ Насуллаев З. Традиция и современность в музыкальной культуре Пакистана. Мақоалар тўплами, Йилнома, Т.: 2009.

ижрочилари Рўза ва Кабирларнинг номлари рисолаларда қайд этилган. Улар қаввали жанрининг ривожига улкан хисса қўшганлар. Ҳозирги кунда машҳур қаввали ижрочиларидан ака-ука Мажид ва Рашид Фаридийлар, Ҳофиз Отамуҳаммад, Ҳожи Маҳмуд, Фулом Фаридлар номларини санаб ўтиш жоиздир.

Қаввалининг бетакрор ижрочиларидан бири Нусрат Фотих Алихон (1949–1997) бўлиб, олти асрлик қаввали ижрочилиги анъаналарини давом эттирган. Бу жанрнинг Ғарб мамлакатларида машҳур бўлишига айнан шу ижрочи сабабчи бўлгандир. Қаввали ижрочилигида сўз матнларининг тўғри талаффуз этилиши, сўз ва оҳангнинг ҳамоҳанглиги устувор аҳамият касб этади. Бадиҳагўйлик асосида овознинг бор имкониятлари намоён этилади. Қаввали жанрининг муҳим хусусиятларидан бири усулнинг мунтазам қарсақ ёрдамида кўрсатилишидир.

Қаввали ижрочилик санъати авлоддан авлодга ўтиб келади. Қаввали ижрочиси араб, урду, хинду, форс тилларида ўртача 500 яқин шеърлий матнларни билиши зарурдир ва бу ижрочидан етук маҳорат иқтидор ва қобилиятлар эгаси бўлишни талаб қилади. Таниқли шайхлар қасидалардан ҳам лавҳалар ижро этилади. Қаввали асарларининг ижроси бугунги кунда сўфийлар доираси билан чегараланиб қолмасдан, кино мусикаси ва концерт дастурларидан мунтазам ўрин олган. XX аср қаввали мусикаси ҳам ўзининг ўтмишдаги хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда оммавийлашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Покистон мусика маданиятида замонавий мусика намуналари ривож топаётганлигини кўриш мумкин. Урду, панжоб ва синдхи тилларида театр, кинофильмлар учун яратилаётган мусикалар сўзимизнинг исботидир. Бундан ташқари Покистон анъанавий, халқ ва фольклор мусика меросини сақлаш ва ривожлантириш йўлида Покистон маданият ва санъат институтлари, “Лорк Вирса” (Исломободда жойлашган) халқ мероси илмий-тадқиқот интитути, Ҳайдаробод шаҳри Синд Университетининг “Синдшунослик” факультетлари қизгин фаолият олиб бормоқдалар.

Такрорлаш учун мавзулар:

1. Покистон мусика маданиятининг ривожланиши.
2. Покистон мумтоз мусикасининг жанрлари (ғазал).
3. Қаввали жанри.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч Т.; 2008
2. Алендер И. Музыкальные инструменты Индии. М.; 1979.
3. Ал-Саид Махамед Авад Хавас. Современная арабская народная песня. М.;1970.
4. Аммар Фарух Хасан. Ладовые принципы арабской народной музыки. М.; 1984.
5. Аманмурадова С. Умм Кульсум – великая певица Арабского Востока. Т.; 2002.
6. Асим аль-Халифа. Музыкальная культура Судана в системе музыкальных традиций Ближнего и Среднего Востока. Традиции музыкальных культур народов Ближнего Среднего Востока и современность. М.; 1987.
7. Барбад: эпоха и традиции культуры. Душанбе. Ирфон 1989.
8. Баркешли Махдий. Эрон мусикаси хакида маърузалар ЎзДК кутубхонаси кўлёзма.
9. Башир Хадж Али. Алжирская музыка сегодня. Музыка народов Азии и Африки. Вып. 2 М.; 1973.
10. Беляев В. Персидские тэснифы. М.; 1964.
11. Беляев В. Турецкая музыка. О музыкальном фольклоре и древней письменности. М.; 1967.
12. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. 1989.
13. Вавилов В.,Симантовский И. Сирийская музыка. М.; 1975.
14. Виноградов В. Индийская рага. М.; 1976.
15. Виноградов В.С. Классические традиции иранской музыки. М.; 1982.
16. Геттад М. Магриб мумтоз мусикаси. Париж; 1980 (француз тилида).
17. Грубер Р.И. Музыкальная культура арабов. Всеобщая история музыки. М.; 1965.
18. Дармететер Ж. Афгон халк кўшиклари. Париж, 1880.
19. Еолян И. Очерки арабской музыки. М.; 1977.
20. Еолян И. Традиционная музыка арабского Востока. М.;1990.
21. Женеьев Дурнон. Анъанавий мусика ва мусика чолгуларини тўплаш бўйича кўлланма Юнеско. Т.; 2003.
22. Жумаева Н.Т. Наука о музыке в трудах среднеазиатских ученых XI–XV вв. Проблемы музыкальной науки Узбекистана. Т.; 1973.
23. Зонис Э. Персидская классическая музыка. Париж, 1973.
24. История древнего Востока. М.; 2001.

25. История искусства. М.; 1998.
26. История музыки Средней Азии и Казахстана. М.;1995.
27. Карл Л.Сигнелл. Макам. Турк касбий мусикаси оҳанг-андозалари (модель). Вишингтон-Сиэтл. 1977 (инглиз тилида).
28. Конрад Н. Запад и Восток. М., 1972.
29. Кузнецов К.А. Арабская музыка. Очерки по истории и теории музыки. Л.; 1940.
30. Культура и искусство народов Средней Азии. М.; 1979.
31. Леви-Провансаль Э. Арабская культура в Испании. М.; 1967.
32. Луконин В.Г. Искусство древнего Ирана. М.; 1977.
33. Маматкулова Н. Турк мумтоз мусикасига бир назар. Т.;1998.
34. О. Матёкубов. Оғзаки анъанадаги профессионал мусика асосларига кириш. Т., 1983.
35. Менон Н. Звуки индийской музыки. Путь к раге. М.; 1982.
36. Менон Н. Индийская музыка сегодня. Музыка народов Азии и Африки. Вып.1. 1969.
37. Минковская Э.Е. Египетская религия в Куше. Религии древнего Египета. М.; 1976.
38. Мирхайдарова З.М. Жаҳон халқлари мусика санъатининг ривожланиш жараёни. Т.; 2009.
39. Михайлов Ж., Васильченко Е. Традиционная музыка Афганистана. Пластинкасига ёзган аннотацияси.
40. Михайлов Ж. Устоз Мухаммад Хусайин Сароҳанг. Пластинкасига ёзган аннотацияси.
41. Моисеева М. Индия далёкая и близкая. Музыка и время. М.; 2007.
42. Морозова Т. Рабиндранат Тагор и традиции индийской музыкальной культуры Рага в творчестве Тагора. Традиции музыкальных культур-народов Ближнего, Среднего Востока и современность. М.; 1987.
43. Музыкальная энциклопедия. Алжирская музыка I т, М.; 1973.
44. Музыкальная энциклопедия. Арабская музыка I т, М.; 1973.
45. Музыкальная энциклопедия. Египетская музыка II т, М.; 1974.
46. Музыкальная энциклопедия. Индийская музыка II т, М.; 1974.
47. Музыкальная энциклопедия. Иранская музыка II т, М.; 1974.
48. Музыкальная энциклопедия. I т, М.; 1980.
49. Музыкальная энциклопедия. Марокканская музыка III т, М.; 1976.
50. Музыкальная энциклопедия. Сирийская музыка V т, М.; 1981.
51. Музыкальная энциклопедия. Тунисская музыка V т, М.; 1981.

52. Музыкальная энциклопедия. Турецкая музыка. V т, М.; 1981.
53. Музыкальный энциклопедический словарь. М.; 1991.
54. Навоий А. Холоти Пахлавон Муҳаммад. Т.; 19661.
55. Насуллаев З. Сведения о музыке в произведениях А.Х. Дехлави. Т.; 2008.
56. Насуллаев З. Традиция и современность в музыкальной культуре Пакистана. Мақолалар тўплами, Йилнома, Т.; 2009.
57. Низамов А. Нубы стран Магриба и их связи с Шашмакомом. ЎзДК. Т.; 1976. Диплом иши.
58. Носиров М. Покистон мусика маданияти. (кўлёма), ЎзДК Т; 2001.
59. Низомиддинов Н. Ҳинд мумтоз мусикаси ва миллий чолғулари. Т.; 2008.
60. О музыкальных инструментах Судана. Вопросы теории музыки и исполнительства на современном этапе. Т.; 1983.
61. Орипов З. Шарк мусиқий манбашунослиги (X–XI асрлар). Т.; 2008.
62. Орипов З. Ибн Зайланинг “Китабу-л-кафий-л-фил-мусика рисо-ласидаги мусикашунослик атамалари”. Т.; 2008.
63. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусство Средней Азии. М.; 1982.
64. Раджабов А. Уникальный источник музыкальной культуры народов Востока. Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность. Т.; 1981.
65. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т.; 1963.
66. Салахиддин Хасанин. Песенная культура аш-Шагия. Автореферат. Т.; 1987.
67. Салахиддин Хасанин. Ритмика песен суданского племени аш-Шагия. Проблема музыкальных культур народов Востока. Т.; 1985.
68. Сахаб Салим Мусса. Музыкальное искусство Ливана. Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. М.; 1987.
69. Синявер Л. Индийская музыка. М.; 1958.
70. Смирнов С.Р. Образование и пути развития северо-суданской музыки. М.; 1977.
71. Танч Дженгиз. Традиционная и современная музыка в Турции. Традиции музыкальных культур народов Ближнего Среднего Востока и современность. М.; 1987.
72. Унгер Этем, Турк мусикаси хусусиятлари. Нафосат журнали.Т.; 1993. 3–4 сон.

73. Устод Мадади. Афгон халк мусиқа анъаналари. Самарқанд III симпозиуми маърузаси. 1988.
74. Фитрат А. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи Т.; 1993.
75. Хабиб Наваби Сангирах-е Устад-е Қосим Афғони. Қобул, 1957.
76. Хабиб Тума. Макам как явление. Профессиональная музыка устных традиций народов Ближнего, Среднего Востока и современность. Т.; 1981.
77. Хабиб Тума. Об арабской музыке. Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. М.; 1987.
78. Чайтанья Б. Дева. Индийская музыка. М.; 1980.
79. Черкасова Н. Об одном аспекте теории индийской раги как явления монодической культуры. Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. М.; 1987.
80. Шанкар Р. Музыка народов Азии и Африки. Вып. 4, М.; 1984.
81. Шанкар Р. Тала – хлопки в ладоши. Музыка народов Азии и Африки. Вып. 5. М.; 1987.
82. Шоттен А. Обзор марокканской музыки. М.; 1967.
83. Эльснер Ю. Западно-восточные связи классической Алжирской музыки М.; 1987.
84. Ozkan Ismail Hakki. Turk musikisi nazariyati ve usulleri. Istanbul, 1987.
85. Elsner J Die Musikkultur Agupytens. Musik und Gessel schatf, № 6, 1968.
86. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. I т, Т.; 2000.
87. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II т, Т.; 2002.
88. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. V т, Т.; 2003.
89. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VIII т, Т.; 2004.
90. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. X т, Т.; 2005.
91. Қодиров П. Жаҳон мамлакатлари. Т.; 2009.
92. Ғофурбеков Т. Сайланма. Т.; 2009.

ДИСКОГРАФИЯ

1. Муҳаммад ал-Фаргоний. Андалус нубалари



2. Араб мусиқаси Дрис ал Малоуми, уд дижросида.



3. Ламин Белаала. Алжир мусиқаси.



4. Умм Кулсум ижросида кўшиқлар.



5. Судан мусиқаси. Гихад Гибреил ва Фотиҳ Муҳаммад ижросида.



6. Эрон мусиқаси Фозил Жамшиди ижросида.



7. Афғон мусиқаси.



8. Турк мусиқаси. Шавки Бей



9. Покистон мусиқаси. Ҳожи Ғулом Фарид Сабри, Ҳожи Макбул Аҳмад Сабри ижросида “Қаввали” жанридан намуналар.

Нусрат Фотиҳ Али Хон ижросида “Қаввали” жанридан намуналар.

Баҳавуддин Каввал ижросида “Қаввали” жанридан намуналар.



10. Ҳиндистон мусиқаси. Рави Шанкар (сетор) ижросида хинд рагалари.



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
АРАБ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	6
МАҒРИБ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	16
ЖАЗОИР МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	20
ТУНИС МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	24
МАРОКАШ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	28
СУДАН МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	30
МАШРИҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	35
МИСР МУСИҚА МАДАНИЯТИ	37
ИРОҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	42
СУРИЯ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	46
ЭРОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	51
АФҒОНИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	64
ТУРК МУСИҚА МАДАНИЯТИ	73
ҲИНДИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ	82
ПОКИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ.....	94
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	100
ДИСКОГРАФИЯ.....	104

Ganieva I.A.

**SHARQ MAMLAKATLARI
MUSIQA TARIXI
(o'quv qo'llanma)**

Muharrir: L. Mahmud, S. Rahmonova

Musahhih: I. Malikova

Texnik muharrir: R. Malikov

Kompyuterda tayyorlovchi: B. Ashurov, T. Filatova

Bosishga ruxsat etildi 27.02.2010. Qog'oz bichimi 70x100¹/₁₆.


Times New Roman garniturasida ofset usulida bosildi.

Shartli b.t. 8,7. 160 nusxada chop etildi.

Bahosi shartnoma asosida. Buyurtma №. 07.

JIDUda chop etildi

100113, Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi 54.



ISBN 978-9943-369-39-9



9 789943 369399